

## «ВОДИЙНОМА»

(Тарихий мерос)

Ижтимоий-тарихий, илмий ва оммабоп журнал  
2022 йил №1 (24)

**Муассис:** «Мерос» халқаро илмий-амалий  
экспедиция жамоат фонди

**Ҳамкоримиз:** Андижон давлат университети

### Бош муҳаррир:

Рустамбек Шамсутдинов

### Бош муҳаррир ўринбосари:

Абдулла Шаропов

### Таҳрир ҳайъати:

Ақромжон Юлдашев – б.ф.д., профессор

Абдулла Расулов – т.ф.д., профессор

Жамшид Жўразода – т.ф.д., профессор

Кудияров Алишер – т.ф.н., доцент

Мамбет Қойгелдиев – т.ф.д., академик

Муҳаммаджон Алихожиев – т.ф.н., доцент

Мирсодиқ Исҳоқов – т.ф.д., профессор

Наим Каримов – ф.ф.д., академик

Нурмонжон Фафуров – т.ф.д., профессор

Улугбек Абдуллаев – т.ф.д., профессор

Эргаш Юсупов – т.ф.н., доцент

Шухрат Ризаев – ф.ф.н., доцент

### Масъул котиб:

Шухрат Қаҳҳоров

### Техник муҳаррир:

А.Маҳкамов

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги  
томонидан 2018 йил 5 июнда № 0975 рақам  
билан рўйхатга олинган.

**Нашр индекси:** 170112

**Нашр учун масъул:** Р.Т.Шамсутдинов

**Таҳририят манзили:** 170100, Андижон шаҳри  
Университет кўчаси 129-уй.

**Телефон:** (99890) 253-26-32

**Факс:** (99874) 223-83-52.

**Почта:** vodiynoma@mail.ru

Босишга рухсат этилди: 23.12.2021 й  
Қоғоз бичими 60x84 1/8, Босма тобоғи: 13,5  
Офсет босма. Офсет қоғози. Адади: 500 дона.

Баҳоси келишилган нархда. Буюртма № 19

Чоп этилган мақолаларда билдирилган фикр-  
мулоҳазалар таҳририят нуқтаи назарига мос  
келмаслиги мумкин. Келтирилган факт ва  
рақамларнинг аниқ ва холислиги учун муаллиф  
жавобгар ҳисобланади.

Муқова дизайни ва оригинал макет  
«Akademnashr NMM» МЧЖ томонидан тайёрланган.

«Akademnashr» МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди.  
100185 Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Сўгалли  
ота кўчаси 5-уй.

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар  
Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация  
Комиссияси раёсатининг 2017 йил 29 мартдаги  
239/5-сонли қарори билан Тарих фанлари бўйича  
илмий журналлар рўйхатига киритилган.

## МУНДАРИЖА

### БОШ МУҲАРРИР МИНБАРИ

Ўзбекистоннинг биринчи раҳбари Акмал Икромовнинг фожиали  
тақдирига оид ҳужжатлар ..... 2

### ЖАДИДЧИЛИК ҲАРАКАТИ ФИДОЙИЛАРИ ТАРИХИДАН

#### Р.Шамсутдинов

Буюк рус ёзувчиси Л.Н.Толстой билан мулоқотда бўлган  
Убайдуллахўжа Асадуллахўжа ўғли ҳаётидан лавҳалар ..... 7

### «КАТТА ТЕРРОР» ВА УНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ФОЖИАЛИ ОҚИБАТЛАРИ

#### Р.Р.Шамситдинов

Ўзбекистонлик сиёсий қатағон қурбонлари ..... 28

#### А.Маҳкамов, Ж.Аббасов

Қатағон қурбонининг набираси Андижонда ..... 37

#### Н.Юлдашева, Ж.Аббасов

Ўрта Осиё меҳнат-тузатув лагеридаги маҳбуслар тақдирига доир ..... 41

### ҲУЖЖАТЛАР ВА МАТЕРИАЛЛАР

#### Жасур Иминов

Шарқ халқларининг Боқудаги биринчи съезди ..... 51

#### Р.Шамситдинов

Таниқли жадидчи Мажид Қодировнинг фаолияти ва қисмати  
ҳақида ҳужжатлар ва материаллар ..... 96

### ТАЪЛИМ ВА ИЛМ ФИДОЙИЛАРИ ТАРИХИДАН

#### Алишер Кудияров

Раскрывший неизвестные грани истории края ..... 101

### ТАНҚИД ВА ТАҚРИЗ

#### Эргаш Юсупов

Инсон тақдири ҳақиқат ва тарих фалсафаси кўзгусида ..... 105

#### Р.Т.Шамсутдинов

«Я себя совершенно не признаю виновным!»  
Из истории протестного движения в Казахстане  
1960 – 1980-х гг.» номли китоби ҳақида мулоҳазалар ..... 108



# ЎЗБЕКИСТОННИНГ БИРИНЧИ РАҲБАРИ АКМАЛ ИКРОМОВНИНГ ФОЖИАЛИ ТАҚДИРИГА ОИД ҲУЖЖАТЛАР

Қадимги юнонлар қайғу, дард-алам енгилганларникидир, мағлуб бўлганлар ғам-ғуссада қолишининг ўзи кифоя қилмайди, улар қирғин қилинади ёки қулга айлантиради, ғолиблар эса зафарли урушлар тарихини битадилар, ўтмишни, хотирани ҳам эгаллаб оладилар деб айтганлари биз – тарихчиларга яхши маълум.

Буюк испан ёзувчиси Мигель де Сервантес ҳам ўз замонаси тарихчиларидан фарёд чекиб: «Қаллоб тарихчиларни сохта пул ясовчилардек қатл этиш керак», – деб ёзган эди.

Ана шундай ҳолат Ўзбекистон мустамлака бўлган пайтда юз берди. 130 – 140 йиллик тарихимиз – Россия ва Совет империяси мустамлакачилиги давридаги тарихимиз бошдан-оёқ сохталаштирилди, бузиб кўрсатилди. Мустамлакачилар тарихимизни ўз манфаатлари йўлида талқин этдилар. Халқнинг ўзи мазлум бўлгани каби, унинг тарихи ҳам маломатга қолди. Холисона тарихни яратишга изн берилмади. Тарихимизда адолатни ўрнатиш учун қилинган ҳар қандай саъй-ҳаракат таъқиб остида бўлди, бунга ҳаракат қилганлар таъқиб остига олинди.

Истибод кишанларидан қутулиш натижа-сидагина узоқ ва яқин тарихимизни янгилаш, холисона яратиш имконияти туғилди. Рисолалар, монографиялар, ҳужжатлар ва материаллар тўпламлари нашр этила бошлади, номзодлик, докторлик диссертациялари ҳимоя қилинди ва қилинмоқда. Бироқ ҳали-ҳамон чин, ҳаққоний

тарихни яратиш, айниқса, халқимизнинг етакчи миллий арбоблари ҳақидаги бор ҳақиқатни очиб бериш, тарихий воқеалар қандай кечган бўлса, шундайлигича баён этиш борасидаги ишлар талаб даражасида эмас. Биз, тарихчилар, миллий арбобларимизнинг фожиали тақдири ҳамон тадқиқот объекти бўлмаётгани учун жамиятимиз олдида қарздормиз. Умуман, миллий арбоблар ҳақида тўлақонли асарлар, ҳужжат ва материаллар тўпламлари, биографик эсдаликлар яратишдек муҳим вазифа илм аҳли эътиборидан четда қолмоқда. Бу ерда Ўзбекистон Компартияси МК биринчи секретари лавозимида фаолият кўрсатган, совет режими томонидан қатл этилган Акмал Икромовнинг фожиали тақдири ҳақида тўхталиб ўтишни лозим биламиз.


Маълумки, Акмал Икромов КПСС XX съезди томонидан Сталин шахсига сиғиниш ва унинг фожиали оқибатлари ҳақида қабул қилинган қарорлар асосида реабилитация қилинган эди. Акмал Икромов ҳақидаги бор ҳақиқатни очиб бериш, адолатни тиклаш мақсадида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети қошида-



ги Партия тарихи институти, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Тарих институти томонидан 1972 – 1973 йилларда Акмал Икромовнинг танланган асарлари 3 жилдлик тўплами нашр этилди. Бу хайрли иш халқимизнинг мудҳиш қатағон оқибатларидан хабардор бўлишини таъминлади. 3 жилдлик тўпламда Акмал Икромовнинг матбуотда эълон қилинган мақолалари, унинг фаолияти ҳақида айрим расмий ҳужжатлар ва материаллар келтирилган, холос. Унинг шонли, серқирра, ибратли ҳаёт йўли, фожиали тақдири, ноҳақдан қатағон қилиниши тафсилотлари тарихий далиллар асосида тўла-тўқис ёритилган эмас. Китобда келтирилган материалларнинг ҳаммаси ўз замонасида эълон қилинган расмий тусдаги ҳужжатлардир. Тўпламда биронта ҳам архив ҳужжати йўқ. Бизнингча, бу архив ҳужжатларини илмий истеъмолга киритиш асосида илмий-оммабоп, тарихий асарлар, драма ва кинофильмлар яратиш авлод илим аҳли учун ҳам фарз, ҳам қарзидир.

Умуман олганда, оқ ва қизил мустамлакачилик даврида яшаган миллатимизнинг буюк вакиллари, жумладан, Акмал Икромов, Файзулла Хўжаев, Йўлдош Охунбобоев, Усмон Юсупов, Нуриддин Муҳиддинов, Шароф Рашидов каби шахсларнинг ҳаёт йўлини акс эттирувчи архив ҳужжатлари тўпламлари, монографик тадқиқотлар, номзодлик ва докторлик диссертациялари, бадий-драматик спектакллар, кўп серияли фильмлар яратиш давлат сиёсати даражасига кўтарилиши керак. Айни шундай улғувор вазифа Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг қатор фармон ва қарорларида, нутқ ва чиқишларида илгари сурилмоқда. Ҳар икки империя давридаги қатағон ва унинг даҳшатли оқибатларини кенг планда кўрсатиш халқимизни, айниқса, ёшларни ватанпарварлик, миллатпарварлик руҳида тарбиялашда катта аҳамиятга эга. Мазкур масалага хорижда ҳам эътибор катта. Бунга кичик бир мисол келтирамиз. Москвадаги «РОСС-ПЭН» нашриётида чоп этилган 2 жилдлик **«Советское руководство. Переписка. 1928 – 1941 гг.»** номли архив ҳужжатлари тўпламида (тузувчилар: А.В.Квашонкин, Л.П.Кошелева,

Л.А.Роговая, О.В.Хлевнюк) Акмал Икромовнинг қатағон қилиниш жараёнини акс эттирувчи ва ҳозирча ўзбек тарихшунослигига номаълум бўлган ҳужжатлар келтирилган. Улардан айримларини рус тилидан ўзбек тилига таржима қилиб, журналхонлар эътиборига ҳавола қиламиз.



№215

**А.А.Андреев И.В.Сталинга**

**1937 йил сентябрь Тошкентдан 17.IX.1937 йил Москва, ВКП (б) МК ўр. СТАЛИНГА**

Кеча МК пленуми очилди, мен МК мактуби, кўрсатма ва зарур тушунтиришларни ўқиб чиққач, Икромов сўзга чиқди, асосан ўз баёнотининг мазмун-моҳиятини барча гувоҳликларни инкор этиш билан такрорлади. Мен барча ўтқир саволларни, масалан, Зелкина билан, Цехер ва Болтабоевнинг у (Акмал Икромов назарда тутилмоқда – Р.Ш.) ҳақда пленумда эълон қилган янги гувоҳликларини четлаб ўтдим. У душман муҳитига кўр ва ишонувчан бўлиб чиққанини тан олди.

Баҳс бошланди, 12 киши, жумладан, 10 нафар ўзбекистонлик сўзга чиқди. Икромов ташкилотни уйқуга қўйгани, душманлар аллақачон мағлубиятга учрагани, ташкилот ўтмишда меньшевиклар, с[социалистлар]-р[еволюционерлар] билан курашда тарбиялангани, лекин ўтмишда мавжуд бўлган буржуа-миллатчилик ташкилотлари: «Миллий иттиҳод», «Иттиҳод ва тараққий» ва бошқаларни эҳтиёткорлик билан яширганлиги учун қаттиқ танқид қилинди. Икромовнинг троцкийчи бўлганлигини биринчи марта 23 – 24-йилларда билишган. Икромов Афғонистон билан чегара чизиғининг собиқ қулоқлар ва босмачилар томонидан тартибга солинганини билар эди. Улар Икромовни ҳибсга олинган Каримов, Болтабоев, Шермухамедов ва бошқаларни доимий ҳимоя қилгани учун, Икромовнинг Файзуллага



қарши ташкилотдаги танқидларини доимий химоя қилгани учун ва бошқа беъманилик ҳақидаги кўплаб фактларни кескин танқид қилдилар. Троцкийчилар ва буржуа миллатчилари ҳақида қуйи ташкилотлардан келаётган гапларга эътибор берилмаган, Қосимов ва бошқалар каби Совет Иттифоқига қарши элементларнинг Ички ишлар халқ комиссарлиги томонидан фош этилган гуруҳлари ҳақидаги жиноят ишлари сиёсат жиҳатидан тухмат қилинган ва ташкилотдан (Компартиядан – Р.Ш.) яширилган. Хулоса сифатида сўзга чиққанларнинг кўпчилиги Икромовга ишониб бўлмади ва уни лавозимидан озод қилиш керак деган фикрда, икки нафари Икромовнинг ўнг-троцкийчи ташкилотга мансублигини шубҳа остига олди.

Маълум бўлишича, масала пленум муҳокамасига қўйилган, райком котиблари ҳам ҳозир. Пленум яна бир ярим кун давом этади. Мен кейинги муҳокамалар ва юзага келадиган хулосалар ҳақида қўшимча маълумот бераман. Андреев.

РГАСПИ. Ф. 73. 2. Д. 19. Л. 34. Машинада ёзилган нусхаси.

Стр 371

Эслатмалар:

1. Турк миллатчи партияси «Иттиҳод ва тараққий» (Бирлик ва тараққиёт) 1899 йилда ташкил топган; 1926 йилгача мавжуд бўлган.

2. Ўзбекистон КП (б) МК пленуми 1937 йил 16 – 20 сентябрда бўлди. Пленумда ВКП (б) Марказий Комитетининг мактуби ва Андреевнинг «Ўзбекистон Компартияси МКнинг аввалги котиби Икромов Москвадаги антисовет ва ўнг-троцкийчи гуруҳлар ҳамда ўзбек халқининг буржуа-миллатчи сотқинлари билан боғлиқ жиноятларни фош этувчи тергов материаллари тўғрисида»ги хабари эшитилди. Икромов «халқ душманлари» (жумладан, Файзулла Хўжаев, Цехер, Болтабоев, Каримов, Шермухамедов, Зелкина)нинг «асосий партия ва совет раҳбарлик лавозимларига киришга тўлиқ имконият берганликда», жосусликда айбланиши, уларнинг фош этилишига йўл қўймаган. У «Москвадаги антисовет ўнг қанот Троцкий гуруҳлари раҳбарлари»

(Бухарин, Антипов, Полонский ва бошқалар) билан алоқадор эканлиги; 1923 йилда «троцкийчилар»нинг аъзоси эканлигини Ўзбекистон партия ташкилотидан яширган». Пленум Икромовни биринчи котиблик лавозимидан четлаштириш, уни партиядан ўчириш, «у ҳақидаги ишни зудлик билан тергов органларига топшириш» тўғрисида қарор қабул қилди (РГАСПИ. Ф. 17. Оп. 120. Д. 288. Л. 56). Икромов 1938 йил март ойида «антисовет ўнг қанот аксилинқилобий блоки» деб номланган судда ўлимга ҳукм қилинган. Ҳужжатларга қаранг: 216, 217, 218.

## №216

### **А.А.Андреев И.В.Сталинга**

1937 йил сентябрь, Тошкентдан, 18.IX.37. Москва, ВКП (б) Марказий Комитети, ўрт. СТАЛИНГА.

Икки ярим кун давомида пленум аъзолари ва райком котибларининг чиқишлари Икромовни ҳар томонлама қоралади. У, айниқса:

1) Шермухамедов, Цехер, Каримов, Манжара, Болтабоев ва бошқаларнинг ҳозир фош этилган тўдаларининг ҳаммаси, улар қилаётган антисовет ва партияга қарши қилмишларига қарамай, уларга ҳомийлик ва доимий химоя қилганликлари фош этилди.

2) Партия ташкилотини сиқувга олиш, танқидга йўл қўймаслик, сукунатни бузганларга нисбатан аёвсиз чора кўриш айблари.

3) Охунбобоев, Икромов ва Цехерларнинг Антипов билан ўзбек ишлари бўйича учрашувлари ҳақида жуда муҳим фактларни келтирилганлиги айблари қўйилди.

Ҳибсга олинган Икромов, Болтабоев, Цехер, Каримов, Шермухамедов, Эрматов, Тожиев ва Исломовга яқин шахслар Икромовнинг антисовет ташкилотидаги етакчи роли ҳақида гувоҳлик беришди.

Муҳокама ва янги кўрсатмалар, шунингдек, Каримовнинг хатти-ҳаракатлари натижасида унинг советларга қарши ишга алоқаси ва иштирокига энди шубҳам қолмади. Кўриниб турибдики, у яхши ниқобланган фитначи бўлиб, Совет Иттифоқига қарши ва бузғунчилик



ишларини бошқаларга ишониб топширган ва Марказий Комитет олиб бораётган сиёсат дирижёри қиёфасида қолган. Ўйлаймизки, муҳокама эртага маҳаллий вақт билан соат 15:00 да тугайди.

Икромовни лавозимидан озод қилиш фикри устунлик қилмоқда, бу, албатта, қабул қилинади. Менимча, шундан кейин уни ҳибсга олиш керак, бу Бельскийнинг фикри. Биз ҳозирча Марказий Комитет Бюросини сайламасдан, навбатдаги пленумда, биринчи котиб номзоди аниқ бўлгач, кейинроқ одамларни текшираемиз. Сизнинг кўрсатмаларингизни муҳокама тугашидан олдин олишни маъқул деб биламан.

Эслатмалар:

1. №215 ҳужжатга қаранг.
2. 217-, 218-сонли ҳужжатларга қаранг.
3. Лойиҳада мактуб охирида: «Илтимо, зудлик билан ўртоқ Сталинга топширинг» (РГАСПИ. Ф. 73. У. 2. Д. 19. Л. 39) жумласи бор эди.

#### №217

**И.В.Сталин, В.М.Молотов А.А.Андреевга**

1937 йил сентябрь Москвадан. 19.IX. соат 19:52 да. Қабул қилинган 20.IX. Тошкент вақти билан 1:05 да.

Тошкент. ЎзКомпартия (б) МК ўртоқ Андреевга.

Агар пленум Икромовни ҳибсга олишни талаб қилса, уни ҳибсга олиш мумкин, бўлмаса, биз уни ҳозирча котиблик лавозимидан озод қилиш ва ВКП (б) ихтиёрига бериш билан чекланиб қоламиз. Икромовнинг кейинги тақдири сиз Москвага қайтганингиздан кейин Москвада ҳал қилинади.

Сегизбоев номзодига маҳаллий масъул ходимларнинг муносабати қандай? Тўрабеков қандай одам? ХКС раиси бўлиб ким қолади? Ўзбекистон Марказий Комитетининг вақтинчалик биринчи котиби ким бўлади? Тожикистонга боришни ўйлаяпсизми? Қачон?

Сталин. Молотов.

РГАСПИ. Ф. 73. Опись 2. Д. 19. Л. 44. Машинада ёзилган нусхаси.

Эслатмалар:

1. 215-, 218-, 219-сонли ҳужжатларга қаранг.

#### №218

**А.А.Андреев И.В.Сталинга**

1937 йил сентябрь. Москва Коммунистик партияси (б) Марказий Комитети, ўртоқ Сталинга.

Икромовнинг душман эканлигига ҳеч қандай шубҳа йўқлиги сабабли Ўзбекистон МК пленуми бир овоздан Икромовни ҳибсга олишни талаб қилди ва уни котиблиқдан четлаштириш ҳамда партия сафидан чиқариш тўғрисида ўзбек масъул ходимлари томонидан тақдим этилган қарорни бир овоздан қабул қилди. Шундан сўнг Икромов ҳибсга олинди. Пленум Яковлевни иккинчи котиб этиб тасдиқлади ва янги бюро ва биринчи котибни сайлаш учун бир ҳафта ичида пленум чақиришга қарор қилди. Пленум давомида мен одамларга диққат билан қарадим, уларнинг турли хил номзодларга муносабатини сўрадим.

Мен қуйидагиларни айтишим мумкин: 1) Сегизбоевга қулоқлар оиласидан келиб чиққанлиги ва 24 ёшгача бўлган буржуа миллатчилари билан алоқадорлиги сабабли аҳамиятсиз муносабатда бўлишди. Шунингдек, ҳибсга олинган Мўминов Муҳаммад, Турсунхўжаев Саъдулла, Мирзараҳматов ва бошқаларнинг 24 – 25-йилларга тегишли кўрсатмалари бор; 2) Тўрабеков ишбилармонлик ва сиёсий хислатлари бўйича раҳбарликка ярамайди, унга бўлган муносабат ёмон, Халқ Комиссарлари Совети раисининг ўринбосари сифатида сақлаб қолиниши мумкин бўлган шахс. Биринчи котибликка номзодлар ичида Сегизбоев тушиб қолса, ҳозир Акмалобод райком котиби, қобилятли, саводли, ўзбек ишчиларининг энг кўзга кўринганларидан бири Ризаев мос келади. Учунчи котибликка партия ишида жиддий тажрибага эга бўлган Беҳбудий райком котиби Мақсумов ёки Зомин округ комитети котиби Абдукаримов мос бўларди. Халқ Комиссарлари Совети раисига ҳозир озиқ-овқат саноати халқ комиссари лавозимида ишлаган Юсупов ёки Каганович райкомининг котиби Каримов номзоди кўрсатилиши мумкин. Уларнинг барчаси пленумда ўзини яхши тутиб, жиддий таассурот қолдирди, умуман олганда, бу ерда номзоди кўрсатилиши керак бўлган одамлар бор. Жумладан, ҳибсга олинган Цехер, Болтабоев, Шермухамедовлар



нинг кўрсатмаларини тўғри текшириш учун таклифлар беришга шошилмадим. Номзодлар турли манбалар орқали текширилади. Икки-уч кундан кейин Марказий Комитетга якуний таклифларимни билдираман. Ҳозирча бюронинг ҳозирги аъзолари ва Яковлев ишлайди, мен эса биринчи котибнинг вазифаларини бажарим керак. Пахта йиғим-теримига яхши тайёргарлик кўрилмагани учун пахта устида қаттиқ ишлашга мажбур бўлдим. Бу масала бўйича котиблар билан йиғилиш ўтказдим, яхшиланиш учун барча чораларни кўряпмиз, ҳосил жуда яхши. Бу ерда партия совет ҳокимиятини тuzиб, ташкилотларни душманлардан озгина тозаласак, албатта Тожикистонга бораман. Мен 26-кун кетмоқчиман. Андреев. 20.IX.37.

РГАСПИ. Ф. 73. Оп. 2. Д. 19. Л. 49 – 50. Автограф.

Эслатмалар:

1. №215 ҳужжатга қаранг.

2. 1937 йил 29 сентябрда Сиёсий бюро Ўзбекистон КП (б) МК томонидан тақдим этилган Бюронинг янги таркибини тасдиқлади: Юсупов (биринчи котиб), Яковлев (иккинчи котиб), Худойқулов (учинчи котиб), Сегизбоев (Халқ Комиссарлари Совети раиси), Охунбобоев, Ризаев ва бошқалар (РГАСПИ. Ф. 17. Оп. 3. Д. 992. Л. 23).

3. №219 ҳужжатга қаранг.

4. Телеграмма жўнатилганда охирида шундай ёзув ёзилган эди: «Бундан ташқари, Фарғона, Самарқанд, Бухоро пахтакор районлари ва колхозларига ҳам боришим керак» (Ўша ерда. Ф. 73. Оп. 2. Д. 19. Л. 48).

Стр.374



# БУЮК РУС ЁЗУВЧИСИ Л.Н.ТОЛСТОЙ БИЛАН МУЛОҚОТДА БЎЛГАН УБАЙДУЛЛАХЎЖА АСАДУЛЛАХЎЖА ЎҒЛИ ҲАЁТИДАН ЛАВҲАЛАР


Рустамбек ШАМСУТДИНОВ

Барчамизга маълумки, ҳар бир суверен давлат ўзининг бетакрор тарихи ва маданиятига эгадир. Бу тарих, бу маданиятнинг ҳақиқий ижодкори, яратувчиси эса ҳақиқи равишда шу мамлакатнинг халқи ҳисобланади.

Ўзбек халқининг неча минг йиллик тарихида қандай мураккаб даврлар, оғир синовлар бўлганини барчамиз яхши биламиз.

Ўзбекистоннинг энг янги тарихи ва биз эришган оламшумул ютуқлар мард ва матонатли халқимиз ҳар қандай қийинчилик, тўсиқ ва синовларни ўз кучи ва иродаси билан енгиб ўтишга қодир деб баралла айтишга тўла асос беради.

Биз аждодларимизнинг ёрқин хотирасини асраб-авайлаб, қалбимизда, юрагимизда абадий сақлаймиз.<sup>1</sup>



Буюк рус ёзувчиси Лев Николаевич Толстой  
(1878 – 1942)



Убайдуллахўжа Асадуллахўжаев  
(1878 – 1942)

Туркистон ўлкаси махфий хизмати сиёсий полицияси бошлиғи полковник Волков Фарғона области ҳарбий губернаторига 21 сентябрда йўллаган мактубида Андижон шаҳрида 1916

йил 1 июлдан бошлаб рус тилида 16 саҳифалик ҳукуматга қарши руҳдаги «Туркестанский голос» (Туркистон овози) газетаси чиқа бошлаганини таъкидлайди. Яна қуйидаги маълумот-

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016. – Б.5.



ларни ҳам беради: «Газета моддий ресурслар етишмаслиги сабабли нафақат Чайкин ҳисобидан, балки нашриёт бирлашмаси ҳисобидан ҳам нашр этилмоқда. Газетани маҳаллий зиёлилар қаттиқ қўллаб-қувватлашмоқда, у маҳаллий аҳоли манфаатларини ҳимоя қилишни ўз зиммасига олди, жаноб Чайкин эса туб аҳоли орасида машҳур». Худди шу мактубда Волков ушбу газета таҳририятининг таркибини қайд этади: муҳаррир, ношир – Анастасий Афанасьевич Чайкин, уй, ёзги қароргоҳ, асаларичилик фермаси эгаси, ўзаро ёрдам жамияти раиси. Таҳририят таркиби: Вадим Афанасьевич Чайкин (А.А.Чайкиннинг укаси) Уфа гимназиясида ўқиб юрган чоғида ўқувчилар ўртасида сиёсий ғояларни тарғиб қилган, Уфа губернаторига суиқасд уюштиришда шерик бўлган, 1905 йилдаги инқилобий воқеалар иштирокчиси ва 1908 йили социалистик инқилобчи сифатида ҳибсга олинган, 1916 йил ёзида Андижонга келган. Таҳририятнинг иккинчи ходими тошкентлик сартлардан, ҳуқуқшунос Убайдуллахўжа Асадуллахўжаев Андижонда яшаб ишлаган, газета ходими ва акциядори эди. Фидойи панисломчи сифатида 1913 йилда Чор Охранкасининг об-ласть бошқармаси томонидан ҳибсга олинган.

«Туркестанский голос» газетасининг ташкилотчиларидан бири жади́дчилик ҳаракатининг кўзга кўринган арбоби Убайдуллахўжа Асадуллахўжаевдир. У бутун умр машъум мустамлакачилик, миллий қуллик ва истибдодга қарши мардонавор кураш олиб борди ва шу эзгу иш йўлида қурбон бўлди. Бу ўзбек фарзандига чоризм ва совет ҳокимиятининг етакчи арбоблари ўта эҳтиёткорлик ва ҳурмат билан муносабатда бўлганлар.

2017 йил 23 июнда Олма-ота шаҳридаги Абай номи қозоқ миллий педагогика университетида «Алашўрда ҳукумати ва Алаш автономияси (мухторияти)нинг 100 йиллигига бағишланган «Алаш Урда, Туркестанская автономия: взгляд через столетия, позиция, выводы» мавзуидаги халқаро илмий конференцияда иштирок этган эдим. Конференция мавзуси бўйича университет ректори, профессор Т.О.Балыкбаев, проректор, профессор Г.К.Кенжабаев, университет фан бўлими бошлиғи Б.Е.Оспанов, академик

М.К.Койгелдиев, И.Арабаев номидаги Қирғиз давлат университети ректори, т.ф.д. проф. Т.А.Абдирахмонов, Андижон давлат университети профессори Р.Т.Шамсутдинов, Ж.Баласағын номидаги Қирғиз миллий университети профессори Т.О.Омарбеков, Ч.Ч.Валихонов номидаги Тарих ва этнология институти етакчи илмий ходими, т.ф.н. А.Даулетхан, ф.ф.д., профессор Т.Журтбай чиқиш қилдилар.

Бу халқаро илмий анжуманда профессор Турсын Журтбайнинг Алаш Ўрда миллий демократик давлати тарихи ҳақидаги чиқиши кўпчилик қатори менда ҳам кучли таассурот қолдирди. Конференция тугагач, бу ажойиб олим деярли 3 йил фаолият кўрсатган қозоқ миллатининг биринчи миллий демократик давлати – Алаш Ўрданинг бой ва бетакрор тарихи акс эттирилган «Боль моя, гордость моя – Алаш!» номи забардаст китобни менга тақдим қилди. Шунда 72 кун фаолият кўрсатган Ўрта Осиёдаги биринчи миллий демократик давлат – Туркистон мухторияти тарихи ҳақида Ўзбекистонда ҳалигача капитал асар яратилмаганидан афсусландим. Тўғри, тарихчи С.Аъзамхўжаев мазкур мавзу бўйича докторлик диссертацияси ҳимоя қилган ва чоғроқ монографиясини эълон қилган. Аммо Туркистон мухторияти давлатининг майдонга келиши ва унинг қисқа фурсатда большевизм томонидан бўғизлаб ташлангани, мухториятчиларнинг тақдири, уларга нисбатан узоқ йиллар давомида советлар олиб борган қатағон сиёсати ва амалиёти ҳали-ҳанузгача кенг доирада тадқиқ этилмаётгани жуда ачинарли. Ҳар бир мухториятчининг ҳаёт йўли алоҳида тадқиқотни тақозо этади. Туркистон мухторияти давлатининг тарихи бўйича кўплаб ҳужжат ва материаллар тўпламлари, монографик асарлар, ҳужжатли, бадиий фильмлар яратилиши зарур.

Туркистон мухторияти 1917 йил 26 – 28 ноябрь кунлари бўлиб ўтган Туркистон ўлкаси мусулмонларининг навбатдаги IV съезидида ташкил топган. Бу тарихий воқеа Қўқон шаҳрида ҳозирда ҳам мавжуд бўлган Жомеъ масжиди биносида юз берган. Қурултой вакиллари беш вақт намозларини шу масжидда ўқиганлар.



Туркистон мухторияти ташкил этилган кунни Фитрат «миллий лайлат ул-қадримиз» деб атаган. Қўқон шаҳрида таниқли давлат арбоби, 1929 йил декабридан ЎзССР молия халқ комиссари лавозимида ишлаган, 1938 йил 4 октябрда Тошкентда СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси сайёр сессияси ҳукми билан отилган Акбар Исломович Исломовнинг хотирасига бағишланган катта илмий-амалий анжуманда қилган маърузамда Қўқон шаҳридаги ҳозирда ҳам сақланиб қолган Жомеъ масжиди биносида Ўрта Осиёдаги биринчи миллий демократик Туркистон мухторияти тарихи музейини ташкил этиш ғоясини илгари сурган эдим. Таклифим маъқул бўлиб, зал гулдурос қарсақлар остида қолган эди. Ўша пайтдаги шаҳар ҳокими бу ғояни маъқуллаган, масалани ҳал қилиш ҳақида ваъда берган эди. Мана, орадан 4 йил ўтдики, Туркистон мухторияти музейидан дарак йўқ. Фикримча, Қўқон шаҳрида Туркистон мухторияти тарихи музейини ташкил этиш ниҳоятда долзарб сиёсий, ижтимоий, маънавий, маърифий аҳамиятга эгадир.

Ўрта Осиё ва Қозоғистонда жуда катта раҳбарлик лавозимларини эгаллаган, Бухоро, Тошкент, Қўқон шаҳарларида яшаган, 1919 – 1920 йилларда Туркистон АССР соғлиқни сақлаш халқ комиссари, 1920 йили Туркистон АССР ер хўжалиги халқ комиссари, 1920 йил 19 июлдан Туркистон Компартияси Марказий Комитети Ижро бюроси аъзоси, 1921 – 1924 йилларда РКП (б) Ўрта Осиё бюроси аъзоси, 1925 йили Қозоғистон Марказий Ижроия Комитетининг Ўзбекистон ССРдаги масъул вакили, 1925 – 1928 йилларда СССР Марказий Ижро Комитети Президиуми аъзоси, 1927 – 1928 йилларда Москва Шарқшунослик институтининг директори лавозимида ишлаган, 1938 йил 25 февралда СССР Олий суди Ҳарбий коллегиясининг сайёр сессиясида отува ҳукм қилинган, 1958 йил 26 майда реабилитация қилинган қозоқ халқининг асл фарзанди Санжар Саиджафорович Асфандиёров Ўрта Осиёдаги жадиदчилик ҳаракатига юксак баҳо бериб, «Жадиждар «Алаш Ўрда»нинг ўтмишдошларидир», – деб кўрсатган.

1917 йил 18 – 26 декабрь кунлари Оренбург шаҳрида бўлиб ўтган 2-Умумқозоғистон қу-

рултойида асос солинган, 1920 йил 5 мартда Қозоқ ўлкасини бошқариш бўйича большевикларнинг ҳарбий-революцион комитети томонидан тугатилган Алаш Ўрда миллий-демократик давлатининг фаол аъзоларидан Мустафо Чўқай, Муҳаммаджон Тинишбоевларнинг инқилобий, ижтимоий-сиёсий фаолияти ҳақида диссертациялар ҳимоя қилинган, монографик тадқиқотлар юзага келган, алаш ўрдачилар фаол раҳбарларининг номлари абадийлаштирилган. Айниқса, таниқли профессор, йирик жамоат арбоби Турсын Журтбайнинг 2019 йили нашрдан чиққан «Боль моя, гордость моя – Алаш!» номли улкан китоби кенг қамровлилиги билан ажралиб туради.



Санжар Саиджафорович  
Асфандиёров  
(1889 – 1938)



Турсын Журтбай

Турсын Журтбай ўзининг забардаст асариде Туркистон мухторияти ва унинг лидерлари ҳақида илиқ фикрлар билдирган. Унинг айрим фикрларини келтирамиз.

Маълумки, Сталин Шарқ халқларининг мустақиллигидан энг кўп қўрқарди. Бинобарин, унинг ўзи иродали миллий арбобларга чидай олмади, уларнинг бирортасига ҳам ишонма-



ди, давлатни бошқаришга яқинлаштирмади. Турсын Журтбай РСФСР миллатлар иши халқ комиссари И.В.Сталиннинг «Жизнь национальностей» журналининг 1918 йил 24 ноябрдаги 3-сонида чоп этилган «Не забывайте Востока» номли кичик мақоласидан мана бу парчани келтирган: «Бусиз (Шарқсиз – Т.Ж.) социализм ғалабаси, империализм устидан тўлиқ ғалаба ҳақида ўйлашнинг иложи йўқ. Коммунизмнинг вазифаси Шарқнинг мазлум халқлари орасида асрлар давомида яшаб келаётган уйқуни йўқ қилиш, бу мамлакатларнинг ишчи ва деҳқонларига инқилобнинг озодлик руҳини юктириш, уларни империализмга қарши курашга уйғотишдир».<sup>1</sup>

Қозоғистонда тезроқ социализмга эришиш учун Ф.И.Голошчекин бу ерга «десант» сифатида юборилди... Голошчекин қозоқ халқи ва унинг энг яхши вакиллари учун ҳақиқий балога айланди ва халқ унга «Кузак» деган лақаб берди, бу «тор ёноқ», «тор юзли», «айёр тумшук» деган маънони англатади. Қозоғистонга келиб, дарҳол «ҳаммани супуриб ташлаш», «ҳаммани истисносиз жазолаш», ҳар хил «фигуралар» (қозоғистонлик ходимларга) «бошларига лаънат ёқаларини кийдириш» сиёсатини бошлади, ҳаммасини халқ душмани сифатида йўқ қилишга киришди. Голошчекин 1925 йил 1 декабрда область бошлиғи бўлди. Декабрь ойида бизга машҳур Г.Колбин ҳам етиб келди ва унинг тайинланишига бағишланган Бутун-қозоғистон партия конференциясида шундай деди: «Фақат 1925 йилдагина (яъни у келганидан кейин) қозоқ партия ташкилотини большевиклаштириш бошланди. 1917 йил октябрдан 1925 йил сентябргача совет ҳокимияти бўлмаган, қозоқ қишлоғи октябрь нафасини ҳис қилмаган». Унинг кўзига бутун қозоқ халқи эмас, фақатгина бойлар ва «мансабдорлар» тушганди. У декабрь ойида келибоқ дарҳол айбдорларни қидира бошлади. 1927 – 1930 йилларда тергов ҳаракатлари олиб борди.

Бунинг натижасида СССР Халқ Комиссарлари Совети қошидаги ОГПУ коллегияси 1931 йил 4 апрелда қарор чиқарди, унда шундай дейилган:

<sup>1</sup> Жизнь национальностей. 1918 г. 24 ноября. №3. С.173.

«Алаш Ўрда» таркибига кирувчи, миллатчи аксилинқилобий ташкилотдаги бир гуруҳ қозоқ миллатчиларига ва унга алоқадор миллатчиларга қарши 2370-сонли иш бўйича айблов:

**«Октябрь инқилобидан кейин «Алаш Ўрда» миллатчи партияси сафига қўшилгани учун;**

**Оқ гвардия казаклари таркибида аксилинқилобий генерал Колчак билан бирга-лиқда совет ҳокимиятига қарши очиқ кураш олиб боргани учун;**

**«Алаш Ўрда» ҳукумати аъзолари амнистия қилинганидан кейин аксилинқилобий жамият тузгани учун;**

**Қозоғистонни Россиядан ажратиб олиб чиқишга урингани учун;**

**Совет ҳукуматини ағдаришга урингани, йиғилиш уюштириб, қозоқ миллий-буржуа республикасини барпо этишга урингани учун;**

**Қозоқ миллий-буржуа зиёлиларининг энг яхши намояндаларидан бири бўлгани учун отиб ташланади».**

Ушбу рўйхатнинг биринчи ярмидагилар ўлимга ҳукм қилинди, баъзиларга берилган ўлим жазоси йигирма беш йиллик қамоқ жазосига алмаштирилди, қолганлари Сибирга сургун қилинди. Шундай қилиб, халқ энг илғор фарзандларисиз қолди.

Аммо дашт таянчсиз қолмади, халқнинг кучи қуриб қолмади, унда бошқа курашчилар, буюк шахслар етишиб чиқди.<sup>2</sup>

Мазкур асарда Туркистон мухторияти ички ишлар халқ комиссари Убайдуллаҳўжа Асадуллаҳўжаев ҳақида шундай сатрлар бор:

«1921 йил ёзида очарчиликдан сақлаб қолиш учун 20 000 европалик кўчкиндилар Туркистонга келтирилгани ҳолда чўлдаги қозоқларни очарчиликдан сақлаб қолиш учун уларга ҳеч



<sup>2</sup> Турсын Журтбай. Боль моя, гордость моя – Алаш! – Астана: Аударма, 2016. – С.83 – 84.



қандай ёрдам кўрсатмаганлар, улар тақдир ҳукмига ҳавола қилинганлар. Аҳмад Закий Валидий рус ва яҳудий партияларига мансуб комиссия аъзолари Туркистонга келтирилган озиқ-овқатни фақат рус аҳолиси ўртасида тақсимлаганлари, маҳаллий халққа эса кичкинагина ҳисса ажратганлари ёки умуман ҳеч нарса ажратмаганларини танқид остига олган. Шунда Убайдуллаҳўжа Асадуллаҳўжаев ва қозоқлардан адвокат Абдурахмон Ўразаевлар ҳам ана шундай шовинистик қарорга кескин қарши турган эдилар».<sup>1</sup>

Убайдулла Хўжаев бутун онгли ҳаётини ўз халқини ижтимоий қуллик, жаҳолат занжиридан, зулмат ўтмишидан озод қилиш, яхшироқ, маърифатли, маданиятли ҳаётга эришишга

бағишлади. У 1914 йилда ўзининг «Маромнома» газетасида туркистонликлар ахлоқий, маданий, маънавий ҳаётининг ўта аянчли, фожиали манзарасини шундай таърифлаган эди: «Бундан маълум бўладики, биз, туркистонликлар, ҳозирда на замонга қараб ҳаракат қиламиз, на дин ва шариатимизга бўйсунамиз ва на тарихимиздан ибрат оламиз. Бизнинг шул қадар ғафлат жаҳолатимизни кўра туриб янада сабр ва таҳаммул ила сукут этмоқ муқаддас Ватанимиз ва меҳрибон онамиз бўлган Туркистонга кўп оғир келди...»

«Туркестанский голос» газетасининг бошқа ходимларига тавсиф бермай, Убайдулла Хўжаев ҳақидаги ҳужжатли ҳикояни бошлай-



## Письмо Л. Н. Толстого.

Асная Поляна. 5 июня 1909..

Убайдулла Асадуллаевич,

Вы спрашиваете меня, как поступить, признавая учение о непротивлении, в томъ случаѣ, когда мнѣ известно, что человекъ намѣняется сдѣлать зло многимъ людямъ, и не лучше ли употребить насилие противъ этого одного человека, чтобы не дать погибнуть многимъ?

Простите меня, но вашъ вопросъ, подобный которому дѣлають многие, вызывается не желаніемъ знать истину, а скорѣе, напротивъ, желаніемъ оправдать свое неисполненіе того, что считаешь истиной. Учение любви, неизбѣжно включающее въ себя понятіе непротивленія, указываетъ тотъ идеалъ, къ которому свойственно стремиться человеку. Принимать же идеалъ за правило поведенія есть большая ошибка или самообманъ. Идеалъ только тогда и идеалъ, когда онъ требуетъ

<sup>1</sup>Турсын Журтбай. Боль моя, гордость моя – Алаш! – Астана: Аударма, 2016. – С.75.



Простите меня, но ваш вопрос, подобный которому делают многие, вызывается не желанием знать истину, а скорѣе, напротивъ, желанием оправдать свое неисполнение того, что считаешь истиной. Учение любви, неизбѣжно включающее въ себя понятие непротивленія, указывает тотъ идеаль, къ которому свойственно стремиться человѣку. Принимать же идеаль за правило поведения есть большая ошибка или самообманъ. Идеаль только тогда и идеаль, когда онъ требуетъ **полнаго совершенства**, того, что никогда вполне недостижимо въ этой жизни, но онъ необходимъ, какъ руководство для нея, и необходимъ только тогда, когда указываетъ именно это недостижимое въ жизни совершенство. То же и съ идеаломъ любви. Разсужденіе о томъ, что *такъ какъ* требованія любви, включающей непротивленіе, не могутъ никогда быть вполне выполнены, подобно разсужденію человека, которому данъ бы былъ компасъ для того, чтобы онъ въ своемъ путешествіи могъ руководиться прямымъ направлениемъ къ цѣли, и который сказалъ бы, что такъ какъ на прямомъ пути, указываемомъ компасомъ, встречаются непреодолимые препятствія - горы, рѣки и т. п., то ему и не нужно преодолевать препятствія - горы, рѣки и т. п., то ему и не нужно сообразоваться съ компасомъ, приближаясь насколько возможно къ совершенно прямому направлению, а можно идти и въ сторону и куда попало. Компасъ этотъ въ вопросѣ любви, включающей непротивленіе, есть нравственно-религіозное чувство, которое всегда показываетъ человѣку, что ему должно дѣлать (направленіе для путешествующаго); **последствія же, то, что происходитъ изъ его поступковъ, никогда неизвестны** человѣку. И потому какъ для путешествующаго единственное руководство есть наибольшее приближеніе къ тому совершенно прямому направлению, которое указываетъ компасъ, такъ и для живущаго въ этой жизни человекъ единственное руководство въ поступкахъ *не есть* наибольшее приближеніе къ тому идеалу, который указываетъ ему нравственно-религіозное чувство и ученіе. *а только, когда ты самъ видишь, что твой поступокъ приводитъ къ чему-нибудь хорошему, тогда ты и идешь въ ту сторону.*

миз, – дейди Турсын Журтбай. – Москвада, Тошкентда, кейин Германияда бўлиб, эски газеталар архивини варақлар эканман, Туркистон халқ арбобларидан бири – Убайдулла Асадуллахўжаев ҳаёти ва фаолияти билан яқиндан танишиш имконига эга бўлдим. Унинг номи бир вақтлар нафақат Ўрта Осиёда, балки бутун Россия империясида ҳам машҳур эди. У Европа ва Осиёда миллий истиқлол учун Туркистон курашчиларининг етакчиларидан бири сифатида ҳам танилган. Қувонар-

лиси, Андижонда содир бўлган қатор тарихий воқеалар ва шу шаҳарда нашр этилаётган ва «Андижанская правда» газетасининг ўтмишдоши бўлган «Туркестанский голос» газетаси ҳам унинг номи билан боғлиқ».

Убайдулла Асадуллахўжаев Тошкент шаҳрида хунарманд оиласида туғилган. Қайд этиш жоизки, бутун Туркистонда инқилобгача бор-йўғи икки нафар олий маълумотли ўзбек – Тошпўлатбек Норбўтабеков ва Убайдуллахўжа Асадуллахўжаев бўлган. Уларнинг



иккаласи ҳам тошкентлик, биринчиси Саратов университетининг юридик факультетини таъмомлаган. Талабалик чоғида 1909 йил 29 майда Убайдуллахўжа Лев Толстойга мактуб ёзади, у эса бунга жавобан 1909 йил 5 июнда Ясная Полянадан Убайдуллахўжага мактуб йўллайди. Лев Толстойнинг вафотидан сўнг бу мактуб «Туркестанский голос» газетаси саҳифаларида бир марта эълон қилинган (136-сон). Уни айнан келтирамиз:

Вақт ўтиши билан сарғайиб кетган бу матнни ўқиш қийин, шунинг учун 1955 йили чоп этилган Л.Н.Толстойнинг 90 жилдлик асарлар тўплами 79-томига киритилган бу хатни ҳурматли журналхонларга тақдим этамиз:

**261. У.А.Ходжаеву.**

1909 г. Июня 5. Я. П.

Ясная Поляна. 5 июня 1909.

Убайдулла Асадуллахўжаевич,

Вы спрашиваете меня, как поступить, признавая учение о непротивлении, в том случае, когда мне известно, что человек намеревается сделать зло многим людям, и не лучше ли употребить насилие против этого одного человека, чтобы не дать погибнуть многим?

Простите меня, но ваш вопрос, подобные которому делают многие, вызывается не желанием знать истину, а скорее, напротив, желанием оправдать свое неисполнение того, что считаешь истиной. Учение любви, неизбежно включающее в себя понятие непротивления, указывает тот идеал, к которому свойственно стремиться человеку. Принимать же идеал за правило поведения есть большая ошибка или самообман. Идеал только тогда и идеал, когда он требует полного совершенства, того, что никогда вполне недостижимо в этой жизни, но он необходим, как руководство для нее, и необходим только тогда, когда указывает именно это недостижимое в жизни совершенство. То же и с идеалом любви. Рассуждение о том, что так как требования любви, включающей непротивление, не могут никогда быть вполне выполнены, то и не надо стараться исполнять их, подобно рассуждению человека, которому дан бы был компас для того, чтобы он в своем путешествии мог руководиться прямым направлением

к цели, и который сказал бы, что так как на прямом пути, указываемом компасом, встречаются непреодолимые препятствия – горы, реки и т. п., то ему и не нужно сообразоваться с компасом, приближаясь насколько возможно к совершенному прямому направлению, а можно идти и в сторону и куда попало. Компас этот в вопросе любви, включающей непротивление, есть нравственно-религиозное чувство, которое всегда показывает человеку, что ему должно делать (направление для путешествующего); последствия же, то, что произойдет из его поступков, никогда неизвестны человеку. И потому как для путешествующего единственное руководство есть наибольшее приближение к тому совершенно прямому направлению, которое указывает компас, так и для живущего религиозно-нравственной жизнью человека единственным руководством в его поступках может быть никак не предположение о тех последствиях, какие произойдут от такого или иного его поступка, а только сознание того, что он всегда должен и чего всегда не должен делать.

Очень буду рад, если этот мой ответ на ваш вопрос удовлетворит вас.

Лев Толстой.

### Примечания

Печатается по дубликату подлинника.

Ответ на письмо Убайдуллы Асадуллоевича Ходжаева из Саратова от 29 мая, который ставил Толстому ряд вопросов, связанных с приложением к жизни принципа непротивления злу насилием.

На конверте письма Ходжаева Толстой сначала пометил: Б[ез] о[твета] или послать из Неиз[бежного] п[ереворота], затем: Ответить.

«Неизбежный переворот» – статья, над которой в то время работал Толстой. Закончена была 5 июля. См. т. 38.

Убайдуллахўжа Асадуллахўжаевичнинг жияни Ҳибзиддин Муҳаммадхонов 1991 йил 5 апрелда «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси саҳифасида «**Убайдуллахўжа Асадуллахўжа ким эди?**» номли эсдалигини эълон қил-



ган. Шунда Саратов шаҳрида таҳсил кўраётган Убайдуллаҳўжа Асадуллаҳўжаевнинг 1909 йили 29 майда буюк рус ёзувчиси Л.Н.Толстойга йўллаган мактубини аслиятида, рус тилида келтирган<sup>1</sup>:

«Глубокоуважаемый Лев Николаевич!

Как не хотелось мне причинять Вам беспокойство, все-таки настоящим моим письмом я решил обратиться к Вам за разъяснением одного сомнительного для меня вопроса по поводу «непротивления злу».

Будучи вполне согласным и убежденным в безусловной правдивости принципа «непротивляйся злу злом», я не знаю, как бы следовало поступить в одном нижеприводимом примерном случае. В правдивости принципа «непротивляйся злу» я убежден потому, что он отвечает истинному моему разуму, а не только по религиозным подбуждениям по Евангелии, ибо я исповедую Магометанскую религию. В основе принципа «непротивляйся злу злом» как я понимаю, лежит такая истина: если кто-либо совершил какое-либо зло, то этим совершенно одно зло, а если я стану противляться или мстить за то совершенное зло злом же, то вместе первого одного зла будут уже два зла, следовательно, вследствие моего противления одно зло увеличится вдвое и т.д., а если бы я не противился, то одно зло так и осталось бы одно, а не стало бы два, т.е. зла было меньше. Таким образом, все сводится к тому чтобы каким угодно способом – непротивлением ли злу или иным каким-либо путем способствовать уменьшению зла. Если что так, то как бы следовало поступить в следующем случае?

Предположим, что мне известно, что нечто намерен совершить какое-нибудь огромное зло, хотя бы, например: поджечь целые дома, или город, или устроить крушение поезда, парохода и т.д., от которого, несомненно могут погибнуть десятки, сотни, тысячи людей. Конечно, я нравственно обязан принять меры к предупреждению готовящегося огромного зла. Но, для предупреждения этого, может быть, у меня не будет никакого иного способа, как

уничтожить того самого злодея, до осуществления им своего замысла.

Уничтожив же злодея, я стал бы оправдывать свой поступок тем мотивом, что я убил одного человека для спасения десятков, сотен, тысяч и т.д. людей, т.е. совершенное мною, конечно, зло так ничтожно в сравнении с тем огромным, которое совершилось бы, если бы я не пресек его уничтожением злодея, что я назвал бы свой поступок не злом, а единственной мерой пресечения совершения гораздо большего зла, т.е. способствовал уменьшению зла.

Так вот таково мое рассуждение, но не знаю, правильно ли оно, по этому, после долгих колебаний, я решил обратиться к Вам за разъяснением. Если удостоите меня своим разъяснением моего сомнения по столь интересующему меня вопросу, я буду Вам вечно благодарен.

Мой адрес: г. Саратов, пассаж, д. Юренкова, Юридич. отдел Убайдулле Асадулловичу Ходжаеву.

Искренно Преданный Вам мусульманин  
Уб. Ас. Ходжаев.

29 мая 1909 г.

г. Саратов».

2000 йили «Ўзбекистоннинг янги тарихи.

**Биринчи китоб. Туркистон Чор Россияси мустамлакачилиги даврида»** номли китоб нашр этилган. Китобнинг 3-боби 5-параграфи «**Чоризмнинг Туркистонда маориф, фан ва маданият соҳасидаги сиёсати. Жадидларнинг маорифдаги мустамлакачиликка қарши фаолияти**» деб аталган. Китобнинг 275 – 277-бетларида «**Мулоҳаза учун маълумот**» номли рукн остида Убайдуллаҳўжа Асадуллаҳўжа ўғлининг рус ёзувчиси Л.Н.Толстойга йўллаган мактуби ва Л.Н.Толстойнинг жавоб хати берилган. Уларни айнан келтирамиз:

Хурматли Лев Николаевич!

Мен Сизни безовта қилишни хоҳламасам-да, ушбу мактубим орқали ўзим учун шубҳали туюлган «ёвузликка ёвузлик қилмаслик» ҳақидаги саволга жавоб олиш учун мурожаат қилишга жазм этдим. «Ёвузликка ёвузлик қилмаслик» ҳақидаги гап, сўзсиз, ҳақиқат эканлигини эътироф этсам-да, қуйида келтириляётган воқеадан кейин қандай ҳаракат

<sup>1</sup> Ҳибзиддин Муҳаммадхонов. Убайдуллаҳўжа Асадуллаҳўжа ким эди? // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1991 йил 5 апрель. №14 (3118).



қилиш лозимлигини билмайман. «Ёвузликка ёвузлик билан жавоб бермаслик» нафақат мен амал қиладиган Ислом дини ва дунёқарашига, балки Инжил ва Таврот талабларига ҳам тўлиқ мос келади. Менимча, «ёвузликка ёвузлик қилмаслик»нинг асосида «агар бирор киши қандайдир ёвузлик қилса, бу билан битта ёвузлик содир этилади, агар мен ўша ёвузликка қаршилик қилсам ва қасос олсам, табиийки, бунинг оқибатида битта ёвузлик ўрнига иккита ёвузлик содир этилган бўлади. Агар мен қаршилик қилмасам, битта ёвузлик кўпаймайди, битталигича қолади» деган ҳақиқат ётади. Шундай қилиб, қаршилик қилмаслик ва бошқа йўллар билан ёвузликни иложи борича камайтириш керак деган хулоса чиқади. Фараз қилайликки, мен қандайдир бир кишининг бутун бир уйни, шаҳарни ёқиб юбориш ёки поезд ё пароходни ҳалокатга учратиб, сўзсиз, ўнлаб-юзлаб ва минглаб кишиларнинг ҳалок бўлишига олиб келиши керак бўлган катта ёвузлик қилмоқчилигидан хабардорман. Инсонийлик нуқтаи назаридан қараганда, мен тайёрланаётган ёвузликдан огоҳлантирувчи чоралар кўришим лозим. Аммо бунинг учун менинг, балки, ўша ёвузлик қилмоқчи бўлган кишини ўзининг қабиҳ ниятини амалга оширмасдан йўқ қилмасликдан бошқа чорам бўлмас.

Менинг у ёвузни йўқотиш билан қилган ёвузлигим ўнлаб, юзлаб ва минглаб кишининг қутқарилиши туфайли олди олинган жуда катта ёвузлик олдида ҳеч нарса эмас. Мен ўзимнинг ҳаракатимни ёвузлик деб эмас, ундан ҳам катта ёвузликнинг олдини олишнинг ягона йўли деган бўлар эдим. Менинг фикрим шундай, аммо унинг тўғри ёки нотўғри эканлигини билмайман, шунинг учун ҳам Сизга узоқ иккиланишлардан сўнг тушунтириб беришингизни сўраб мурожаат қилишга жазм этдим. Агар мени жуда қизиқтирган саволга ўзингизнинг шарҳингизни раво кўрсангиз, абадулабад Сиздан миннатдор бўлар эдим Менинг тураржойим: Саратов шаҳри, Юренков пассаж-уйи, ҳуқуқшунослик бўлими, Хўжаев Убайдулла Асадуллаевичга,

Сизга сидқидилдан содиқ мусулмон  
У.А.Хўжаев. 1909 йил 28 май. Саратов ш.

### **Л.Н.Толстойнинг жавоб мактуби:**

Ясная Поляна, 1909 йил 5 июнь

Убайдулла Асадуллаевич!

Сиз мендан сўрабсизки, бир кимсанинг кўп одамларга ёвузлик қилиш нияти маълум бўлса, у тақдирда қаршилик кўрсатмаслик ҳақидаги таълимотни тан олган киши нима қилиши керак? Кўпчилик ҳалокатининг олдини олиш учун ўша бир кишига нисбатан қўллаш маъқул эмасми?

Афв этасиз, саволингиз кўпларнинг шу хилдаги саволлари сингари ҳақиқатни билиш истагидан эмас, аксинча, ҳақиқат деб ҳисоблаган нарсани адо этмасликни оқлаш истагидан келиб чиққан. Инсонга меҳр-муҳаббат ҳақидаги таълимот қаршилик кўрсатмаслик тушунчасини ҳам ўз ичига олиб, у инсон интиладиган идеални билдиради. Идеални таомилнинг оддий қоидаси деб билиш эса катта хато ёки ўз-ўзини алдашдир. Бу ҳаётда ҳеч қачон тўла эришиб бўлмайдиган етук камолотни талаб этувчи идеалгина идеал бўла олади. Лекин у ҳаётга раҳнамо сифатида зарурдир, ҳаётда эришиб бўлмайдиган ана шу камолотдан дарак бергандагина зарурдир. Меҳр-муҳаббат идеали ҳақида ҳам шуни айтиш мумкин. Қаршилик кўрсатмаслик тушунчасини ҳам ўз ичига оладиган меҳр-муҳаббатни талаб этиш ҳеч вақт тўла адо этиб бўлмайдиган нарсадир. Шунинг учун уни адо этишга интилиш ҳам керак эмас деган мулоҳаза менга компас тутган шундай бир одамни эслатади: йўлда манзилингга тикка бор деб унинг қўлига компас тутқазганлар, у бўлса компас кўрсатган тўғри йўлдан ўтиб бўлмайдиган тўсиқлар: тоғлар, дарёлар ва ҳоказолар бор, шу сабабли ҳам мен мумкин қадар мутлақо тўғри йўлга тушиб олиш учун компасга риоя қилиб ўтирмай, бошим оғанча четга қараб кетаверишим мумкин деб туриб олади. Қаршилик кўрсатмасликни ҳам ўз ичига оладиган меҳр-муҳаббат масаласида эса компас доимо нима қилиш кераклигини (сайёҳга йўналишни) кўрсатадиган ахлоқий-диний туйғудир. Одамнинг хатти-ҳаракатларидан келиб чиқадиган оқибатлар эса ҳеч қачон унга аён бўлмайди. Шунга кўра сайёҳ учун компас кўрсатган мутлақ тўғри йўналишга мумкин қадар яқинроқ юриш бир-



дан-бир раҳнамо бўлганидек, ахлоқий идеалга мумкин қадар яқин бўлишга интилиш инсон учун бирдан-бир раҳнамо бўлиши керак.

Саволингизга берган жавобим Сизни қа-ноатлантира олса, ғоят хурсанд бўлур эдим.

Лев Толстой. Ясная Поляна. 1909 йил 5 июнь

Орадан 21 йил ўтиб, 2021 йили таниқли тадқиқотчи, фан номзоди, доцент Сирожиддин Аҳмад **«Убайдулла Хўжаев (Туркистонда демократик давлат қуриш учун курашган биринчи ўзбек адвокати Убайдулла Хўжаев ҳаёти ва фаолияти)»** номли илмий-оммабоп китобида Убайдуллахўжа Асадуллахўжаевнинг Лев Толстойга ёзган хати ва Л.Н.Толстойнинг унга жавобини келтирган. Бироқ Убайдуллахўжа Асадуллахўжаевнинг Л.Н.Толстойга ёзган хати мазмунан ва грамматик жиҳатдан анча бузилган ҳолатда берилган. Бу матн 2000 йили «Шарқ» нашриётида босилган «Туркистон Чор Россияси мустамлакачилиги даврида» номли китобдан (муаллифлар Х.Содиқов, Р.Шамсутдинов, П.Равшанов, Қ.Усмонов) олинганда мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Убайдуллахўжа Асадуллахўжаев университетни тамомлагач, Тошкентда ҳуқуқшунос бўлиб ишлай бошлаган. Айни вақтда, тарғибот ишлари билан ҳам шуғулланган, тараққийпарвар мусулмонларнинг «Умид» (Вера) деб номланган жамиятига раҳбарлик қилган, Тошкентда биринчи марта китоб савдосини ташкил этган. 1913 йил 21 декабрдан унинг бевосита раҳбарлигида ўзбек тилида жадидчилик характерида, сўл йўналишга эга «Садои Туркистон» («Туркистон овози») газетаси чиқа бошлаган. У маҳаллий аҳоли орасида катта обрўга эга бўлган. Шунинг учун ҳам тез орада генерал-губернаторнинг буйруғи билан газета нашр этилиши тўхтатилади. Янги, илғор мафкура – жадидчилик издоши Убайдуллахўжа 1914 йилда Тошкентда машҳур «Падаркуш» («Патрицид») спектаклини сахналаштирди, мустамлакачи чор маъмуриятига қарши фаол кураш олиб борди.

1916 йилдан у Андижонда ишлай бошлайди. Бу ерда 1 июлдан таҳририят ишида Убайдуллахўжа ҳам фаол иштирок этган рус тилидаги «Туркистон овози» газетаси чоп қилинади.

У Андижонда «Тараққийпарварлар» яширин ташкилотини тузишга катта ҳисса қўшади, чоризмнинг мустамлакачилик сиёсатини, маҳаллий маъмуриятнинг ўзбошимчилигини фош қилади, 1916 йил қўзғолонида фаол қатнашади, маҳаллий мустамлака маъмуриятининг халққа қарши курашини фош қилади. Социалист-инкилобчи Вадим Чайкин, маҳаллий миллионер Миркомил Мирмўминбоев билан бирга Санкт-Петербургга (1916 йил июль) бориб, фронторти ишларига жалб этиш пайтида маҳаллий ҳокимият органлари йўл қўйган ноқонуний хатти-ҳаракатларни текшириш учун Давлат Думаси депутатларини Андижонга юбориш масаласини кўтаради.

Убайдуллахўжа Асадуллахўжаев рус тилини яхши билганлиги ва Давлат Думаси аъзоларини яқиндан таниганлиги учун Андижон мусулмонлари номидан юқори идораларга бир қанча хатлар ёзган.

«Дархон» маҳалласида яшовчи Саъди Хўжанинг ёзган аризасини Убайдуллахўжа Асадуллахўжаев рус тилига таржима қилиб берган. Унда Андижон уездида фронт эҳтиёжлари учун 200 минг рубль йиғилгани, уезд аҳолисини фронт ортидаги ишларга мардикор сифатида сафарбар этмаслик шарти билан бу маблағ солиқ сифатида тўланиши айтилган. Бироқ 8 июль куни эрталаб шошилиш буйруқ билан Жомеъ мадрасаси ёнида 200 – 300 киши тўпланган. Уезд бошлиғи полковник Бржезицкий йиғилган одамлар камлигини асослаб, одамларни бозордан мадрасага ҳайдашни ва йиғин иштирокчилари сонини кўпайтиришни буюради. Натижада 10 мингга яқин одам тўпланади. Шу пайт айни рўзаи рамазон кунлари бўлиб, одамлар ўта асабийлашган, толиққан, вақтни беҳуда ўтказишдан чарчаган эдилар. Улар уезд раҳбаридан мусулмонларни фронторти ишларига сафарбар қилиш ҳақидаги буйруқни бекор қилишни талаб эта бошлайдилар. Уезд раҳбарига фарзандларини, қариндош-уруғларини юбормаслик ҳақида кўзларида ёш билан мурожаат этганлар ҳам кўп эди. Ю.А.Бржезицкий индамай, ҳеч қандай муносабат билдирмай, ўз «дилижанс»ига ўтириб жўнаб кетади. Орадан бир соат ўтиб икки взвод аскарлар Жо-



меъ мадрасасига қайтиб келади, у ерда янада кўпроқ оломон тўпланиб, тинч мулоқот отишмага айланиб кетади. Бу Убайдуллаҳўжа Асадуллаҳўжаев томонидан юқори маъмурият номига ёзилган юзлаб хатларнинг сабабларидан биридир.

Убайдуллаҳўжа Асадуллаҳўжаев ўз номидан Туркистон генерал-губернатори А.Н.Куропаткинга хат ёзиб, унда Бржезицкий округ бошлиқлиги даврида порахўрлик, фирибгарлик, зўравонлик ҳаддан ташқари кучайиб, бу доимий жараён, тизимга айланиб бораётганини кўрсатади. Убайдуллаҳўжа Асадуллаҳўжаев Андижон шаҳар бош оқсоқоли Шермат (Шермуҳаммад) Алимқуловгача (машҳур Амирлашкар Алимқулнинг ўғли) бўлган турли даражадаги мансабдор шахсларнинг ноқонуний, халққа зид ҳаракатларини кескин танқид қилади ва фош этади, уезд бошлиғи ва жойлардаги суд ижрочиларига ҳаттоки Бржезицкийнинг таржимони Юсуфжон ҳожи Чоришев ҳам ана шундай суистеъмол ва зўравонликларда муҳим роль ўйнаганлигини кўрсатиб ўтади.

Убайдуллаҳўжа Андижон жадидларининг «Тараққийпарварлар» яширин ташкилотига раҳбар сифатида нафақат аҳоли, балки уезд, область, ҳудуд подшоҳ маъмурияти орасида ҳам кундан-кунга машҳур бўлиб борди. Маҳаллий маъмурият унинг хатти-ҳаракатларидан саросимага тушди. Хуллас, 1916 йил 13 сентябрда Андижон уезд бошлиғи полковник Бржезицкий Фарғона области генерал-губернаторига йўллаган ўта махфий хатида алам ва ғазаб билан аҳолининг маъмурият овозига қулоқ солишни тўхтатганлигини, улар жаноб Чайкин, Убайдуллаҳўжа, Аҳмадбек Темирбеков, Пошшаҳўжа Умархўжаев ва уларнинг ташкилотларини тобора кўпроқ тинглай бошлаганини тан олишга мажбур бўлади.

Агентура хабарларига кўра, Убайдуллаҳўжа Андижон ва Тошкент ёшларининг энг кўзга кўринган, жонкуяр етакчиси ҳисобланади. У маъмурият ишини маҳаллий аҳолига ёлғон, бузиб кўрсатган ҳолда тақдим этади ва бу билан уларнинг норозилигини оширади. Адолат излаётган одамлар маъмуриятга эмас, кўпинча унга мурожаат қила бошлайдилар.

Андижон аҳолисининг кундалик ҳаётини чуқур ўрганган ҳолда адолат учун курашчи Убайдуллаҳўжа туб аҳоли ўртасида кўп ишлар қилди, социалистлар, инқилобчилар билан яқин алоқада бўлди.

1916 йил декабрь ойида ўлка раҳбари Убайдуллаҳўжага Тошкент ва Андижон шаҳарларида яшашни тақиқлаш тўғрисида буйруқ берди.

Россияда февраль инқилоби ғалаба қозониши билан Туркистонда турли ташкилот ва жамиятлар тузилди. Ўша даврда мусулмон зиёлиларининг саъй-ҳаракатлари билан «Тараққийпарварлар», «Ғайрат», «Турон», «Шўрои ислом» ва бошқа ташкилотлар вужудга келди.

Бу ўзбек зиёлиларининг жамият ҳаётида фаол иштирок этгани, уларнинг мавқеи, обрў-эътибори тобора юксалиб бораётганининг ёрқин далили эди. Буни Пскент шаҳрида бўлиб ўтган воқеалар мисолида ҳам кўриш мумкин. 1917 йил 26 мартга ўтар кечаси «Тараққийпарварлар» ташкилотлари раҳбарлари Убайдуллаҳўжа, Тошпўлат Норбўтабеков, Собиржон Юсупов инқилобий демократия номи билан район пристави Ковдишевни қамоққа оладилар. Шу ернинг ўзида йиғилганлар бу лавозимга прапоршик Бобобеков номзодини кўрсатдилар. 26 март куни эрталаб Пскентда катта митинг бўлиб ўтади, унда район ижроия қўмитаси сайланади.

Туркистон ўлкаси мусулмонларининг биринчи қурултойида (1917 йил 14 – 22 апрель, Тошкент шаҳри) Убайдуллаҳўжа «Шўрои ислом» ташкилотидан Умумроссия мусулмонларининг биринчи қурултойига делегат этиб сайланди. Съезд 1917 йил май ойида Москвада бўлиб ўтди. Бутунроссия мусулмонлар кенгаши Миллий Шўрони сайлади. Убайдуллаҳўжа Асадуллаҳўжаев ушбу кенгаш аъзоси эди. У қурултой минбаридан туриб Туркистон халқларига ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини беришни талаб қилди. У Россия таркибида Туркистон мухториятини тузишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаганлар қаторида эди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Убайдуллаҳўжа ўша давр раҳбар ходимлари орасида холис, байналмилал, миллий сиёсатчи сифатида ўзига хос обрў-эътиборга эга бўлган. Шу



ўринда бир мисол келтириш жоиз: Муваққат ҳукумат олдида Туркистон қўмитасига кимни раис этиб тайинлаш масаласи пайдо бўлади, таниқли Вадим Чайкин номзоди кўрсатилганида унинг номзодига большевик А.Я.Першин қарши чиқади. Унинг таъкидлашича: «Чайкин мусулмонлар билан тил топишиб кетди, Убайдуллаҳўжа уни ҳар ерда ва ҳар жойда яхши инкилобчи, минтақанинг мутахассиси сифатида тавсия қилди, уларнинг айтишича, у маҳаллий аҳолини жуда яхши кўради, улар ҳақида қайғуради. Ўртоқлар! Сиздан сўрайман, фақат маҳаллий аҳолини яхши кўрадиган, ... бундай одамлар областга керакми?» Бундан хабар топган тошкентлик Убайдуллаҳўжа ва Шоаҳмедов Петроградга қуйидаги телеграммани жўнатишди: «Тошкент Кенгаши делегатлари Булинский ва Першин Турккомитети раислигига Наливкин номзодини астойдил таклиф қилмоқдалар. Агар Чайкин ўзиб кетса, улар, ўзларининг сўзларига кўра, уни қамоқхона машинасида юборишади. Шунинг учун Чайкин бу таклифни бутунлай рад этди. Бизнингча, ҳурматли Наливкиннинг номзоди қабул қилиниши мумкин эмас». Эътиборлиси, Убайдуллаҳўжа ва И.Шоаҳмедовлардан келиб тушган телеграммадан Ўлка мусулмон кенгаши ишчи ва аскарлар депутатлари область кенгаши аъзолари хабардор қилинади, улар Першин ва Булинскийларнинг йўл қўйиб бўлмас ҳаракатларидан норозилик билдиришади. Худудий Мусулмонлар Кенгаши раиси Мустафо Чўқаев Чайкинга телеграмма йўли билан шундай жавоб қайтаради: «Туркистон ўлка мусулмонлари кенгаши ўзини демократ деб айтиб, сизни қамоқхона вағонида юбориш билан таҳдид қилганларга кескин норозилик билдиради. Сиздан таклифга рад жавобини қайтариб олиб, Турккомитетда қолишингизни илтимос қиламиз. Жавоб кутамиз».

1917 йил май ойида Тошкентда шаҳар думасига сайловлар бўлиб ўтди ва унда Убайдуллаҳўжа ҳам сайланди.

Июль ойида Убайдуллаҳўжа II Бутунроссия мусулмонлари қурултойида ҳам қатнашади. Унинг нутқи нафақат Россияда, балки хорижда ҳам катта эътиборга сабаб бўлди. Ҳаттоки 1917

йилда Берлинда нашр этилган «Янги Шарқ» ўз саҳифаларида Убайдуллаҳўжанинг Туркистондаги Муваққат ҳукумат сиёсатини кескин танқид қилган нутқини жойлаштирди. «Мусулмон аҳолини қириб ташлаш билан чоризм ҳам, Муваққат ҳукумат ҳам шуғулланган. Айниқса, мустамлакачиларга қурол тарқатган генерал-губернатор Куропаткин қон тўкилишига ҳисса қўшган. 1917 йил апрель ойида 50 минг кишидан иборат қуролсиз аёллар ва болалар, қозоқлар ва қирғизлар қириб ташланди. Бу жинойти учун Туркистон мусулмонлари генерал Куропаткинни судга бердилар, аммо янги рус тузуми суди уни оқлади».

Убайдуллаҳўжа аниқ факт ва рақамларни келтириб, Муваққат ҳукумат, ишчи-деҳқон депутатлари советлари ва маҳаллий муассасаларнинг халққа қарши сиёсатини, жойлардаги вазиятни кескин танқид қилди.

1917 йил сентябрда аскар, ишчи, қирғиз, деҳқон ва умуммусулмон депутатлари советлари бирлаштирилиб, ҳайъат сайланди, унинг таркибига Убайдуллаҳўжа ҳам кирди. Шундан сўнг ҳайъат ҳузурида муваққат кенгаш ташкил этилди, у, ўз навбатида, Туркистон комитети ҳузурида В.Н.Наливкин ва Н.И.Шендриковдан иборат муваққат кенгаш тузилди. Бу кенгаш Муваққат ҳукуматнинг ўлкадаги бутун бошқарув томонидан тайинланган бош комиссар, полковник Коровиченко келгунига қадар минтақани бошқарган.

Жадидчилик ҳаракати ҳақида сўз кетаркан, 1917 йили Тошкентда Ғуломҳасан Орифжонов босмаҳонасида литография усулида рисола ҳолида чоп этилган «Турк одами марказият (федералист) фирқасининг маромномаси» ва «Турк одами марказият фирқасининг низомномаси» ҳақида тўхталишга тўғри келади. Бу ҳар икки ҳужжат 1917 йил сентябрида Тошкентда Туркистон ўлка мусулмонлари III қурултойида қабул қилинганди ва уларда бўлажак мустақил миллий демократик Туркистон жумҳуриятининг бутун бир мақоми, тузилмаси ўз ифодасини топганди. Шу съездда Убайдуллаҳўжа ҳам фаол иштирок этган. Чунки у бу вақтда Андижонда фаолият кўрсатаётган эди ва уезднинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-мафкуравий ҳаё-



тидаги йирик ўринга эга бўлган миллий арбоб сифатида маълум эди. Ана шу маромнома ва низомнома қонунларини биргалашиб ёзган 14 нафар улуғ зотлардан 5 нафари андижонлик эди. Бу зотлар Мулла Муҳиддин маҳдум алам Мулла Муҳаммад, Мулла Боқиюхун домулла Одилбой ўғли, мударрис Мулла Нуриддин Аълам Йўлдошхўжа Эшон ўғли, Мулла Муҳаммаджон бойбачча Камолжонбоев, Мирзо Абдулқодирбек Мирзоаҳмад Қушбегиев эдилар. Бу дастурий ҳужжатлар 1917 йил 26 – 29 ноябрда Қўқонда бўлиб ўтган ўлка IV фавқулодда умуммусулмонлар қурултойида Туркистон мухторияти эълон қилинишига асос бўлган.

Унинг 200 нафар делегати орасида Убайдуллахўжа ҳам иштирок этган. Таниқли муҳожир Вали Қаюмхон кейинчалик эслаганидек, бу қурултойнинг руҳи Убайдуллахўжа ва Мустафо Чўқаев эди. Очиқ овоз бериш йўли билан Убайдуллахўжа қурултой ҳайъатига сайланади. Кун тартибига «Туркистоннинг жануби-шарқий иттифоққа кириши», «Туркистон мухторияти тўғрисида»ги масалалар қўйилди.

Қурултойда Бутунроссия мусулмонлари кенгаши МК депутаты, аъзоси Убайдуллахўжа маъруза билан чиқиш қилди. У ҳозир Россия империясида барча миллатлар большевикларга қарши умумий курашда фаол иштирок этиши, Бутунроссия Таъсис мажлисини чақиришга умид йўқлигини таъкидлади.

Нотиқ делегатларни зудлик билан областни мухторият асосида бошқаришга ўтишга ва большевикларга қарши тинимсиз кураш олиб боришга чақирди. Миллий демократия намояндалари, андижонлик Латибжон Содикбоев, Аминхон Тўра ва бошқалар ҳам худди шундай руҳда сўзга чиқдилар. Қурултойда Туркистон миллий демократик давлати ҳукумати ва парламенти сайланди. Туркистоннинг бу биринчи ҳукуматида Убайдуллахўжа Туркистон мухторияти ички ишлар вазири бўлиб ишлаган.

Лекин большевиклар марказда ҳам, Туркистонда ҳам қонуний, демократик асосда ташкил этилган бу ҳукуматни тан олмадилар. Аксинча, улар 1918 йил февралда Туркистон халқларининг қонуний ҳукуматини қурол кучи билан ағдариб ташладилар.

Туркий халқларнинг ўз эрки учун курашларида 1918 йил 20 августдан 7 сентябрга қадар Оренбургда ва Самарада бўлиб ўтган кенгаш алоҳида ўринга эга. Кенгашда Бошқирдистон, Қозоғистон ва Туркистондан Алихон Букейхонов, Аҳмед Бойтурсунов, Миржакип Дулатов, Қўқон республикаси ҳукумати раиси Муҳаммаджон Тинишбоев, Туркистон мухторияти ташқи ишлар вазири Мустафо Чўқаев, ички ишлар вазири Убайдуллахўжа ва бошқалар қатнашган. Бу кенгашда «Мусулмонларнинг жануби-ғарбий федерацияси»да учта республика тузиш, Қозоқ ва бошқа қўшинларини бирлаштиришга келишилди. Шунингдек, туркий халқларнинг манфаати ва хоҳишлари социалистик партия озодлик дастурига мувофиқлигидан келиб чиқиб шу партия аτροφидида бирлашиш кераклиги кўрсатилди. Алихон Букайхонов тарфдорлари бунга яқдиллик билан қабул қилдилар. Ўзбеклар томонидан бунга Низомиддин Хўжаев, Абдулҳамид Чўлпон, Убайдуллахўжа, Орипов қўшилдилар. Энг муҳими, совет ҳокимияти томонидан таъқиб остига олинган туркий зиёлилар Туркистонга қайтиб келишлари, ҳар қандай шароитда ҳам курашни тўхтатмасликлари ҳақида қарор қилинди.<sup>1</sup>

Туркистон демократик мухториятининг совет қўшинлари томонидан мағлубиятга учраши миллий озодлик курашининг кўриниши сифатида 1934 йилгача давом этган «босмачилик» деб аталмиш ҳаракатнинг вужудга келишига асос бўлди.

«Қўқон мухторияти» деб аталган, аслида эса Туркистон мухторияти бўлган тузилма мағлубиятга учрагач, У.Хўжаев сиёсий майдонни тарк этган, маърифий, адабий фаолият билан шуғулланган. Аммо у ниҳоятда оғир шароитларда яшаши ва ишлаши керак эди, доимий кузатув ва таъқиблар объектига айланди. Вали Қаюмхон Берлинга кетиш олдидан Москвада Убайдуллахўжа билан учрашганини, 1922 йилда Убайдуллахўжанинг Сибирга сургун қилинганидан хабар топганини эслайди.

<sup>1</sup> Турсын Журтбай. Боль моя, гордость моя – Алаш! – Астана: Аударма, 2016. – С.249 – 250.



1930 йил 10 октябрида Тошкент шаҳри Обуховская кўчаси 53-уйда яшаётган, асли Урал округи Тайпак районида туғилган, партиясиз, маҳалла шифокори бўлиб ишлаган, Ўрта Осиё давлат университети тиббиёт факультети ассистенти, маълумоти олий, уйланган, ҳарбий хизматга яроқли, 39 ёшли Исо Тамушевич Кашкинбоевнинг кўрсатмасида 1924 йил миллий давлат чегараланиши даврида ўзбек ташкилоти вакилларида Мунавварқори Абдурашидов, Убайдуллахўжа ва Миржалиловлар билан энг сўнгги учрашув бўлган. Бу кенгашига мен ва Тинишбоев келганмиз. У вақтда бизнинг ташкилотимиз бўлмаган. У амалда тарқалиб кетган эди, бу ҳақда ўзбеклар олдида тан олишни айтиш учун журъат этолмаганмиз.

Мунавварқори Қозоғистон бўйича маълумотлар беришни таклиф қилди, улар Форс консуллиги орқали ҳориж билан алоқаси борлигини айтган. Ўзбеклар ташкилоти таркиби бўйича эслатилган юқоридаги уч шахсдан бошқаларни билмаслигини айтди.<sup>1</sup>

20-йилларнинг охиридан, мамлакатнинг барча ҳудудларида бўлгани каби, Ўзбекистонда ҳам қатағонларнинг янги тўлқини бошланди. Жадид мафқураси ва сиёсатининг кўплаб намояндалари қаторида У.Хўжаевни «Миллий истиқлол» деб аталган миллатчилик ташкилотига аъзоликда айблашди.

Самарқанд шаҳрида 25 мартдан 21 июнгача СССР Олий судининг сайёр мажлиси бўлиб ўтади. Ўзбекистон ССР Олий суди раиси Саъдулла Қосимов ва 30 га яқин шерикларининг 73-сонли С-О иши кўрилди. Р.Катанян давлат айбловчиси сифатида ўз нутқида таниқли адвокат Убайдуллахўжа шахсига тўхталиб ўтган. Унинг нутқидан парчалар келтирамиз: (ўта дилоғи чоғ, бачканалик билан) Р.Катанян шундай деган: «Ўша машҳур адвокат Убайдуллахўжа билан Саъдулла Қосимов Андижонда бир тан, бир қалб бўлиб яшашади. Уларни эгизаклар деб бежиз айтишмаган. Улар куну тун бирга бўлишган, ҳатто ҳаммомга ҳам бирга бориб ювинишган. Бундай ҳолат айна шу Андижонда контрреволюционер Исоқулов иши кўриляётганда

юз берган. Иш бўйича раисликни С.Қосимов, адвокатликни эса Убайдуллахўжа олиб борган».<sup>2</sup>

Кейинчалик суд мажлиси баённомасида Р.Катаняннинг<sup>3</sup> мана бу сўзлари келтирилган: «Келинг, Қосимовнинг дўсти ва устози, бироқ Убайдуллахўжани олайлик. Убайдуллахўжа ким? «Қўқон ҳукумати»нинг ички ишлар вазир, босмачилик ҳаракати ташкилотчиларидан бири эмасми? Бу ерда улар аллақачон «Туркистон тарихи хабарномаси» китоби ҳақида гапирган эдилар... Унда айтилишича, босмачи тўдалари Қўқонда биринчи марта ташкил этилган ва уларнинг ташкилотчиси қандайдир Эргаш бўлган. Айтишларича, бу Эргаш Чор ҳукумати даврида катта йўлдаги қароқчи сифатида ҳукм қилинган ва оғир меҳнатга сургун қилинган. Аммо кейин у Ўрта Осиёда пайдо бўлади, Сибирдан қочиб кетади ва Убайдуллахўжа ҳузурига келиб, Қўқон ҳукуматининг барча қуролли кучларининг бош қўмондони бўлади. «Исақуловчилик» жараёнида сизни бошқарган бу одамнинг физиономияси шундай. Сиз бир-бирингиздан ажралмагансиз бирга, барча муассасаларга, ҳаммомга, ошхонага боргансиз, фотографияларда бирга суратга тушгансиз. Андижонда ҳамма Убайдуллахўжа билан Қосимовни икки дўст деб айтишди. Гарчи улар турли жойларда судда ўтиришса ҳам, улар бирга-лиқда худди шундай қилишган...».

Убайдуллахўжа 10 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинди, унинг ўрнига Шимолий ўлкага сургунга алмаштирилди ва 1934 йил 25 майда ОГПУ коллегияси сургун муддатини 10 йилдан 7 йилгача қисқартирди. 1942 йилда Убайдуллахўжа Шимолий ўлкада вафот этди.

Ҳозирда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейида Илмий тадқиқот ва экспозицияни лойиҳалаш бўлими бошлиғи лавозимида фаолият кўрсатаётган таниқли олим Сирожиддин Аҳмад Ўрта Осиёдаги жадидчилик ҳаракати ва унинг таниқли арбоб-


<sup>1</sup> Турсын Журтбай. Боль моя, гордость моя – Алаш! – Астана: Аударма, 2016. – С.436.

<sup>2</sup> Шамсутдинов Р. Истиқлол йўлида шаҳид кетганлар. – Тошкент: Шарқ, 2001. – Б.194 – 195.

<sup>3</sup> Катанян Р. Против Касымова – против касымовщины (Речь государственного обвинителя по делу судебных работников Узбекистана). – Ташкент: УзГиз, 1932. – Б.84 – 86.



Аҳмедов Сирожиддин  
Убайдуллаевич



лари, етакчилари ҳақида бир қатор тадқиқот ишларини эълон қилган. 2021 йили «Info Capital Group» нашриётида олимнинг «**Убайдулла Хўжаев (Туркистонда демократик давлат қуриш учун курашган биринчи ўзбек адвокати Убайдулла Хўжаев ҳаёти ва фаолияти)**» номли 23 босма табақдан иборат китоби нашр этилди. Асар 5 бобдан иборат. Биринчи боб – Туғилиш, замон, эътиқод, Иккинчи боб – Замон, миллат: Убайдулла Хўжаев ва жамиятлар, Учинчи боб – Убайдулла Хўжаев: «Садои Туркистон» ва миллий уйғониш муаммолари, Тўртинчи боб – Империянинг тугатилиши: муваққат ҳукумат: Қўшҳокимлик, Туркистон мухторияти, Бешинчи боб – Миллий мухториятнинг тугатилиши. Асарнинг аҳамияти, мазмун ва моҳияти, унда келтирилган фактик материаллар ҳақида тарихшунослик нуқтаи назаридан алоҳида тақриз ёзиш жоиздир. Ҳозирда биз фақат Убайдуллахўжа ҳақида асардаги айрим фикрларга қисман тўхталамиз.

Китобнинг 306-саҳифасида мана бу сатрлар ёзилган: «Қўқондаги Туркистон миллий ҳукумати йиқитилгач, Убайдуллоҳ Хўжа Оренбург шаҳрига кетиб, ул ердан туриб большевикларга қарши Туркистоннинг озодлиги учун 1919 йилгача курашди. Большевиклар уни 1923 йилнинг охиригача Москвада сақлаб, сўнгра Сибирга юбордилар. Бул ерда вафот этди». Бундай фикрга эътироз билдирилиб қуйидаги ҳавола келтирилган: «**Муаллифнинг келтирилган маълумотларида айрим камчиликлар бор. У.Хўжаев 1926, 1930, 1938 йилларда қамоққа олинган. 1939 йилда Котласга сургун қилинган. У шу ерда 1942 йили вафот этган. Ёржек келтирилган маълумотда Сайид Но-**

**сирхон тўрага юборган мактуб санаси У.Хўжаевнинг вафотига эмас, балки Котласга этап қилинганига тўғри келади – С.А.»** (306 – 307-бетлар).

Биз мазкур масалага ойдинлик киритиш мақсадида ҳозирда Москвадаги Россия давлат ижтимоий-сиёсий тарихи архиви – РГАСПИ-нинг 558-фонд, 1-рўйхат, 5648-иш 1 – 5-варақларида сақланаётган Убайдуллахўжа ва Илёс Алкинларнинг Оренбург қамоқхонасидан 3-коммунистик интернационал ижроия комитети аъзоси Карл Радекка 1920 йил 4 октябрда йўллаган рус тилидаги хатини ўзбекчада келтирамыз:

3-КОММУНИСТИК ИНТЕРНАЦИОНАЛ  
ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ АЪЗОСИ  
ЎРТОҚ КАРЛ РАДЕККА

Ўртоқ РАДЕК

«Правда» газетасининг жорий йил 19 сентябрдаги 208-сониди Сизнинг «Шарқ халқлари қурултойи» номли мақолангизни ўқиб чиқиб, биз ҳайратда қолдик. Сиз қандай қилиб жазо олмасдан, хулоса қисмини ёзишга «журъат топдингиз»? Нега Сиз ушбу сўзларингиз учун биз билан бирга қамоқда эмассиз? Лекин биламиз, биринчидан, Сиз бошқирд, қирғиз, сарт эмассиз, умуман олганда, Россиядаги «ўзга миллат (инородец<sup>1</sup>)» эмассиз, балки Ғарб ишчиларининг вакилисиз. Шунинг учун Сизни биздек Россиянинг шарқлик «ўзга миллат» вакиллари каби «миллатчилик»да, «шовинизм»да ва «аксиланқилобчилик»да айблаб олмайдилар. Иккинчидан, Сиз, ўртоқ Радек, буларнинг барини



Карел Редак (1885 – 1939)  
1919 – 1924 йилларда РКП(б)  
Марказий комитети аъзоси,  
1920 – 1924 йилларда  
Коминтерн Ижроия комитети  
аъзоси, Сун Ят Сен номидаги  
Шарқ халқлари университети  
ректори

<sup>1</sup> Инородец – Чор Россияси даврида руслардан бошқа халқларга, хусусан, шарқ халқларига берилган ном.



Москвада яшаб туриб ёзаяпсиз, гапиряпсиз, биз каби Уфа, Оренбург, Екатеринбургдек ерларга яқин бўлган Бошқирдистон, Қирғизистон, Туркистонда эмассиз. Сизнинг энг силлиқ таъбирингиз билан айтганда, «коммунистларга қўшилиб олган калтафаҳм ҳалол ўртоқлар ва босқинчилар» тўлиб-тошиб ётибди.

Мақолангизнинг сўнгги қисми бизни Оренбург қамоқхонасида ҳибсда ўтирган Бошқирдистон Совет Республикаси масъул ходимларини Сизга 3-Коминтерн Ижроқўмининг аъзоси сифатида қуйидаги ариза билан мурожаат қилишга ундади: Биз – 11 нафар бошқирд арбоблар, шундан 8 нафари масъул ходим, 2 нафари Бошқирдистон Республикаси ҳукуматининг аъзолари, 2 ойдан бери Оренбург қамоқхонасида ўтирибмиз. Айримларимизни ҳибсга олиш чоғидаги дастлабки суриштирувни ҳисобга олмасак, шунча кун ичида бирор марта ҳам сўроққа чақирмадилар. Бирортамизга бирор айбловни аниқ айтмадилар. Ҳаммамиз Оренбург ҳукумати томонидан бир қисмимиз Қирғизистон Республикаси<sup>1</sup> ҳудудида, бир қисмимиз Бошқирдистон Республикаси ҳудудида ҳибсга олинди.

Бизнинг ягона ва бор айбимиз шундаки, биз Россия инқилобининг биринчи кунларидаёқ эълон қилинган ва Россия Коммунистларининг 3-съезди (қабул қилинган дастурнинг 9-банди) ва РСФСР Конституцияси (2- ва 3-моддалар) томонидан белгилаб берилган «халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи» деган буюк тамойилни амалда рўёбга чиқариш маъносида келтирилган дастур ва конституцияга мувофиқ равишда чин дилдан ишлай бошладик.

Лекин бу турдаги айбловлар қўйиш, албатта, мумкин эмас. Ахир, бир принципни эълон қилиш, шу билан бирга, кимнидир ушбу принципни амалда қўллашга уринишда айблаш ноқулай-ку. Лекин кўплаб «партияга боғланган калтафаҳм» ҳалол ўртоқларга, кўринишдаги ҳар қандай «коммунизм» ва «интернационализм»га қарамай, менга мана шу «ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи» ва биз каби «қизиққон»

йўлбошловчиларга ёқди. Буюк Россиянинг буюк давлатчилиги тарафдори бўлган бу «коммунистлар» ҳар қандай «ўз тақдирини ўзи белгилаш»ларга қарши туришга ҳаракат қилиб, «ўз тақдирини ўзи белгиловчи» раҳбарларни – коммунистлар бўлса ҳам, партиясиз бўлса ҳам – йўқ қилишга қарор қилишди. Агар буларнинг бари қоғозда қолиб кетмай, мурожаатлар ва декларациялар доирасидан ташқарига чиқса, бу автоном республикаларнинг барчаси ҳақиқатга айланади. Улар, албатта, ишончли баҳона билан, аксилинқилобчиликда айблаш каби инқилобий иборалар билан баҳона қилиб асл ҳақиқатни кўрсатмайдилар. Гап бизнинг аксилинқилобчи табиатимизда эмас, балки РСФСР Конституцияси ва Россия Компартияси дастурига мувофиқ бизнинг ҳақиқий маънода ўз тақдиримизни ўзимиз белгилаш борасидаги истагимиздадир. Чунки ўзлари шуни яхши биладиларки, улар аксилинқилобчиликда айблаётганларнинг кўпчилиги инқилобни тиш-тирноғигача қуролланган ҳақиқий аксилинқилобчилардан ихтиёрий равишда, беғараз ҳолда, сўзда ёки қоғозда эмас, балки қўлларида қурол-аслаҳа билан урушнинг ўт ва олови ичра ҳимоя қилди.

Буларнинг бари қуруқ сўз ва иборалар эмас, балки ҳужжатлар ва сон-саноксиз фактлар билан тасдиқланиши мумкин.

Демак, ўз тақдирини ўзи белгилаш истагини очик айблай ололмай, айна пайтда, бунга тўсқинлик қилиш орзу-истаги билан, «ўз тақдирини ўзи белгиловчи» етакчиларга қарши сохталаштирилган айбловларни уюштириш йўли билан кампания уюштирамоқдалар. Улар бизга аксилинқилобий «қуролли қўзғолон»ни юкламоқчи бўлмақдалар. Бунда улар Бошқирдистон ҳудудида коммунизмни бандитизмга айлантирган ҳамда бошқирдлар ва руслардан бўлган барча ҳалол коммунистларни аксилинқилобчи деб эълон қилганларнинг тухматларига, фош қилувчи қалбаки «ҳужжатлар» тузишга, жиноятчи шахсларнинг ёлғон гувоҳликларига суянмоқдалар. Шунингдек, бир қисми Бошқирдистондан чиқариб юборилган ва бир қисми у ердаги жиноий ишлари сабабли суддан қочиб юрган ва яна «бошлиқ» мақомидаги «ёғли» «иссиқ ўрин»ларига қайтишни орзу қилиб, ўзига

<sup>1</sup> Қирғизистон Автоном Совет Социалистик Республикаси 1920 – 1925 йилларда РСФСР таркибидаги Қирғиз миллий автономияси бўлган. Республика пойтахти – Оренбург шаҳри, кейинроқ Оқмачит шаҳри. 1925 йилда Қозғистон Автоном Совет Социалистик Республикаси деб ўзгартирилган.



таниш жойларда, ўзига маълум аҳоли орасида жиноий фаолиятларини умуман жазоланмасдан давом эттиришни кўзлаб юрганларнинг ёлгон гувоҳликларига суянмоқдалар.

Булар бўш сўзлар эмас, албатта, балки ошкор фактлардир.

Шундай қилиб, баъзилар учун ягона, бўлинмас ва улуғ Россиянинг буюклиги учун «хавфли» бўлган «ўз тақдирини ўзи белгиловчи» раҳбарлар ва раҳнамоларнинг йўқ қилиниши, баъзилар учун эса келажак режалари, яъни эски гуноҳлари, қилмишлари учун ҳеч бир жазо олмай, аввалги «ёғли» ўринларига қайтишга имкон топиш ёқади.

Ўша «фактлар» ва қилмишларнинг моҳиятига кўра ҳибсга олинишимизнинг бошида бизга, Алкин, Хўжаев ва Бурангуловга, шу шов-шувнинг асосий айбдори сифатида аксилинқилобий ишларда айблов қўйилиши керак эди. Бизнинг ҳибсга олинишимизга асосий ва бевосита сабаб қўйидаги воқеа бўлганини таъкидлаймиз:

Содиқ Габзалилов, Бошқирдистон Совет Республикасининг Ток-Чуран кантони қўшин қўмондони, мансабни суистеъмол қилиш билан боғлиқ турли жиноятлари учун ҳибсга олиниши ва судланиши керак эди. Габзалилов бундан хабар топиб, кантон ижроия қўмитасидан икки кишимиз: Бурангулов /ижроия қўмитаси раиси/ ва Хўжаев /президиум аъзоси – котиб/ бошчилигида унинг жиноий ишлари ҳақида материаллар йиғиб, унинг кантон ижроия қўмитасида олий ҳокимиятга қарши исён қўтаришининг олдини олиб, уни ҳибсга олишга ва судга топширишга ҳозирлик кўрмоқда эдилар. Габзалилов ўз ихтиёридаги қуролли бўлинма ёрдамида исён бошламоқчи эди; шу мақсадда у аскарлар ўртасида ташвиқот олиб бориб, кантон ижроия қўмитасига қарши оммани қўзғатишни бошлади, уларни кантонга бориб, ижроия қўмитанинг барча аъзоларини отиб ўлдиришга ундади.

Ижроия қўмитанинг ҳарбий комиссари Бурангулов Габзалиловнинг режалаштираётган босқинидан хабар топиб, эҳтиёт чораларини кўрди, масалан, унга бўйсунувчи ҳарбий комиссарликнинг 100 кишилиқ комендант бригадасини иккита пулемёт билан ижроия қўмита-

нинг қароргоҳига ўтказди /собиқ Шахоболова қишлоғига/. Кантон ижро қўмитасининг қароргоҳини ҳарбий ҳолат бўйича қароргоҳ деб эълон қилди. Тунда постлар ва патруллар тайинлаб, Содиқ Габзалиловни ёки унинг отрядидаги одамлар тунда пайдо бўлган тақдирда қўлга олиш ҳақида буйруқ берди.

Буларнинг бари Содиқ Габзалиловга маълум бўлганда, унинг ижроқўмни тўсатдан босиб олиш ҳақидаги режаси иш бермаганини тушуниб етди. Ҳамда, аксинча, энди унинг ўзига қўзғолон кўтаришга уриниш бўйича қаттиқ айблов қўйилишини билиб қолди. Сўнгра Оренбургга бандитизмда ва Бошқирдистонда совет ҳукуматини қўпоришда айбланиб, Бошқирдистон Республикаси судидан қочиб оренбургликларнинг паноҳида яшириниб юрган акаси Қурбон Габзалиловга чопарлар йўллай бошлади. Биз Ток-Чуран кантонига қарашли ҳамда ўз қишлоғининг бой қулоқларидан бўлган Габзалиловларнинг отаси номидаги Габзалилово қишлоғида эканимизда Қурбон Габзалилов, ўз навбатида, укаси Содиқнинг топшириғи билан Оренбургда Ток-Чуран кантонидан РСФСРга қарши ҳарбий қўзғолонга тайёргарлик кўрилмоқда деган ваҳима кўтарди, натижада биз қамоққа олиндик.

Оренбургда анчадан бери бизга нисбатан «ўз тақдирини ўзи белгиловчилар» сифатида адоват ва хусуматга тўла қарши муносабат мавжуд эди. Чунончи, Габзалиловларнинг чақувидан 2-3 ой олдинроқ бу муносабатлар Габзалиловлар оиласи каби беш нафар кимса: Тайнасов (бошқа исми Саид Баталов), Носякин ва бошқа жиноятчилар томонидан ўзгача характердаги чақувлар бўлган. Улар ҳам Габзалиловлар каби турли жиноятлар содир этганликда айбланиб, Бошқирдистон судидан ва қамоққа олинишдан қочган эдилар. Оренбургга яшириниб олишиб, кимларнингдир ҳимоясида бўлиб, Оренбург губернияси фавқулодда комиссиясига турли тухмат маълумотлар етказа бошладилар. Аслида эса Бошқирдистон арбоблари устидан шикоятларни, аризаларини Бошқирдистон фавқулодда комиссиясига жўнатишлари керак эди. Улар бизнинг устимиздан буни қилолмадилар. Чунки уларнинг ўзлари Бошқирдистон ЧКсидан яшириниб юргандилар.



Шундай қилиб, Оренбургдагилар Габзалиловларнинг қоралашлари ва чақувларини инобатга олади. Уларнинг ўзлари РСФСРга қарши қуролли қўзғолонга тайёргарлик кўришда айбдор бўлиб қамоққа олинишдан қўрқиб Бошқирдистон ЧК томонидан судланиши лозим эди. Оренбургдагилар, Бошқирдистон ЧК талабларига қарамай, Бошқирдистондан қочиб яширинган жиноятчиларни Бошқирдистон ЧК судига топшириш ўрнига улардан ўз мақсадлари йўлида, ўзларининг ва уларнинг душманларига, яъни бизга қарши ёлғон гувоҳликлар олишда фойдаландилар. Бу жиноятчиларнинг кирдикорлари фош бўлиб қолиб, уларнинг бари бизга қарши кураш жабҳасига ўтдилар. Ҳозирда мазкур Габзалилов, Таймасовлар ва бошқаларнинг жиноятчи тўдалари ўзларининг мақсадларига етдилар. Судланишдан қочиб кетган жойларига муваффақият қозониб қайтиб келдилар ҳамда Оренбургдагиларнинг қўллаб-қувватлаши билан бизга қарши далил ва материалларни кавлаштириб, қидириб, уйдирма-иғволар тўқимокдалар. Албатта, улар далилларни «топиш»га қаттиқ ҳаракат қилдилар. Акс ҳолда, бизни қўйиб юборишса, уларга ёмон бўлади. Чунки улар оғир жиноятлар, бандитизм бўйича судланади. Уларга қарши далилларнинг бир қисми Бошқирдистон ЧКда, бир қисми кантон ижрокўмида турибди, уларга биргина ишора қилсак етарли бўлади. Лекин ҳозир улар хўжайинлик қилмоқдалар. Агар Оренбургдагилар бизга нисбатан бу даражада хусумат ва адоват билан муносабатда бўлмаганда эди ва келтирилаётган ҳар хил чақувларни объектив текшириб пашшадан фил ясамаганда эди, бу ишлар бўлмаган бўларди. Бироқ Оренбургдагилар бизга нисбатан бўлган адоватлари сабабли биз ҳақимизда айтилган ва етказилган гапларга бефарқ бўлмадилар, албатта.

Оренбургнинг бизга нисбатан адовати ва қаршилиги нимага асосланган эди?

Бошқирдистон Автоном Республикаси ташкил топганининг биринчи кунлариданоқ, яъни мурожаат ва декларациялардан кейин халқнинг ҳуқуқини ва ўз тақдирини ўзи белгилашни амалий жиҳатдан юзага чиқаришга ўтишни

оренбургликлар, уфаликлар ва бошқалар миллатчилик деб эълон қилдилар. Ҳамда бизнинг амалий ҳаракатларимизга ҳар томонлама халал бериб қарши чиқа бошладилар. Ўшанда биз улардаги байналмилалчиликдан шубҳага тушиб қолдик ва айтдикки, гарчи улар ўзларини байналмилалчи деб атасалар-да, бироқ бу, афтидан, фақат сўзда ва халққа мурожаатларида экан. Амалда эса буюк давлат, улуғ Россияга бўйинсунган собиқ «ўзга миллатлар»нинг «ўз тақдиримизни ўзимиз белгилаш ҳуқуқимиз»ни юзага чиқариш ҳақида гап кетганда уларда яна эски туйғулари – «ўзга миллатлар» устидаги фармонбардорликлари эсга тушиб қолмоқда. Улар шуни ҳеч ҳазм қилолмаётдиларки, кечагина қўл остида бўлган «ўзга миллатлар» уларнинг бошқарувидан чиқиб кетяпти ҳамда ҳаётини ўзлари барпо қиляпти ва ўзларини ўзлари бошқаряпти. Яна шунингдек, ўз ҳудудларини буюк Россиянинг собиқ Оренбург, Уфа ва бошқа губернияларидан катта-катта бўлак-бўлак қилиб ажратиб оляпти. Ажратилган бу бўлақларда кечагина ҳукуматни бошқарганлар энди ҳокимликдан маҳрум бўлмоқда.

Буларнинг бари тушунарли ҳамда бундан бошқача бўлганда ҳам ғайритабиий бўларди. Яъни агарда кечаги мустамлакачилар ва «қолоқ ўзга миллатлар» тепасида ҳоким бўлган Иван Грозний ва Буюк Пётрларнинг меросхўрлари янги шартларга мослашиб ўрнашиб олиб, юзак равишда коммунистликка «ёзилиб олиб», чўнтақларига қизил партбилетларини солиб олгани учунгина осонликча, бир сўз билан ва инқилобий иборалар билан 3-4 аср давомида ич-ичига сингиб кетган буюк давлатчилик ва мустамлакачилик заҳаридан 1-2 йил ичида ўзгаришлари ва мустамлакачилик туйғуларидан халос бўлиб, бутунлай қутулиши мумкин бўлганида эди, албатта, бу хилдаги «байналмилалчилар»га уларнинг уқувсиз ходимлари биз ҳақимизда келтирган маълумотлари ва айтган гапларининг барчаси «етарли» ва «шубҳасиз» экани маълум бўларди.

Инқилобдан олдинги даврдаги эски инқилобчиларнинг, коммунистларнинг жуда оз миқдорини истисно қилганда, уларнинг аксарияти доимо биз билан бирга бўлганлар. Бироқ



улар оз сонли бўлгани учун ҳам кўпчилик оманинг орасида билинмай кетдилар ва бизни қўллаб-қувватлашга кучлари етмади. Юқорида айтилган гаплар эса ҳаммага бўлмаса-да, лекин аксариятга, Октябрь инқилобидан кейин ёмғирдан сўнг бодраб чиққан қўзиқоринлар каби кўпайган, хусусан, собиқ Россия империясининг чекка ҳудудларида шарқнинг «қолоқ» халқлари – қирғизлар, татарлар, бошқирлар, сартлар ва бошқаларга яқин бўлган жойлардаги янги «байналмилалчи» рус коммунистларига тегишлидир.

Оммавий равишда эски тушунчалардан, буюк давлатчилик ва мустамлакачилик заҳаридан халос бўлишни, афтидан, фақат янги коммунистик тузум томонидан янги руҳда тарбияланган янги, ўсиб келаётган авлоддангина кутиш мумкин. Ҳозирги авлоднинг рус чоризми ва империализми билан заҳарланиши эса шундайки, ўзидаги эски заҳарни чиқаролмай, бизнинг шубҳаларимизни тарқатиб, булар самимий байналмилалчи ва «ўзга миллатлар»га сабр-бардошли эканлар деган фикрга ўзгартиролмай ҳамда ўз хатти-ҳаракатлари билан бизни тескари фикрлардан қайтариб, шубҳа-гумонларимизни кетказиш ўрнига ҳар жойда биз ҳақимизда шовинизм ва ҳатто аксилинқилобчилик билан тушунтиришга уринмоқдалар. Лекин улар бизнинг ишончимизни фақат чиройли сўз ва иборалар билан эмас, балки шубҳаларимизни йўқ қилиш ва ҳақиқий фаолият билан ишончимизни қозониш учун ҳаракат қилмадилар, бир қадам ҳам ташламадилар, аксинча, нима иш қилсалар ҳам ўртамаздаги ишончсизликнинг ортиши ва уларга нисбатан биздаги шубҳа-гумон туйғуларининг мустаҳкамланиши учун ҳаракат қилмоқдалар.

Мана шу ёвузлик, қарама-қаршилик ва аксилинқилобий айбловнинг чуқур сабабларидир, бунинг натижасида биз – «ўз тақдирини ўзи белгиловчилар»нинг 11 нафар етакчи раҳбарлари панжара ортида, қамоқда ўтирибмиз.

Юқоридаги баёнимизни Сизга, ўртоқ Радек, арз қилиб, қуйидаги мазмунда илтимос билан мурожаат этмоқдамиз:

1. Агар бизни суд қилсалар, чунончи, биз буни ўзимизга ишонч билан кутяпмиз, чунки

биз судда албатта оқланамиз, бизга нисбат берилаётган бу барча ёвуз иғволарни фош қилиб очиб бера оламиз. Буни ўзининг ёвуз мақсадлари йўлида ва оғир жиноятларини яшириш учун уюштирган барча ашаддий унсурлар юзага чиқади. Ҳамда уларнинг ҳаммаси мана шу қора курсига ўтирадилар. Маҳаллий хусуматпеша унсурларнинг таъсирини чеклаш учун бизнинг судимиз Москвада бўлиши керак.

2. Бизнинг судимизда Коминтерн вакиллари /биз Сизнинг, ўртоқ Радек, иштирокингизни истардик/ ва Шарқ халқлари вакиллари иштирок этишлари керак.

3. Тергов амалиётида Москвадан келган Марказий ҳукумат вакиллари ҳамда Шарқ халқлари вакиллари қатнашишлари керак. Негаки ҳозирда тергов жараёни ўта ғаразгўйлик билан ва бир ёқлама тарафкашлик руҳида олиб борилмоқда, шунинг учун тергов томонидан ҳозиргача тўпланган «материаллар» синчковлик билан текширилиши керак.

4. Зудлик билан биз ҳақимиздаги судгача ҳибсда сақлаш чорасининг бекор қилиниши масаласида Сиздан ёрдам беришингизни сўраймиз. Бунинг учун биз исталган вақтда ихтиёрий равишда суд маҳкамасига етиб келиш мажбуриятини зиммамизга оламиз.

Илтимосномамизнинг 1-, 2- ва 3-пунктлари бажарилишини қаттиқ талаб қиламиз, чунки бизнинг кўрилаётган ишимиз фақатгина Хўжаев, Алкин, Тухватуллин ва бошқаларнинггина иши эмас, балки биринчи навбатда РКПнинг Шарқий ўлкаларда ўтказган миллий дастури натижасида РСФСРда юзага келган ҳолат билан боғлиқ ишдир. Кўрилаётган бизнинг ишимиз бутун Шарқнинг масаласи ҳисобланади, шунинг учун Боқудаги Шарқ халқлари ҳаракатлар ва тарғибот ишлари кенгашига мазкур тафсилотли аризани жўнатдик.

Ким билан алоқада бўлаётганингиз ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлишингиз учун биз – Алкин ва Хўжаев ўзимиз ҳақимизда қисқача маълумот берамиз. Бошқа ўртоқларда эса бундай имконият йўқ. Негаки улар қамоқхонанинг бошқа корпусларида сақланмоқдалар ва биздан ажратиб қўйилганлар. Шунинг учун ушбу аризада уларнинг имзолари йўқ.



1. Мен – Илёс Алкин, миллатим татар, Қозон шаҳриданман, ёшим 25 да, 1914 – 1916 йилларда норасмий инқилобий мусулмон талабалар ташкилотларида иштирок этганман. 1915 – 1916 йилларда шундай ташкилотларнинг бирида раис; 1917 – 1918 йилларда Бутунроссия мусулмон ҳарбий «шўро»сининг /Аскар депутатлар кенгашида/ раиси; 1918 йилда Татаристон Республикасини тузиш бўйича Коллегия раиси; 1918 йилда Қозон чехословаклар қўлида бўлганда ўз ҳаётимни хавф остида қолдириб қўйидаги таниқли коммунистлар ва масъул совет ходимларини ўз квартирамда яшириб, шаҳардан жўнаб кетишлари учун зарур ҳужжатларни тўғрилаб, содир бўлаётган ҳибсга олишлар ҳақида огоҳлантириб, уларни қамоқдан ва отувдан сақлаб қолганман: Мирсаид Султон Голлаев, Исҳоқ Казаков, Валиулло Вахитов, Гауз Чанишев, Ахлов /ҳозирда Бошқирдистон Янги инқилобий қўмитасининг аъзоси/, Загаишил ва бошқалар; 1918 – 1919 йилларда Колчакка қарши кураш еттиликсининг аъзоси; 1919 йилда штаб бошлиғи ва Бошқирдистон қўшинларининг муваққат қўмондони; Бошқирдистон армиясини совет ҳокимияти тасарруфига ўтказиш бўйича ташкилотчи ва раҳбарларидан бири; Бошқирдистон қизил армиячи депутатлари 1-съездининг ташкилотчиси ва раҳбари, ўшанда Бошқирдистон ҳарбий инқилобий қўмитаси тузилган ва унинг аъзоси этиб сайланганман; 1919 йилда Бошқирдистон Совет Республикаси меҳнат халқ комиссари, 1920 йилда Бошқирдистон Халқ хўжалиги марказий совети ва Бутунбошқирдистон касабачилар совети аъзоси бўлганман.

Менинг олдинги инқилобий фаолиятим ҳақида Петроградда Подшоҳ Қўриқлаш (Царская Охранка) бўлими архивларида материаллар мавжуд.

2. Мен – Хўжаев камбағал оила фарзанди бўлсам-да, ҳеч кимдан ёрдам олмай, мустақил таълим олиш йўли билан, фақат шахсий ҳаракатларим туфайли етарли даражада европача таълим олган, ҳозирга қадар биринчи ва, адашмасам, ягона туркистонлик сарт бўламан. Мен Туркистон сартлари орасида биринчи бўлиб 1917 йилги Октябрь инқилобидан олдин

ўзимизнинг миллий буржуазия ва қулоқларга қарши ошқора кураш бошлаганман. Бунинг далилини 1917 йил август ойи охирида чиққан сонидан кўриш мумкин.<sup>1</sup> Норасмий инқилобий ҳаракатда 1905 йилдан бошлаб иштирок этганман, бир неча марта яширинча ҳолатда юрганман. Буни менинг эски инқилобчи сафдошларим ва Туркистон сартлари орасида коммунистик ҳаракатнинг асосий раҳбарлари бўлган Туркистоннинг ҳозирги таниқли коммунистлари: Мунавварқори ва Низомиддинхўжа ўртоқлар тасдиқлайдилар. Ҳамда Туркистон халқлари масаласида Туркистон архивларида сақланиб қолган Чор Охранкаси ҳужжатлари тасдиқлайди. У ерда менинг инқилобий фаолиятимга доир жилд-жилд маълумотлар бор.

Шунингдек, мен Туркистон маҳаллий аҳолиси орасида санокли даражада оз бўлган босма нашр соҳибларидан бўламан. 1914 йилда Туркистонда маҳаллий тилда бирорта ҳам босма нашр бўлмаган пайтда ёлғиз ўзим шахсий ҳаракатларим билан Тошкентда деярли 1915 йил охиригача нашр этилиб турган, ўша давр шартшароитларида энг сўл қанот бўлган, бутун ўлка масштабидаги «Садои Туркистон» газетасини ташкил қилдим ва маҳаллий тилда нашр этдим. Газета нафақат Туркистон ва Россияда, балки ундан ташқарида ҳам машҳур бўлди. Бироқ ҳар турли маъмурий таъқиблар билан газетани «зарарли» йўналишда деб топгани учун Туркистон ўлка маъмурияти томонидан 1915 йилда Тошкент шаҳрида судланганман. Оқибатда газета ёпилган ва мен Тошкентдан Фарғона областига кўчиб кетишга мажбур этилганман.

Шунингдек, мен 1916 йилда Андижон шаҳрида рус тилида чоп этилиб турган ўша давр шартларига кўра бутун Россия бўйича энг сўл қанот бўлган «Туркестанский голос» газетасининг тузувчи ва раҳбарларидан эдим. Бу газета ҳам қатағонга учради ва ёпилди, муҳаррири эса судланди. Менинг «зарарли» фаолиятим шундай яқун топдики, 1916 йилнинг охирида Туркистон генерал-губернатори Куропаткиннинг буйруғи билан маъмурий сургунга ҳукм қилиндим. Яъни мени Тошкент ва Андижон

<sup>1</sup> Афсуски, айнан қайси нашр (газета) ҳақида гап кетаётгани аниқланмади. Эҳтимол, «Правда» газетаси ҳақида гап кетаётгандир.



шаҳарларида яшашдан маҳрум этдилар, натижада мен 1917 йил Февраль инқилобига қадар яширинча ноқонуний ҳолатда юришга мажбур бўлганман.

Агар бутун Россия мусулмонлари орасида чоризм томонидан «крамола»<sup>1</sup> учун қатағонга учраган профессионал фаол инқилобчилар санокли бўлган бўлса, тахминимча, жами ўн-тадан ҳам ошмаган, улардан бири мен бўлганман.

1917 йилда 1-Бутунроссия Мусулмонлари Инқилобий Ижроия Қўмитасида Туркистон маҳаллий аҳолиси – сартларнинг ягона вакили бўлганман. Ўшандан бери ҳозирга қадар ҳар хил инқилобий вазифаларни бажариб келдим.

Биз – Алкин ва Хўжаев буларнинг барини ёзар эканмиз ва Сизга ҳам буларни ўқитиб, вақтингизни олар эканмиз, бу билан биз: «Қаранг, биз, аслида, қандаймиз», – демоқчи эмасмиз. Лекин шунини қилишга мажбур бўлдик, негаки Оренбургнинг ҳимоясидаги эски ва ҳозирги жиноятчи унсулар ва бандитлардан бўлган Габзалиловлар, Таймасовлар ва бошқа инқилоб текинхўрлари сабабли биз «аксилинқилобчилар» бўлиб қолдик.

Ўртоқ Радек, биз шунга аминмизки, Сизга баён қилган муурожаатимиз чўлда қолиб ўлиб кетган кимсанинг нидоси бўлмайди. Биз РКП ва РСФСР ҳукумати томонидан эълон қилинган декларацияни татбиқ этишда ва ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини амалга ошириш замиридаги тушунмовчилик билан юзага келган мазкур биринчи «Шарқликлар суд жараёнида» Сизнинг фаол иштирок этишингизга ишонамиз. «Правда» газетаси 208-сонидаги ўша Сизнинг мақолангиз биз учун қафолат бўлиб хизмат қилади, чунки у ерда Сиз биз билан ҳали кўпчилик тополмаган ва, афтидан, ҳозиргача тополмаётган муштарақ бир тилда гапиряпсиз.

Шунингдек, Сиз билан шахсан кўришиб, гаплашиб олишимиз учун олдимизга қамоқхонага келишингизни илтимос қиламиз.

Оренбург қамоқхонаси

1920 йил 4 октябрь Убайдулла Хўжаев, Илёс Алкин.

<sup>1</sup> Исён, фитна (Чор Россияси расмий доираларида инқилобий ҳаракатларга берилган ном).

Ўртоқлардан 1. Фотиҳ Тухватуллин /Бошқирдистон ҳарбий инқилобий қўмитаси аъзоси/. 2. Амиров /Бошқирдистон дивизияси/. 3. Мухаммет Бурангулов /Ток-Чуран кантон ижроқўми ва кантон қўмитаси раиси/. 4. Темиров /РКП кантон қўмитаси раиси ўринбосари/ ва бошқаларнинг мазкур хатга имзо чекиш имкони бўлмади, чунки улар биздан ажратиб қўйилган ва қамоқхонанинг бошқа корпусларида сақланмоқдалар. Убайдулла Хўжаев<sup>2</sup>, Илёс Алкин.



Илёс Алкин (1895 – 1937)

Дворянлар оиласидан, миллати татар, отаси Саид Гирей Алкин – Қозон губерниясида 1-давлат думаси аъзоси, Москва Университети, Петербург Политехника институтида таҳсил олган. 1915 йилдан ҳаракатдаги армияда пропоршик, 1915 йилдан полиция назоратида бўлган. 1937 йил Ўрта Осиё харитаси картасига корректор бўлган. 1937 йил 22 сентябрда қамоққа олинган. 1937 йил 27 октябрда отилган. Москвадаги Донский қабристонига ҳоки қўйилган. 1955 йил 31 декабрда СССР Олий Суди ҳарбий коллегияси реабилитация қилган.

Шундай қилиб, Ўрта Осиёда миллий истиқлол учун энг собит, жасур курашчилардан бири – Убайдуллахўжа Асадуллахўжаев оламдан ўтди. Орадан 80 йил ўтди, аммо миллат, халқ қаҳрамонининг ёрқин хотираси унутилмади. Эндиликда унинг улўғвор номи, эзгу ишлари Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлида янгидан-янги курашчиларни тарбиялашда қудратли, манбавий, маърифий қурол бўлиб хизмат қилмоқда. Унинг хотирасини Ўзбекистонда абадийлаштириш, Ўрта Осиё халқлари тилларида илмий-оммабоп китоблар, видеофильмлар, бадий адабиётлар, ҳужжат ва материаллар тўпламларини тайёрлаш ва нашр этиш вақти аллақачон келган. Унинг босиб ўтган шонли кураш тарихи ва тақдирини чуқур тадқиқ этиш навбатдаги вазифалардандир.

<sup>2</sup> РГАСПИ (Россия давлат ижтимоий-сиёсий архиви – РДИСА), 558-фонд, 1-рўйхат, 5648-иш, 1 – 5-варақлар.



# ЎЗБЕКИСТОНЛИК СИЁСИЙ ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИ

Р.Р.Шамсутдинов, т.ф.н.

Р.Т.Шамсутдинов, Н.Ф.Каримов, Э.Ю.Юсуповнинг 2005 йили чоп этилган «РЕПРЕССИЯ. 1937 – 1938 ГОДЫ. Документы и материалы» китобининг 215 – 223-бетларида И.В.Сталин, В.Молотов, Л.М.Каганович, А.Жданов, К.Е.Ворошиловлар томонидан 1938 йил 28 мартда тасдиқланган ССР Иттифоқи Олий суди Ҳарбий коллегияси томонидан суд қилинадиган шахслар рўйхати эълон қилинган эди. Унда 1-категория бўйича 155 киши, 2-категория бўйича жами 165 киши устидан ҳукм чиқарилиши ҳақидаги ҳужжат эълон қилингани қайд этилган. Профессор Р.Т.Шамсутдиновнинг 2012 йили нашр этилган «Ўзбекистонда советларнинг қатағон сиёсати ва унинг оқибатлари» китобида улардан 143 нафарининг ҳаёт йўли ва фожиали тақдири архив ва бошқа манбалар асосида ўрганилган, китобнинг 58 – 280-бетларида улар ҳақида биографик-тарихий маълумотлар келтирилган, айримларининг суратлари ҳам эълон қилинган. 507 нафар қатағон қурбонидан 364 нафарининг ҳаёт йўли ўрганилмаган.

Тарихчи олимлар, тадқиқотчиларнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати (ДХХ) архивига кириб, қатағон қурбонлари ҳақидаги ҳужжат ва материаллар билан яхши танишиб, улардан кўчирмалар олиб ишлаши учун энг асосий омил, имконият Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 8 октябрда қабул қилинган «Қатағон қурбонларининг меросини янада чуқур ўрганиш ва улар хотирасини абадийлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 5598-сонли фармойиши бўлди.

Ана шу фармойишда илгари сурилган вази-фаларни бажариш натижасида Андижон давлат университети тузилмасидаги Қатағон қурбонлари хотираси музейи ходимлари томонидан 2 қисмдан иборат «Қатағон қурбонлари хотира китоби. Андижон области (1865 – 1991 йиллар)» номли китоб 2021 йили 1000 нусхада чоп этилди. Шу ишни тайёрлаш жараёнида Ўзбекистон Республикаси ДХХ архивидаги манбалардан фойдаланиш имконияти туғилди.

1938 йил 12 сентябрда И.В.Сталин, В.М.Молотов, А.А.Ждановлар имзолаган «Список лиц, подлежащих суду военной коллегии Верховного Суда Союза ССР» («ССР Иттифоқи Олий суди Ҳарбий коллегияси томонидан судга тортиладиган шахслар рўйхати») номли ҳужжатдаги ўзбекистонлик 59 нафар қатағон қурбонлари ва улар ҳақидаги айрим маълумотлар мазкур мақолада келтирилмоқда.<sup>1</sup>

1. **Абдуллаев Абдужалил Мирбоевич** – 1903 йилда туғилган, ўзбек, 1927 йилдан ВКП (б) аъзоси, катта сиёсий инструктор, 42-ГКП 19 тоғкавалерия полк мактабининг сиёсий инструктори. 1938 йил 17 мартда ҳибсга олинган. Олий суд Ҳарбий коллегияси 1938 йил 10 декабрда бўлиб ўтган. Олий жазога ҳукм қилинган. 1938 йил 10 декабрда Тошкентда отилган.

2. **Абдурахмонов Исҳоқ Илёсович** – 1898 йилда туғилган, 1936 йил 23 февралдан Ўзбекистон ССР НКВД Давлат хавфсизлик комитети бошқармаси Самарқанд сектори кичик лейтенанти, 1938 йил 17 февралда ишдан бўшати-

<sup>1</sup> Шунингдек, уларнинг қисқача ҳаёт йўли тўғрисида Москвадаги РГАСПИ (Россия давлат ижтимоий-сиёсий тарихи архиви)нинг 17-фонд, 171-рўйхат, 418-иш 108 – 123-саҳифаларида маълумот берилган.



ган, СССР Қурулди Кучлари Олий Комиссарлиги 1938 йил 9 октябрда олий жазога ҳукм қилган. Ҳукм 1938 йил 9 октябрда ижро этилган.

3. **Авербург Лев Александрович** – 1896 йилда туғилган, РКП (б) аъзоси, 1923 йили Тошкент давлат университетининг юридик факультетини тамомлаган, 1918 – 1924 йилларда Туркистонда ер участкаларини тугатиш бўйича инструктор-назоратчи, халқ таълими бўйича сиёсий-маърифий ишлар хизматчиси, 1924 – 1925 йилларда Қора-Қирғиз мухтор область суди раиси, 1925 йилдан Ўрта Осиё Давлат план комиссияси қурилиш бўлими бошлиғи, 1934 йилдан Ўрта Осиё Давлат план комиссияси молия бўлими бошлиғи, Қирғизистон АССР Халқ Комиссарлари Совети ҳузуридаги Давлат план комиссияси раиси лавозимларида фаолият кўрсатган, 1938 йил 7 октябрда Олий суд Ҳарбий коллегияси сессиясида отувга ҳукм қилинган, ҳукм 1938 йил 7 октябрда ижро этилган.

4. **Азизов Тошканбой** – 1904 йилда туғилган, ўзбек, 1928 йилдан ВКП (б) аъзоси, катта лейтенант, Ўрта Осиё ҳарбий округи бўлинмаларида 19-тоғ-отлиқ дивизияси от спорти техникаси инструктори, 1937 йил 10 майда ҳибсга олинган, Олий суд Ҳарбий коллегияси 1938 йил 10 октябрда Тошкентда отувга ҳукм қилган, шу кунгича ҳукм ижро этилган.

5. **Айтешев Алланияз** – 1900 йилда туғилган, миллати қорақалпоқ, иккинчи синфни битирган, 6 ойлик совет партия мактабини тамомлаган, 1925 йил февралдан ВКП (б) аъзоси, 1917 – 1920 йилларда қишлоқ хўжалигида ишлаган, 1920 – 1922 йилларда Округ ер-сув ишлари бошқармаси котиби, 1923 йил майдан 1924 йил майгача «Қўшчи» иттифоқининг область бирлашмаси аъзоси, 1926 йил мартдан 1927 йилгача Қорақалпоқ округи Чимбой район партия комитети котиби лавозимида ишлаган, 1938 йил 13 октябрда Олий суд Ҳарбий коллегияси отувга ҳукм этган, ўша кунгича отилган.

6. **Аллабергенов Қозоқбой** – 1902 йилда туғилган, миллати қорақалпоқ, 4 йил мусулмон мактабида ўқиган, совет мактаби 1-босқичида 3 йил ўқиган, 6 ойлик совет партия мактабини битирган, юридик курсларда 9 ой ўқиган, 1925 йил 20 декабрдан ВКП (б) аъзоси, 12 ёшидан

қишлоқ хўжалигида ва 2 йил бошқа соҳаларда ишлаган, 15 йил суд ходими, 1925 йил 4 апрелдан 1926 йил 9 сентябргача Қорақалпоғистон коммунистик ёшлар союзи масъул котиби, 1926 йил 1 июнда Қорақалпоқ область суди раиси лавозимида ишлаган, Олий суд Ҳарбий коллегияси 1938 йил 13 октябрда отувга ҳукм қилган, ўша кунгича отилган.

7. **Алиев Ислом Содиқович** – 1897 йил сентябрида Елизаветпольск губернияси Жаброил уезди Қорабулоқ қишлоғида мулла оиласида туғилган, миллати турк, 1919 йил ноябридан РКП (б) аъзоси, 1914 йили Елизаветпольскда турк руҳоний семинари 3-курсини битирган. 1925 йили Боқудаги ишчи факультетида, 1932 йили Москвада ВКП (б) Марказий Комитети ҳузуридаги марксизм-ленинизм курсини битирган, мутахассислиги қишлоқ ўқитувчиси, 1914 йилдан 1917 йилгача Далляр қишлоғидаги қишлоқ мактабида она тили ўқитувчиси бўлиб ишлаган. 1917 йилдан 1920 йилгача Қорабулоқда қишлоқ мактабининг мудири, 1920 йил июлидан 1921 йил февралгача Озарбайжон Компартияси Шамхор уезд комитети масъул котиби, 1921 йил декабридан 1925 йил апрелигача Боқуда ўқиган, 1922 йил июнидан 1924 йил октябригача Бинагадин райкоми секретари, 1924 йил октябридан 1925 йил апрелигача Озарбайжон Компартияси Марказий Комитети инструктори, 1925 йил апрелидан 1929 йил июнигача Озарбайжоннинг Геокчай уезд партия комитетининг котиби, 1929 йил августидан 1930 йил августигача Боқуда ишлаган, 1929 йил июнь – августида Қорабоғ округ партия комитети котиби, 1929 йил августидан 1929 йил майгача Озарбайжон Компартияси МК инструктори, 1930 йил августдан 1932 йилгача Москвада ВКП (б) МК ҳузуридаги марксизм-ленинизм курсида ўқиган. 1932 йил октябридан 1933 йил апрелигача Тошкентда ВКП (б) МК Ўрта Осиё бюросида бўлим мудири ўринбосари, 1933 йил апрелидан 1937 йил апрелигача ВКП(б) Ўзбекистон КП (б) Қорақалпоғистон область партия комитетининг 1-секретари лавозимида хизмат қилган. 1937 йил декабридан СССР Ер-сув ишлари халқ комиссарлигида бошқарма бошлиғи вазифасида ишлаган, 1937 йил 4 декабрда қамоққа олинган, ВКП (б) МК Сиёсий бюроси 1938 йил 12



сентябрда унга нисбатан олий жазо бериш учун санкция берган, 1938 йил 4 октябрда Тошкентда СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси томонидан ҳарбий қўзғолон, зараркунандалик, террорчилик фаолияти учун ва аксилинқилобий ташкилотда иштирок этгани учун ЎзССР Жиноят кодексининг 58-, 63-, 64- ва 67-моддалари билан отувга ҳукм қилинган, ўша куниёқ отилган. ЗАГС хабарига кўра, Алиев жазони ўташ вақтида вафот этган. 1956 йил 19 сентябрда СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси томонидан реабилитация қилинган, 1958 йил 26 мартда КПСС сафига тикланган.

Манба: Филиппов С.Г. Территориальные руководители ВКП (б) в 1934 – 1938 гг.

8. **Алиев Мамадали** – 1907 йили туғилган, миллати ўзбек, 1929 йилдан ВКП (б) аъзоси, Ўрта Осиё ҳарбий округи 41-ГКП ярим эскадрон 19-отлик кавалерияси лейтенанти, 1937 йил 17 сентябрда ҳибсга олинган. СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси 10 октябрда отувга ҳукм қилган, ҳукм шу куниёқ Тошкентда ижро этилган.

9. **Анискевич Павел Павлович** – 1896 йили туғилган, 1936 йил 26 февралдан Ўзбекистон ССР Давлат хавфсизлиги лейтенанти, Ўзбекистон ССР НКВД Давлат хавфсизлиги бошқармаси 6-бўлим ходими, 1938 йил 17 февралда ишдан бўшатишган, 1938 йил 9 октябрда СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси томонидан олий жазога ҳукм қилинган, ҳукм шу куниёқ ижро этилган.

10. **Атаев Сулаймон** – 1904 йили туғилган, миллати ўзбек, 1925 йилдан ВКП (б) аъзоси, катта сиёсий инструктор, Ўрта Осиё ҳарбий округи 19-отлик қўшини сиёсий бўлими инструктори. 1937 йил 24 сентябрда ҳибсга олинган, 1938 йил 10 октябрда СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси томонидан олий жазога ҳукм қилинган, ҳукм шу куниёқ ижро этилган.

11. **Бекимбетов Утениёз** – 1897 йили Россия империясининг Туркистон генерал-губернаторлиги Сирдарё области Чимбой райони Кўкузьяк волостининг 2-сонли қишлоғида оддий деҳқон оиласида туғилган, миллати қорақалпоқ, 1919 йили Тўрткўлда 1,5 ойлик қисқа муддатли партия курсларини, 3 ойлик партия курсларини, 1928 йилда Ленинграддаги СССР Молия халқ комиссарлиги ҳузуридаги 10 ойлик молия

курсларини тамомлаган. 1919 йилдан Коммунистик партия аъзоси 1912 – 1917 йилларда бойларда қора ишчи, мактабда қоровул, «Генерал Самсонов» пароходида денгизчи, Чоржўй темир йўл почтасида юк кўтарувчи бўлиб ишлаган, 1917 – 1918 йилларда Тошкент шаҳрида почтачи-ташувчи бўлиб фаолият юритган, Хива хонига қарши Хивадаги қизил гвардия отряди таркибида Ашхобод frontiда хизмат қилган, 1919 – 1921 йилларда Хивада Умумхоразм қурултойи (Советлар съезди)ни тайёрлаш бўйича курсларда ўқиган, Сирдарё область комитети инструктори бўлиб ишлаган, 1921 – 1923 йилларда курсларда ўқиган, шунингдек, Чимбой волостининг волость инспектори, Чимбой ишчи-деҳқон инспекцияси мудирини, Чимбой районида ирригация ишларини олиб боришга ваколатли ходими, Чимбой райони милиция бошлиғи, Амударё области ер бошқармаси бошлиғи, Чимбой сув хўжалиги бошлиғи ёрдамчиси, Чимбой ўрмон хўжалиги бошлиғи, область инқилобий қўмитаси аъзоси, область ўрмон хўжалиги бошқармаси бошлиғи лавозимларида ишлаган. 1924 – 1925 йилларда Ўрта Осиё чегаралаш қўмитасида Қорақалпоғистон области вакили бўлган. 1925 – 1927 йилларда Қозоғистон Марказий сайлов комитети раиси ўринбосарлигига тайинланган. 1927 йил май – июль ойларида Қорақалпоғистон мухтор области область молия бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, 1928 йил июлидан Қорақалпоғистон мухтор области область молия бошқармаси бошлиғининг ёрдамчиси сифатида фаолият юритган. Қорақалпоқ мухтор области советларининг 1-таъсис қурултойи, 5 – 6-Умумқозоқ советлари қурултойлари делегати, Тўрткўл уезд шаҳар комитети аъзоси, Қорақалпоғистон АССР Қорақалпоғистон область совети аъзоси этиб сайланган. ВКП (б) область партия комитетининг тафтиш комиссияси аъзоси бўлган. 1938 йил 13 октябрда СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси томонидан олий жазога ҳукм қилинган, ҳукм шу куниёқ ижро этилган.

12. **Билик Давид Рувимович** – 1898 йилда Херсон губернияси Вознесенск шаҳрида туғилган, иш жойи – полк комиссари, Тошкент ҳарбий-сиёсий билим юрти сиёсий бўлими мудирини бўлиб ишлаган, 1937 йил соат 22:06 да ҳибсга



олинган. 1938 йил 9 октябрда СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси томонидан олий жазога ҳукм қилинган, ҳукм шу куниёқ ижро этилган.

13. **Борнуковский Алексей Михайлович** – 1901 йилда Горький области Бутурлинский райони Кочуново посёлкасида туғилган, миллати рус, Ўрта Осиё ҳарбий округи 42-сонли ҳарбий омбори бошлиғи, 1920 йилдан қизил армияда хизмат қилган, 1937 йил 6 июлда қамоққа олинган, ЎзССР Жиноят кодексининг 57-2-, 63-, 64-, 67-моддалари билан айбланган, СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси томонидан 1938 йил 9 октябрда отувга ҳукм қилинган, ҳукм ўша куни Тошкентда ижро этилган.

14. **Бутман Матвей Львович** – 1898 йили туғилган, миллати яҳудий, 1918 йилдан ВКП (б) аъзоси, Ўрта Осиё ҳарбий округи штаби 3-бўлим бошлиғи, майор, 1937 йил 7 апрелда қамоққа олинган, 1938 йил 9 октябрда СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси отувга ҳукм қилган, ҳукм ўша куни Тошкентда ижро этилган. 1957 йил 19 мартда реабилитация қилинган.

15. **Гринев (Гринь) Александр (унинг ўзи Фома) Корнеевич** – 1898 йили туғилган, миллати рус, 1921 йилдан ВКП (б) аъзоси, сиёсий раҳбар, Ўрта Осиё ҳарбий округи 204-сон танк батальони бўлимининг сиёсий раҳбари, 1938 йил 8 октябрда СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси сайёр сессияси отувга ҳукм қилган, ҳукм ўша куни Тошкентда ижро этилган.

16. **Губанов Михаил Иванович** – Ўрта Осиё ҳарбий округи артиллерия таъминот қисми бўйича инспектор, 3-рангдаги интендант, 1-рангли ҳарбий техник, қатағон қилинган.

Манба: Чураков Д. Репрессированные военнослужащие Красной Армии.

17. **Ҳусейнов Ҳусаин Расулевич** – унвони: 1936 йил 23 февралда Ўзбекистон ССР Давлат хавфсизлиги сержанти, Ўзбекистон ССР НКВД Давлат хавфсизлик бошқармаси Самарқанд сектори ходими, 1938 йил 8 майда ишдан бўшатирилган. 1938 йил 9 октябрида СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси отувга ҳукм қилган, ҳукм ўша куни ижро этилган.

18. **Элгузеров Суянтуй** – 1900 йили туғилган, 1933 йили Қорақалпоғистон марказий совет-партия мактаби директори, 1934 йили ВКП

(б) Мўйноқ район партия комитетининг 1-котиби, 1938 йил октябрида 2-категория бўйича 15 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган.

19. **Жанколя Николай Николаевич** – 1902 йили туғилган, 1920 йилдан ВКП (б) аъзоси, Ўрта Осиё ҳарбий округи артиллерияси бошлиғи, 1936 – 1937 йилларда Ишчи-деҳқон қизил армияси ҳарбий академияси бош штабининг тингловчиси, 1938 йил 28 январда қамоққа олинган, 1938 йил 9 октябрда СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси олий жазога ҳукм қилган, ҳукм шу куниёқ ижро этилган, 1957 йил 13 мартда реабилитация қилинган.

20. **Зузанов Николай Иванович** – 1900 йили туғилган, майор, Ўрта Осиё ҳарбий округи артиллерия бўлимининг мобиллашган қўшинлари бошлиғи, 1937 йил 15 июлда қамоққа олинган, 1939 йил 8 октябрда айбланувчининг тўсатдан вафот этиши оқибатида унинг жиноий иши тўхтатилган.

21. **Ибриаминов Миндихўжа** – 1898 йили туғилган, 1921 йил 23 майдан 1921 йил 7 ноябргача Хоразм Республикаси Халқ нозирлари кенгаши раиси, 1938 йил 13 октябрда СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси олий жазога ҳукм қилган, ҳукм шу куниёқ ижро этилган.

22. **Исмоилов Зухур Искандерович** – Ўзбекистон ССР НКВД Давлат хавфсизлиги Уйчи район бўлими масъул ходими, давлат хавфсизлиги сержанти, 1938 йил 9 октябрда СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси олий жазога ҳукм қилган, ҳукм шу куниёқ ижро этилган.

23. **Кореев Александр Иванович** – 1899 йили туғилган, 1920 йилдан бошлаб ВКП (б) аъзоси, Ўрта Осиё ҳарбий округининг 42-ҳарбий омбори раҳбарининг сиёсий қисми ёрдамчиси, 1937 йил 15 июлда қамоққа олинган, 1938 йил 9 октябрда СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси олий жазога ҳукм қилган, ҳукм шу куниёқ ижро этилган.

24. **Қодиров Мажид** – 1886 йили туғилган, Ўрта Осиё давлат университетининг ишчи факультети декани, 1938 йил 2 апрелда қамоққа олинган, 1938 йил 5 октябрда СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси олий жазога ҳукм қилган, аммо айбланувчи бир кун аввал, яъни 1938 йил 4 октябрда отилган. 1958 йил 13 февралда реабилитация қилинган.



25. **Косинский Станислав Генрихович** – 1899 йили Саратов губернияси Михайловка қишлоғида туғилган, Харьковдаги Плеханов институтини тамомлаган, Ўзбекистон ССР Фарғона области Каганович районидаги «Чорсу» олтингургут конининг бош механиги, 1937 йил 1 январда СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси сайёр сессияси 145-модда билан 7 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, 1938 йил 20 июнда иш қайта кўриб чиқиш учун юборилган, 1938 йил 7 октябрда СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси 62-, 63-, 64-, 65-, 67-моддалар билан айб-лаб, олий жазога ҳукм қилган, ҳукм шу куниеқ ижро этилган. 1957 йил 26 декабрда реабилитация қилинган.



26. **Круковский Юрий-Георгий Михайлович** – 1901 йили ёзувчи, саёҳатчи Михаил Антонович Круковский оиласида туғилган, Ўзбекистонда машҳур ёзувчи, шоир, драматург бўлган, қатағон қилинган, 1938 йил 8 октябрда СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси олий жазога ҳукм қилган, ҳукм шу куниеқ ижро этилган.

27. **Қудабоев Абу Ержонович** – 1899 йилда Сирдарё области Перовский уезди 4-сон овулида туғилган, 1918 йилдан РКП (б) аъзоси, 1924 йил 17 октябрдан 1925 йил 12 февралгача Қорақалпоқ муваққат инқилобий комитети раиси, 1925 йил 2 апрелда Қорақалпоқ автоном областининг область кенгаши раиси, 1925 йил 4 октябрда Қорақалпоқ автоном области ташкилий бюроси масъул котиби, 1925 йил октябрдан 1927 йилгача РКП (б) – ВКП (б) Қорақалпоқ автоном области комитети масъул котиби лавозимларида ишлаган. 1938 йил 13 октябрда СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси олий жазога ҳукм қилган, ҳукм шу куниеқ ижро этилган.

28. **Куленев Айналхат** – 1906 йил 19 январда Қозоғистоннинг Павлодар области Баёновул райони ҳудудида туғилган, миллати қозоқ, 4 йил Баёновул етти йиллик мактабида ва 1 йил

Павлодар шаҳри 2-босқич мактабида таҳсил олган, 1928 – 1930 йилларда Тошкентдаги Ўрта Осиё коммунистик университетини, 1930 – 1932 йилларда шу даргоҳнинг аспирантурасини тамомлаган, 1925 йил февраль – сентябрь ойларида Павлодар шаҳри ЛКСМ марказий ячейкаси масъул котиби, 1925 – 1926 йилларда Семипалатинск губернияси Каттанорим шаҳар комитети ЛКСМ масъул котиби, 1926 – 1928 йилларда Зайсан шаҳар комитети ЛКСМ масъул котиби, Ўрта Осиё коммунистик университетида ўқиш билан бирга шу даргоҳ партия комитети котиби лавозимларида ишлаган, 1932 йил сентябрь – ноябрь ойларида Москва шаҳридаги Қизил профессорлар институти тингловчиси бўлган, аммо ўқишни тамомламаган, 1932 – 1933 йилларда ВКП (б) МК Ўрта Осиё бюросининг халқ таълими ва миллий озчиликлар сектори мудири. 1933 йилдан Ўзбекистон Компартияси Қорақалпоқ область комитети маданият ва ташвиқот бўлими мудири. 1938 йил 13 октябрда СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси олий жазога ҳукм қилган, ҳукм шу куниеқ ижро этилган.

29. **Мажитов Сейфулғабит** – миллати татар, атоқли қорақалпоқ шоири-педагоги Сейфулғабит Мажитов 1865 йили Қўнғирот областининг Машанкўл қишлоғида туғилган. 1881 йилда оиласи билан Оролбўйига кўчиб ўтгандан сўнг у волость губернаторида хизматчи бўлиб ишлайди. Шоир минтақада таълим даражаси пастлигини сезиб, «Волость ҳокимиятига» (1907) номли шеър-хабар ёзиб, Чимбойда волость мактаби очишни талаб қилади. У ўзининг инқилобдан олдинги педагогик қарашларида жадид мактаблари тармоғини кенг ёйишнинг ашаддий ишқибози сифатида ҳаракат қилган. Халқни маърифатли қилиш ҳақида шундай ёзган: «Бугун энг осон йўл ўша жадидчиликдир». Унинг фикрича, халқни саводхонликка ўргатиш область ҳукмдорининг масъулияти бўлган. 1921 – 1924 йилларда Қўнғирот





райони маориф бўлими бошлиғи бўлиб ишлаб, мактаблар очилишида фаол иштирок этади. Қорақалпоқ автоном области ташкил этилгандан сўнг Тошкентда К.Авезов раҳбарлигида ислоҳ қилинган араб алифбоси асосида илк «Алипбе», «Оқыу китоби», «Егеделер саўати» («Катталар учун савод», 1925) дарсликларини тузди. С.Мажитов «Алифбе»ни ўқитиш методикаси ҳақида ёзган биринчи тилшунос олим бўлиб, биринчи марта қорақалпоқ тилининг фонетик, лексик, морфологик ва синтактик хусусиятларини назарий жиҳатдан ўрганган. 1929 йилдан мактабларда лотин ёзувида ёзилган дарсликлардан фойдаланила бошланди. Лотин ёзувига асосланган «Қорақалпоқ асари» (Тўрткўл, 1929), «Қорақалпоқ тили дарси» (1930), «Қорақалпоқ областидаги мактабларнинг саводсизликни бартараф этиш дастури» (М., 1931), «Қорақалпоқ тили грамматикаси» (М., 1932) каби ўқув қўлланмалари ва дастурларини яратишда бой илмий-педагогик тажрибага эга бўлган С.Мажитов иштирок этган ва унга раҳбарлик қилган. Бундан ташқари, «Суюн ва Сора», «Қулмурот», «Ўн тўққиз», «Бағдагул» номли роман ва пьесалари нашр этилади. Филолог-методист, кўплаб дарсликлар, педагогик-маърифий йўналишдаги илмий асарлар муаллифи, ёрқин шоир, ёзувчи ва драматург, атоқли жамоат арбоби С.Мажитов 1937 йил 20 сентябрда қамоққа олинади, жиноят иши СССР Олий суди Ҳарбий коллегиясида кўрилишига қадар қамоқда вафот этган. Мазкур маълумотлар «Сталинские расстрельные списки» маълумотлар базасидан олинди. Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими ва фан арбоби Шариф Бобошев узоқ йиллар давомида Совет империяси даврида қатағон қилинган қорақалпоқ халқининг ажойиб фарзандлари фожиали тақдири ҳақида жуда катта ишларни амалга оширган. Қорақалпоқ давлат университети тузилмасидаги Қатағон қурбонлари хотираси музейи директори, тарих фанлари номзоди, доцент Алишер Кудияровдан марҳум Шарип Бабашевнинг **«Қарақалпақстан Республикаси тарихидаги сийасий қурбанлар»** номли китобини электрон почта орқали олдик. Бу асарда архив мате-

риаллари асосида Мажитов Сейфулгобитнинг ҳаёти ва фожиали тақдири ҳақида батафсил маълумот келтирилгани шоҳиди бўлди. Қорақалпоғистон давлат университети тузилмасидаги Қатағон қурбонлари хотираси музейи директори, тарих фанлари номзоди, доцент Алишер Кудияров **«Айби нелигини билмай кетганлар»** номли мақоласида ҳам Мажитов Сейфулғабит ҳақида тўхталиб ўтган (**Янги Ўзбекистон. 2021 йил 31 август сони**).

30. **Маҳмудхўжаев Нуриддин** – Ўзбекистон ССР Давлат план комитетининг раиси, Москвадаги Планлаштириш академиясининг тингловчиси, 1937 йил 21 ноябрда ҳибсга олинган, 1938 йил 4 октябрда СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси олий жазога ҳукм қилган, ҳукм шу куниеқ ижро этилган. 1960 йил 23 сентябрда реабилитация қилинган.

31. **Меркулов Дмитрий Васильевич** – 1888 йилда туғилган, миллати рус, 1920 йилдан ВКП (б) аъзоси, Ўзбекистон ССР Осоавиахим марказий совети раиси, 1936 йил 31 майда комбриг унвонига эга бўлган, 1935 йил 23 февралда «Қизил юлдуз» ордени билан тақдирланган, 1938 йил 10 октябрда СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси олий жазога ҳукм қилган, ҳукм шу куниеқ ижро этилган.

32. **Мусаев Давлат** – 1901 йили деҳқон оила-сида туғилган, миллати қорақалпоқ, 1925 йилдан Коммунистик партия аъзоси, 1928 йил 22 июлгача Қорақалпоқ области ижроия комитетида катта милиционер, ВКП (б) округ партия комитети инструктори, Қорақалпоқ область халқ таълими бўлими мудири, 1928 йил 22 июндан Қозоғистон ССР Қорақалпоқ области Чимбой райони ижроия комитети раиси, 1938 йил 13 октябрда СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси олий жазога ҳукм қилган, ҳукм шу куниеқ ижро этилган.

33. **Муфтазидиев Агат** – 1907 йилда туғилган, катта лейтенант, взвод командири, Ўрта Осиё ҳарбий округи тоғли-отлик дивизия полк мактаби командири, 1938 йил 23 мартда қамоққа олинган, 1938 йил 10 октябрда СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси олий жазога ҳукм қилган, ҳукм шу куниеқ Тошкентда ижро этилган.

34. **Муҳитдинов Ҳусайн Акмалидинович** – 1891 йили туғилган, миллати татар, Осоавиахим



марказий совети дегазацион отряди бошқармаси бошлиғи, майор, 1938 йил 25 январда қамоққа олинган, 1938 йил 10 октябрда СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси олий жазога ҳукм қилган, ҳукм шу куниёқ Тошкентда ижро этилган.

35. **Нурмухамедов Коптлеу** – 1903 йили Сирдарё области Соролский волостида туғилган, 1924 йили Хива ўқитувчилар курсини тугатган, шу йили Қорақалпоқ автоном области Қўнғирот интернатида ўқитувчи, 1929 йил мартдан 1932 йил 25 майгача Қорақалпоқ автоном области совети ижроия комитети раиси, 1932 йил 30 майдан 1933 йилгача Қорақалпоқ АССР Марказий сайлов комитети раиси, 1937 йил 20 сентябрда қўлга олинади, 1938 йил 13 октябрда СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси олий жазога ҳукм қилган, ҳукм шу куниёқ ижро этилган.

36. **Новокресченев Александр Степанович** – 1896 йил 20 октябрда туғилган, Оренбург казак қўшинлари полковнигининг фарзанди, 1916 йили Оренбург қўмондонлар билим юртини тамомлаган, ҳарбий унвони прапоршик, 1916 йили Хива ва Еттисувга юришда иштирок этган, большевикларга қарши 1-шарқ полки таркибида кураш олиб борган. 1938 йил 7 октябрда СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси олий жазога ҳукм қилган, ҳукм шу куниёқ ижро этилган.

37. **Плетнев Евгений Павлович** – батальон комиссари, Ўрта Осиё ҳарбий округи газетаси – «Фрунзевец» таҳририяти инструктори, 1938 йил 8 октябрда СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси олий жазога ҳукм қилган, ҳукм шу куниёқ Тошкентда ижро этилган.

38. **Прупис Лев Абрамович** – 1901 йили туғилган, миллати яҳудий, 2-ранг ҳарбий инженер, Ўрта Осиё ҳарбий округи штаби 3-бўлим бошлиғи ўринбосари, 1938 йил 10 октябрда СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси олий жазога ҳукм қилган, ҳукм шу куниёқ Тошкентда ижро этилган.

39. **Радзивилов Федор Павлович** – 1936 йил 23 февралдан Ўзбекистон ССР Давлат хавфсизлиги кичик лейтенанти, НКВД Тошкент темирўйли масъул ўринбосари, 1937 йил 10 декабрда ишдан бўшатишган, 1938 йил 9 октябрда СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси олий жазога ҳукм қилган, ҳукм шу куниёқ Тошкентда ижро этилган.

40. **Разумовский Вениамин Натанович** – 1904 йилда туғилган, миллати яҳудий, ВКП (б) аъзоси, Ўрта Осиё ҳарбий округининг разведка бўлими бошлиғи ўринбосари, 1938 йил 10 октябрда СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси олий жазога ҳукм қилган, ҳукм шу куниёқ Тошкентда ижро этилган.

41. **Раҳимбоев Раҳмат** – 1935 – 1936 йилларда ВКП (б) район комитети 1-секретари. 1938 йил 15 октябрда СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси олий жазога ҳукм қилган, ҳукм шу куниёқ Тошкентда ижро этилган.

42. **Регурецкий Иван Михайлович** – 1898 йили туғилган, 1929 йилдан буён ВКП (б) аъзоси, 1-даражали техник-интендант, Ўрта Осиё ҳарбий округи 42-сонли ҳарбий омбор раҳбари, 1937 йил 5 июлда қамоққа олинган, 1938 йил 9 октябрда СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси олий жазога ҳукм қилган, ҳукм шу куниёқ Тошкентда ижро этилган.

43. **Рўзиев Убайдулла Убайдуллаевич** – 1900 йили Верний шаҳрида туғилган, ўзини ўзбек деб атаган, отаси самарқандлик тожик, пудратчи ва боғбон бўлиб ишлаган, отаси оиласидан 1903 йил атрофида кетиб қолган, онаси тикувчи, оилада 4 акаси бўлган, 1915 йилда бошланғич мусулмон мактабини тамомлаган, турк-татар маърифат институтининг 2 синфини ҳамда 1921 йилда Тимирязев номидаги Тошкент маърифат институтини тамомлаган, 1921 йилдан ЛКСМ аъзоси, 1923 йил 1 майдан Компартия аъзоси, 1923 йил сентябридан Самарқанд ЛКСМ область комитети инструктори, 1924 йил июнь – ноябрь ойларида Бухоро Халқ Совет Республикаси Коммунистик ёшлар союзи Марказий Комитети масъул котиби, 1924 – 1925 йилларда ЎзССР ЛКСМ МК ташкилий бюроси иқтисодий-ҳуқуқий бўлими мудирлари, 1925 йил 22 апрелдан июлигача ЎзССР Компартияси МК тарғибот ва ташвиқот бўлими мудирлари ўринбосари, 1925 йил 12 сентябрдан 27 сентябргача Қашқадарё область партия комитети биринчи секретари, 1927 – 1928 йилларда Қашқадарё шаҳар партия комитети биринчи секретари, 1928 йил 4 майдан «Ўзбекбирлашув» истеъмол кооперацияси бошқармаси раиси, 1934 йил июнидан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети қошидаги



Коммунистик қишлоқ хўжалиги институти ректори, 1934 йил 2 июндан ЎзССР маърифат ишлари халқ комиссари лавозимларида фаолият юритган, 1938 йил 14 октябрда СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси олий жазога ҳукм қилган, ҳукм шу кунидек Тошкентда ижро этилган.

44. **Саидрасулов Бадриддин** – 1898 йил 18 мартда ҳозирги Қорақалпоғистоннинг Қораўзак районида туғилган, миллати қорақалпоқ, камбағал деҳқон оиласидан, 1916 – 1917 йилларда мактабда ўқиган, Хивада 2 йиллик мактабни битирган, Хивадаги ўқитувчилар курсида, Тошкент шаҳридаги Ўрта Осиё коммунистик университетида ҳамда Ўрта Осиё олий қишлоқ хўжалиги мактабида ўқиган, 1922 йилдан партия аъзоси, 1909 – 1916 йилларда Чимбой районида бойлар қўлида подачи бўлган, 1920 йил 24 мартдан 1921 йил 26 февралгача Хоразмда мактаб-интернат ўқитувчиси, 1921 йил 26 февралдан 1922 йил 15 сентябргача Хоразм Халқ Совет Республикаси революцион трибунал терговчиси, 1922 – 1923 йилларда Хоразм Компартияси Марказий Комитети контрол комиссияси масъул котиби, 1923 – 1924 йилларда Хоразм Компартияси Марказий Комитети контрол комиссияси раиси ўринбосари, 1924 йил 12 февралдан Хоразм Халқ Совет Республикаси Хўжайли ревкоми раиси, 1925 – 1927 йилларда Хўжайли округ партия комитети масъул котиби, 1927 – 1928 йилларда Қорақалпоқ область партия комитети партколлегияси раиси, 1931 – 1932 йилларда Чимбой район контрол комиссияси ишчи-деҳқон инспекцияси раиси, 1927 – 1932 йилларда Қорақалпоғистон Марказий Ижроия Комитети аъзоси, 1938 йил 13 октябрда СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси олий жазога ҳукм қилган, ҳукм шу кунидек ижро этилган.

45. **Салимов Иброҳим Салимович** – 1903 йили Самарқанд областида туғилган, 1921 йилдан партия аъзоси, 1935 йил 5 декабрдан Давлат хавфсизлик комитети катта лейтенанти, СССР НКВД Давлат хавфсизлик бошқармаси 3-бўлим 4-шуъбаси бошлиғи ёрдамчиси, 1937 йил 28 октябрда қамоққа олинган, 1938 йил 9 октябрда СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси олий жазога ҳукм қилган, ҳукм шу кунидек ижро этилган.

46. **Самоделкин Николай Иванович** – 1904 йили туғилган, 3-даражали ҳарбий инженер,

Ўрта Осиё ҳарбий округи 42-сонли ҳарбий склад бошлиғи ёрдамчиси, 1937 йил 5 июлда қамоққа олинган, 1938 йил 9 октябрда СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси олий жазога ҳукм қилган, ҳукм шу кунидек ижро этилган.

Манба: Чураков Д. Репрессированные военнослужащие Красной Армии.

47. **Смехов Николай Прокопьевич** – 1893 йилда Перм губернияси Верхотурск уезди Надеждинск посёлкасида туғилган, миллати рус, Ўзбекистон ССР Тошкент шаҳри авиациячилар шаҳарчасида яшаган, Ўрта Осиё ҳарбий округи ҳарбий-ҳаво кучларида хизмат қилган, техник таъминот раҳбари, 1938 йил 19 январда қамоққа олинган, 1938 йил 15 октябрда СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси олий жазога ҳукм қилган, ҳукм шу кунидек ижро этилган.

48. **Сперанский Григорий Петрович** – 1929 йили Туркманистон Компартияси Марказий Комитети томонидан «Троцкизмга қарши курашга пассив муносабатда бўлган»ликда айбланган, 1936 йилда Ўрта Осиё ҳарбий округи партия комиссияси томонидан «дарс ўтишда Каменевнинг хатоларини инобатга олмаганлик»да айбланган, 1936 йилдан Тошкент ирригация ва механизация институтида қишлоқ хўжалиги ўқитувчиси бўлган, 1938 йилда СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси 2-категория бўйича 10 йилга озодликдан маҳрум қилган.

49. **Стародубцев Константин Павлович** – 1896 йилда Еттисув уезди Пишпак шаҳрида туғилган, миллати рус, маълумоти ҳарбий ўрта махсус, Олма-ота областида яшаган, оқ армияда ясовул бўлган, қизил армияда хизмат қилган, 1921 йил 26 октябрда Туркистон фронтининг Хитой чегара қўшинлари томонидан қамоққа олинган, Туркистон fronti инқилобий трибунали томонидан 5 йил озодликдан маҳрум қилинган, 1938 йил 8 октябрда СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси олий жазога ҳукм қилган, ҳукм шу кунидек ижро этилган.

50. **Толибов Комилжон** – 1910 йилда туғилган, ўзбек, Ўрта Осиё ҳарбий округи 19-тоғ кавалерияси дивизиясининг командири ёрдамчиси, 1937 йил 4 октябрда қамоққа олинган, 1938 йил 10 октябрда СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси олий жазога ҳукм қилган, ҳукм шу кунидек ижро этилган.



51. **Тураев Примбет** – 1904 йилда деҳқон оиласида туғилган, миллати қорақалпоқ, маълумоти қуйи, 1927 йилдан Коммунистик партия аъзоси, 1927 – 1928 йилларда Қорақалпоқ область партия комитетининг ВЛКСМ ячейкаси масъул котиби, болалар уйи мудир, ВКП (б) округ касаба уюшмаси раҳбари, 1928 йил 22 июлдан Қорақалпоқ АССР Тахтакўпир райони ижроия комитети раиси, 1938 йил 13 октябрда СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси олий жазога ҳукм қилган, ҳукм шу кунгёқ ижро этилган.

52. **Умаралиев Акбар Ҳайдарович** – 1902 йилда туғилган, 1926 йилдан ВКП (б) аъзоси, Ўрта Осиё ҳарбий округи 19-механик дивизионининг сиёсий раҳбари, 1937 йил 22 октябрда қамоққа олинган, 1938 йил 10 октябрда СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси олий жазога ҳукм қилган, ҳукм шу кунгёқ Тошкентда ижро этилган.

53. **Усмонов Жўра** – 1907 йилда Конибодом районида туғилган, тарихчи ва журналист, 1931 йилда Тошкент ва Самарқанд шаҳарларидаги маърифат институтларини тамомлаган, 1933 йилгача партия ишчиси, «Конибодом большевиклари» газетасида бўлим бошлиғи, «Барои роҳи Сталин» газетаси муҳаррири, «Қизил Тожикистон» ва «Тожикистони Совети» газетаси ходими, СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси томонидан қатагон қилинган, 1974 йил 7 апрелда вафот этган.

54. **Фаткулин Тоҳир Муҳаммаджонович** – 1893 йилда туғилган, 1917 йилдан партия аъзоси, охирги иш жойи – Самарқанд агроҳўжалик институти директори, 1937 йилда қамоққа олинган, СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси томонидан 1938 йил октябрида 2-категория бўйича 10 йилга озодликдан маҳрум қилинган.

55. **Ҳабибий Аҳмад Исломович** – Ленин номидаги Тошкент ҳарбий билим юртида ўқитувчи бўлган, 1937 йил 2 майда қамоққа олинган, СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси сайёр сессияси томонидан 1938 йил 9 октябрда Жиноят кодексининг 14-, 64-, 66-, 67-моддалари билан 10 йил озодликдан маҳрум қилиш, 5 йил барча ҳуқуқлардан маҳрум қилиш ва мол-мулкани мусодара этиш жазоларига ҳукм қилинган.

56. **Ҳамрабоев Али** – 1897 йилда туғилган, 1924 – 1927 йилларда ВКП (б) партия аъзолигига номзод, 3 йил мактабда ўқиган, 20 ёшидан Совет савдо ходимларининг уюшмаси аъзоси, 21 ёшидан 8 йил ёлланма буғдой экиш билан шуғулланган, 1920 – 1922 йилларда Эски Бухоро район давлат идорасида катта назоратчи, 1924 – 1925 йилларда Бухоро шаҳар ижроқўми раиси ўринбосари, 1925 – 1926 йилларда Қашқадарё уезд ижроқўми раиси ўринбосари вазифаларида хизмат қилган, 1926 – 1927 йилларда Ўзбекистон ССР Зарафшон области ер бошқармаси мудир лавозимида ишлаган, 1938 йил 14 октябрда СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси олий жазога ҳукм қилган, ҳукм шу кунгёқ ижро этилган.

57. **Ҳасанов Иноғом** – 1931 йил апрелидан Андижон шаҳар партия комитетининг биринчи секретари, 1938 йил 15 октябрда СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси олий жазога ҳукм қилган, ҳукм шу кунгёқ ижро этилган.

58. **Чепрунов Борис Васильевич** – 1890 йилда Янги Урганчда туғилган, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзоси, 1931 йилда «Иштанская буча», «Мраудин Мирза», «Золотая паутина», «Хорезмские рассказы», «Два мальчика» ҳикоялари, «Джунаид-хан», «Колонизаторы» романи муаллифи. 1938 йил 8 октябрда СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси олий жазога ҳукм қилган, ҳукм шу кунгёқ ижро этилган.

59. **Шарипов Камол Нуриддинович** – 1905 йилда Самарқанднинг Юқори Дарғом ҳудудида туғилган, миллати ўзбек, отаси кустар-этикчи, 1916 йилда Самарқанддаги мактабни тамомлаган, 1922 йилдан ВЛКСМ аъзоси, 1927 йилдан партия аъзоси, 1917 йилдан 1926 йилгача Самарқанд ва Бухорода ўзбек тили типографиясида матн терувчи бўлиб ишлаган, партия мактабига раҳбарлик қилган, «Ёш ленинчи» газетаси ходими, 1926 – 1929 йилларда Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг Тарғибот, ташвиқот ва нашр бўлими мудир, 1929 – 1931 йилларда Ўзбекистон ЛКСМ биринчи секретари, 1931 – 1934 йилларда Ўзбекистон ЛКСМ бош котиби, 1938 йил 4 октябрда СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси олий жазога ҳукм қилган, ҳукм шу кунгёқ ижро этилган.

*Давоми келгуси сонларда...*



# ҚАТАҒОН ҚУРБОНИНИНГ НАБИРАСИ АНДИЖОНДА

А.Маҳкамов, Ж.Аббасов,  
АндДУ магистрлари

Шу йилнинг 9 февраль куни тушликдан музейга қайтганимизда музей залларидан бирида нотаниш 3-4 киши айланиб юрган экан. Шунда Р.Т.Шамсутдинов уларнинг кимлигини билиш мақсадида ўз хонасига таклиф қилди. Бу меҳмонлар Қозоғистоннинг Олма-ота шаҳридан эканликларини айтишиб, қатағон йилларида Андижонда хизмат қилган ва қатағон қилинган Жалил Баратов ҳақида маълумотлар истаб келганларини айтишди. Меҳмонлардан бири Фаридахон ўзининг Жалил Баратовнинг набираси экани ва ёнидаги турмуш ўртоғи Тоҳир Баратов Жалил Баратовнинг акаси Мурсулнинг ўғли эканини маълум қилди. Фарида ва Тоҳирлар бобоси Жалил Баратовнинг Андижондаги ҳаёти ва фаолияти, қандай қатағон қилингани, унинг хоки қаердалигини билиш мақсадида узоқ йиллардан бери қидириш ишларини олиб бораётганларини, айтишди. Шунда домламиз китоб жавонидан 2001 йили Тошкентда нашр этилган мана бу китобни меҳмонларга кўрсатди. Китобнинг 406 – 414-бетлари Жалил Баратов (1905 – 1938)нинг ҳаёт йўли ва аянчли, фожиали тақдирига бағишланганини кўрган меҳмонлар кучли ҳаяжонга тушди. Домла эринмасдан Жалил Баратовнинг ҳаёти ҳа-



қидаги махфий архивлардан мисқоллаб тўплаган ҳужжат ва материалларни келтириб, бу қатағон қурбони ҳақидаги бор ҳақиқатни шахсан ўзи ўқиб берди.

Жалил Баратовнинг набираси Фаридахон ва турмуш ўртоғи Тоҳиржон китобни бошидан-охиригача варақлаб, боболари ҳақидаги мақолани ўқиб чиқдилар. Айниқса, китобда битилган қуйидаги сатрлар уларни ҳаяжонга солди:


Мудҳиш 1937 – 1938 йиллардаги «Катта террор»нинг кескир тиғи бошқа халқлар қатори уйғур халқи вакилла-

рига ҳам қадалган эди. Советларга қарши аксилинқилобий, миллатчи ташкилотга аъзо бўлганлик ва унинг қўпоровчилик фаолиятида қатнашганлик каби тўқима «жиноят иш»лари билан уйғур зиёлилари ҳам қатағон домига тортилган. 1937 йил сентябридан 1938 йил февралигача қадар ЎзССР НКВД Давлат хавфсизлик бошқармаси томонидан уйғур миллатига мансуб 76 киши қамоққа олинган. Андижон шаҳрининг ўзидан 1937 йил июль – октябрь ойларида 28 нафар зиёли, 1937 йил октябридан 1938 йил 1 майга қадар 42 киши партиядан ўчирилиб, улардан 16 киши халқ душмани сифатида қатағон қилинди. Улардан бири 1937 йил март ойидан Андижон кечки педагогика институтининг ректори бўлиб ишлаган 32 ёшли Жалил Бара-



тов эди. У 1905 йили ҳозирги Қозоғистоннинг Уйғур тумани Кичик Оқсув қишлоғида таваллуд топган, миллати уйғур, мусулмон мактабида саводини чиқарган. 1937 йил 25 октябрда Андижон шаҳар партия комитетининг бюросида у партия сафидан ўчирилади, 9 ноябрда ЎзССР Халқ маорифи комиссарлигининг буйруғи билан Андижон кечки педагогика институти ректори лавозимидан озод этилади. 27 ноябрда Республика НКВДсининг 3-бўлим тезкор вакили Қосимов Жалил Баратов ишини кўриб, унга уйғурларнинг советларга қарши миллатчи-жосус ташкилотларининг раҳбарларидан, шу ташкилотнинг яширин, аксилинқилобий топшириқларини бажаришда фаолият кўрсатган, бошқалар билан бирга Синцзянда қуролли қўзғолон тайёрлашда қатнашган, ўзининг аксилинқилобий фаолияти билан ҳозирда қамоқда сақланаётган Бурҳон Қосимов, Абдулла Рўзибоқиев билан алоқада бўлган деган айб қўйилган. Айблов хулосаси республика ички ишлар халқ комиссари Апрусян томонидан ўша 27 ноябрь куни тасдиқланган. Жалил Баратовни ҳибсга олиш, тергов қилиш учун республика прокурори 1937 йил 1 декабрда санкция берган. 1937 йил 3 декабрда 8/10-сонли ордерга мувофиқ Жалил Баратов Андижон шаҳар Советская кўчаси 3-уйдан (ҳозирги Ашурали Ҳайдаров кўчаси – Р.Ш.) ҳибсга олинган. Уйи тинтув қилинганда 602 ва-рақли ҳар хил ёзувли материаллар, 9 та сурат,

10050-сонли кичик калибрли милтиқ, 3 та блокнот олинади. Жалил Баратовнинг чўнтагидан 6 сўм 50 тийин чиқади. Оила аъзолари хотини 25 ёшли Нурхон, 4 ёшли ўғли Эркин, 2 ёшли қизи Клара, 3 ойлик ўғли Марат бўлган.



Нурхон Баратова (1914 – 1983) ва  
Жалил Баратов (1905 – 1938)

ЎзССР НКВДси ҳузуридаги «учлик» 1938 йил 3 ноябрида, ҳибсга олингандан роппа-роса 11 ой ўтиб тақдим этилган айблов хулосасига асосланиб Жалил Баратовни отувга ҳукм қилади. Ҳукм 1938 йил 17 ноябрда ижро этилади. Унинг жонсиз танаси кўплар қатори кафансиз, жанозасиз ер остига қўйилади.

Фаридахон бобоси Жалил Баратов ҳақида катта бувиси Нуржондан ва дадаси Арсен Жалиловдан эшитганларини эслай бошлади.



Жалил Баратовнинг набираси Фарида Баратова ва унинг турмуш ўртоғи Тоҳир Баратов  
Р.Т.Шамсутдинов қабулида. 2022 йил 9 февраль



Ўрта Осиё давлат университети, 1932 йил, Нурхон пастки қаторда ўнгдан иккинчи


Унинг айтишича, «Жалил Баратов 1905 йили Олма-ота шаҳри Уйғур районидаги Оқсув қишлоғида туғилган, Оқсув мактабида ўқиган, 15 ёшга тўлгач, отаси Ибдимин Баратов ўзига тўқ оила бўлгани сабабли Жалилни Тошкент шаҳрига олиб келиб, Ўрта Осиё давлат университетига ўқишга жойлаган. У яхши ўқиш билан бирга ёшлар иттифоқида ҳам фаол хизмат қилган.



Эркин Жалилов (1934 – 2011)  
(Жалил Баратовнинг  
тўнғич ўғли)

Бобом қатағон қилинганидан сўнг катта бувим набираси Эркинни, яъни менинг дадамни Чориндаги 8 йиллик мактабда ўқитган, кейин Оқсувдаги интернатда таълим олган. 10-синфни қозоқ тилида аъло баҳоларга битирган, Қишлоқ хўжалиги институтига ўқишга кирган. Абай номли стипендия билан институтни тамомлаган. Катта бувим Нурхон Баратова ўғли ва қизи билан Олма-ота шаҳрига кўчиб келади ва полиграф комбинатида ишлайди. Институтни

тугатгач Эркин Талгар шаҳридаги техникумда ўқитувчилик қилади ва район комсомол комитетида ишлай бошлайди. Тез орада у Қозғистон ёшлар иттифоқи Марказий Комитетида ишлашга тавсия этилади, лекин у бунинкор этади ва Уйғур районига келиб, «Красное знамя» колхозида бош агроном бўлиб фаолият кўрсатади, тез орада шу колхознинг раиси бўлиб ишлайди. Вақтлар ўтиб Уйғур райони ижро комитетида, сўнг район партия комитетида иккинчи котиб бўлиб ишлаган. Дадам рус,



Жалил Баратовнинг ўғиллари Марат (1937 – 2016) ва Эркин (1934 – 2011)



қозоқ ва уйғур тилларини мукаммал билган. Район партия комитетида фаоллик кўрсатиб хизмат қилган Эркин Жалилов ва бошқа бир гуруҳ ходимлар Уралскака жўнатилган. Бу ерда чорва молларини очликдан сақлаб қолиш учун поездларда ем-хашак келтириш ишларига бош-қош бўлган. 1979 йили саломатлиги туфайли Уйғур район касаба уюшмаси ташкилотида ишлаб, оддий меҳнаткашларни, колхозчиларни ва сут соғувчиларни дам олишга жўнатишдек хайрли ва савобли ишлар бошида турган. Бундан ташқари, район газетаси орқали оддий халқ ҳаётини мунтазам ёритиб борган. У ўз фарзандларини ҳалолликка, меҳнатсеварликка, халқ иши учун фидокорона хизмат қилишга, айниқса, ёшларни маънавий, маърифий жиҳатдан тарбиялашга катта эътибор берган. Эркин Жалилов бизларга ғижжак, дутор, рубоб чалишни, ашула айтиш, рақсга тушишни уйғур тилида ўргатган. Биз болалигимиздан опера мусиқасини эшитганмиз, шахмат ўйнаганмиз, китоб ўқиганмиз. Дадам Эркин Жалилов нафақага чиққандан кейин Олма-ота шаҳрида яшаган, бу ерда уйғур марказини бошқарган. Дадам 70 ёшида араб ёзувини ўрганган. Мана, 100 йил ўтгач ўз ташаббусим билан генеологик илдизимни топиш, бу ерда яшаган ва областдаги биринчи олий ўқув юртининг ректори бўлиб фаолият кўрсатган, Андижонда 1937 йили қамоққа олиниб, 1938 йилда отилган бобомнинг

руҳини англаш, сезиш, насл-насабимни билиш учун Андижонга келдим. Музей директори Рустамбек Темирович Шамсутдинов билан бўлган суҳбатимизда бу ажойиб ватанпарвар, етук тарихчи инсоннинг марҳум бобом Жалил Баратовнинг Андижондаги сермазмун фаолиятини эътиборга олиб музей залларида «Қатағон қурбони Жалил Баратов» номли алоҳида стенд қилиниши, дадамнинг номини абадийлаштириш ҳақидаги фикрларини тинглаб қалбим қувончга тўлди. Турмуш ўртоғим Тоҳиржон ҳам менинг қувончимга шерик бўлиб, бизнинг аждодларимиз эл-юрт ғамида заҳмат чекиб ҳурмат-эътибор қозонганидан беҳад хурсанд бўлди».

Эртаси куни Р.Т.Шамсутдинов бу икки азиз меҳмонни Жалил Баратов яшаган Советская номли (ҳозирда Ашурали Ҳайдаров) кўчадаги 3-уйга, Андижон кечки педагогика институти биносига (аввалги Ленин, ҳозирги Истиқлол кўчаси) олиб бориб, эсдалик учун суратга тушдилар. Шу жойда хайрлашув маросими бўлди. Қатағон қурбони Жалил Баратовнинг авлодлари Андижон шаҳрига яна келишларини айтишди, бобосининг ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ ҳужжатлар, материаллар, эсдаликларни топиб, тўплаб, улар асосида алоҳида китоб нашр этиш ҳақида келишиб олинди. Хуллас, Андижон билан Олма-ота шаҳрини боғлаб турувчи янги бир ришта юзага келди.



# ЎРТА ОСИЁ МЕҲНАТ-ТУЗАТУВ ЛАГЕРИДАГИ МАҲБУСЛАР ТАҚДИРИГА ДОИР

Н.Юлдашева, Ж.Аббасов

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 8 октябрдаги Ф-5598-сонли «Қатагон қурбонлари меросини янада чуқур ўрганиш ва улар хотирасини абадийлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармойишида Ватанимиз мустақиллиги, халқимиз озодлиги ва эркинлиги, келажак авлодларнинг тинч ва фаровон ҳаётини таъминлаш йўлида мардона кураш олиб бориб, азиз жонларини фидо қилган, мустабид тузум даврида қатагон қилинган аجدодларимиз хотирасини абадийлаштириш, уларнинг фаолиятини ўрганиш ҳамда тарғиб этиш долзарб вазифа эканлиги белгилаб берилган.<sup>1</sup>

Мазкур мавзу бўйича Ўзбекистонда катта ишлар амалга оширилмоқда. Бироқ қатагон қилинганларнинг ГУЛАГ лагерларидан бири – Ўрта Осиё лагери (Сазлаг)даги маҳбуслар ва уларнинг мислсиз оғир меҳнати, яшаш шароити, фожиали тақдири Ўзбекистон тарихшунослигида яқиндан бери ўрганила бошлади.

Мустақиллик туфайли яратилган кенг имкониятлар туфайли биз – тарихчиларда ушбу машаққатли даврни бошдан кечирган юртдошларимизнинг машғум тақдири ҳақида тадқиқотлар олиб бориш имконияти пайдо бўлди. Ушбу мавзу дастлаб тарих фанлари доктори, профессор Рустамбек Шамсутдиновнинг кўплаб асар ва мақолаларида кенг ёритилган.<sup>2</sup>

<sup>1</sup> <https://lex.uz/docs/5041012>


<sup>2</sup> Шамсутдинов Р.Т. Ўзбекистонда советларнинг қатагон сиёсати ва унинг оқибатлари. – Тошкент: Шарқ, 2012; Шамсутдинов Р., Холмирзаев Э. ГУЛАГ лагерларидаги ўзбек маҳбуслари // Тарихнинг номаълум саҳифалари: илмий мақолалар, ҳужжат ва материаллар, хотиралар. – Тошкент: Ўзбекистон, 2012. – Б.51 – 53; Шамсутдинов Р. 1937 – 1938 йилларда қатагон қилинган ватандошларимизнинг Хотира китоби, Андижон вилояти. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2014; Шамсутдинов Р., Холмирзаев Э. Коллективлаштириш ва “Катта террор” даврида қатагон қилинган ватандошларимизнинг Хотира китоби, Самарқанд вилояти. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2015.

Ушбу мақолада бошқарув идораси Тошкентда жойлашган Ўрта Осиё меҳнат лагери (Сазлаг) ҳақида тўхталиб ўтамиз.

Ўрта Осиё меҳнат-тузатув лагери ва колонияси (Сазлаг) 1935 йил 8 февралгача ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги доимий вакилликка, ОГПУ ГУЛАГига қараган, 1937 йил 21 октябрдан СССР Ички ишлар халқ комиссарлиги ГУЛАГига, сўнг Ўзбекистон ССР Ички ишлар халқ комиссарлиги меҳнат-тузатув лагери ва колонияси (УИТЛК) деб юритилган, 1939 йил 29 июлда Ўрта Осиё меҳнат лагери ЎзССР НКВД колониялари бошқармасига айлантирилган.<sup>3</sup>

Маҳбусларнинг меҳнатидан совхозларда (пахтачиликда), қишлоқ хўжалиги ишларида, пахта заводларига хизмат кўрсатишда, лагернинг ўз корхоналарида, мелиорация ва халқ истеъмолчи моллари ишлаб чиқаришда фойдаланилган. Ҳатто 1930 йилда лагерь маҳбуслари Орол денгизига сув транспорти учун юк ор-

<sup>3</sup> Шамсутдинов Р., Холмирзаев Э. ГУЛАГ лагерларидаги ўзбек маҳбуслари // Тарихнинг номаълум саҳифалари: илмий мақолалар, ҳужжат ва материаллар, хотиралар. – Тошкент: Ўзбекистон, 2012. – Б.51 – 53.



Сазлагдаги маҳбуслардан бир гуруҳи

тиш, тушириш ишларини ҳам амалга оширганлар. Қуйида Сазлагдаги маҳбуслар ва уларнинг ҳаётидан айрим лавҳалар келтирамиз.

**1. Аширов Солиҳ** – 1902 йили Бухоро области Кармана районида туғилган, 32 ёшда, оилали, аёли 27 ёшда, 4 нафар фарзанди бор. У 1931 йил март ойидан 1932 йил апрелига қадар овчилар жамиятига тегишли магазинда мудир бўлиб ишлаган. Ушбу магазиндан 2228 рубль 86 тийин маблағни ўзлаштиришда айланган ва ўз айбига иқроор бўлган. 1932 йилнинг 4 ноябрь куни Тошкент районидаги халқ судининг 16-участкасида халқ судяси Исақов, халқ маслаҳатчилари Матдинов ва Алимов, котиб Ниёзовлар томонидан очиқ суд мажлисида Аширов Солиҳнинг 390-рақамли жиноят иши кўриб чиқилган. Унга ЎзССР Жиноят кодексининг 148-моддаси 1-қисми билан 4 йил озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланган. Жазони САЗЛАГнинг 5-пунктида ўтаган. Маҳбуснинг афв сўраб қилган мурожати рад этилган.<sup>1</sup>

<sup>1</sup>ЎЗМА, 86-фонд, 10-рўйхат, 813-иш, 51-варақ.

**2. Расулов Қорабой** – 1894 йили Наманган области Косонсой районида туғилган, ишчи-хизматчи. Оилали, аёли 32 ёш, 2 нафар фарзанди бор. Ҳарбийлаштирилган қўриқлаш хизматида ишлаган. 1933 йил 18 апрелда Косонсой район халқ судининг 68-участкаси томонидан ЎзССР Ж/К 148-моддаси билан 3 йил озодликдан маҳрум этилган. Жазони Сазлагда ўтаган.<sup>2</sup>

**3. Сапаев Мустафо** – 1915 йили Хоразм области Гурлан районида туғилган. Хизматчи, оилали, 1 нафар фарзанди бор. Ҳарбийлаштирилган қўриқлаш хизматида ишлаган. 1933 йил 13 августда Гурлан район халқ судининг 147-участкаси томонидан ЎзССР Ж/К 148-моддаси билан 3 йилга озодликдан маҳрум этилган. Жазони 1933 йил 24 августдан Сазлагда ўтаган.

**4. Холиқов Асадулла** – 1897 йили Қўқонда туғилган. Оилали, Қўқон шаҳар 92-сонли магазин бошқарувчиси бўлган. Халқ судининг Қўқон шаҳар 8-участкаси қарорига асосан 1930 йил 25 ноябрь куни қамоққа олинган. ЎзССР

<sup>2</sup>ЎЗМА, 86-фонд, 10-рўйхат, 822-иш, 36 – 37-варақлар.



Ж/К 148-моддаси билан айбланган. Унга ушбу магазиндан 1051 рубль маблағни талон-торож қилганлик айби қўйилган. Жазони Тошкентдаги Сазлаг 2-бўлимида ўтаган. Маҳбуснинг 1932 йил 22 майдаги афв сўраб ёзган илтимоснома-си инobatга олинмаган.

**5. Ҳошимов Муллажон** – 1905 йили Марғилон шаҳрида туғилган. 1933 йил 12 сентябрда қамоққа олинган. 1933 йил 10 декабрда Ўрта Осиё темирўли суди ЎзССР Ж/К нинг 78-моддаси билан айбдор деб топиб, 10 йил қамоқ жазосига ҳукм қилган. Жазони 3 ой Сазлагда ўтаган. 1934 йил 27 мартда Сазлагдан Ухта-Печорский лагерига келтирилган. 1938 йил 25 апрелда вафот этган.

**6. Умаров Карим** – 1885 йили Наманганда туғилган. Хизматчи, оилали, 3 нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган. 1934 йил 7 май куни Норин районидаги халқ судининг 62-участкаси томонидан қамоққа олинган. У ЎзССР Ж/К нинг 140-моддаси билан 3 йил озодликдан маҳрум этилган. Жазони Сазлаг марказий изоляторида ўтаган.

**7. Абдиев Пўлат** – 1903 йили Хатирчида туғилган. Қулоқ, оилали. 1917 йили отасининг вафотидан сўнг ўқишни ташлаган ва деҳқончилик билан шуғулланган. 1931 йил 30 апрелда Халқ суди томонидан ЎзССР Ж/К 166-модда 3-қисми билан 3 йилга озодликдан маҳрум этилган. Жазони Сазлагда ўтаган. Маҳбуснинг афв сўраб ёзган илтимосномаси рад қилинган.

**8. Ибрагимов Нутфулла** – 1896 йили Бухорода туғилган. Оилали. 1914 – 1921 йилларда қизил армиянинг махсус отрядида кўнгиллилар сафида хизмат қилган. 1921 – 1928 йилларда пойабзал артелида ишлаган. 1928 – 1934 йилларда Бухоро шаҳрида Файзулла Хўжаев номидаги пойабзал фабрикасида турли лавозимларда ишлаган. 1934 йил 6 январгача фабриканинг фаол ишчиси бўлган ва бирор марта ноҳўя ҳаракат туфайли огоҳлантирилмаган. 1934 йил 5 январда дам олиш куни бўлганлиги сабабли ўртоқлари билан пиво ичишади ва аъло кайфиятда янги шаҳар майдони томон юришади. Майдонда Ибрагимов бир рус аёлига туртиниб кетади. Аёл шовқин солиб милиция

чақиради ва ўзига таҳдид қилинганини айтади. 2 кундан сўнг Халқ судининг 8-участкаси томонидан суд қилинган Нутфулла Ибрагимов ЎзССР Ж/К нинг 230-моддаси билан айбдор деб топилиб, 3 йилга озодликдан маҳрум этилган. Маҳбуснинг 1934 йил 15 февралдаги авф сўраб ёзган хати рад этилган. 1935 йил февралда маҳбус Дмитлагга этап қилинади.<sup>1</sup>

**9. Омбарцумов Мушек Степанович** – 1894 йили туғилган. Оилали, 26 ёш, судланмаган. 1930 йил 27 сентябрда ЎзССР Тошкент округи суди томонидан ЎзССР Ж/К нинг 63-моддаси билан айбланиб 10 йилга озодликдан маҳрум этилган. Жазо муддати 1929 йил 17 сентябрдан ҳисобланган.

**10. Лаптаев Борис Владимирович** – 1892 йили туғилган, хизматчи, уйланган, хотини 36 ёшда, 1 нафар фарзанди бор. 1933 йил 9 декабрда Андижон шаҳар халқ суди томонидан ЎзССР Ж/К нинг 140-моддаси билан айбланиб 5 йилга озодликдан маҳрум этилган. Ҳукм 1932 йил 22 августдан ҳисобланган.<sup>2</sup>

**11. Шаропов Низом** – 1905 йили Тошкент области Янгийўл районида туғилган. Уйланмаган, сотувчи, сайлов ҳуқуқидан маҳрум этилган. Янгийўл район халқ судининг 17-участкаси томонидан 1933 йил 21 майда қамоққа олинган. ЎзССР Ж/К нинг 14 – 66-моддалари билан айбдор деб топилган ва 45536-рақамли шахсий иш билан 8 йилга озодликдан маҳрум этилган. Жазони Сазлаг марказий изоляторида ўтаган. Маҳбуснинг ЧАК раҳбари ўринбосари Улыбшевга ёзган афв хати инobatга олинмаган.

**12. Мусабоев Икром** – 1899 йили Наманган области Янгиқўрғон районида туғилган, хизматчи. 1933 йил 18 июлда Янгиқўрғон райони халқ судининг 63-участкаси томонидан қамоққа олинган. ЎзССР Ж/Книнг 140 – 148-моддалари билан айбдор деб топилиб, 5 йилга озодликдан маҳрум этилган. 1933 йил 13 августдан жазони Сазлагда ўтаган.

**13. Мадраҳимов Усмон** – 1902 йили Бухоро области Ромитан районида туғилган, қулоқ деҳқон, уйланмаган, муқаддам судланмаган, Ромитан район халқ суди томонидан 1932 йил

<sup>1</sup> ЎзМА, 86-фонд, 10-рўйхат, 816-иш, 8-варақ.

<sup>2</sup> ЎзМА, 86-фонд, 10-рўйхат, 821-иш, 108 – 120-варақлар.



31 мартда ЎзССР Ж/К 80-модда 3-қисми билан айбдор деб топилиб 5 йилга озодликдан маҳрум этилган. Жазони Сазлаг марказий изоляторида ўтаган.<sup>1</sup>

**14. Чориев Намоз** – 1907 йили Бухоро области Вобкент районида туғилган, хизматчи, оилали, аёли 18 ёшда. 1932 йил 26 февралда Вобкент районидаги Халқ судининг 118-участкаси томонидан ЎзССР ЖК 214-моддаси билан айбдор деб топилиб, 5 йилга озодликдан маҳрум этилди, жазони Сазлагда ўтаган.<sup>2</sup>

**15. Жалилов Мамажон** – 1901 йили Наманган области Косонсой районида туғилган, хизматчи, оилали, аёли 18 ёшда, 1933 йил 14 февраль куни Косонсой район халқ суди томонидан ЎзССР Ж/К нинг 140 – 148-моддалари билан айбдор деб топилиб, 5 йилга озодликдан маҳрум этилган, жазони Сазлагда ўтаган.<sup>3</sup>

**16. Салимов Толиб** – 1910 йилда Тошкентда туғилган, хизматчи, оилали, аёли 20 ёшда, 1 нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган ва ҳеч қандай интизомий жазога тортилмаган. 1934 йил 8 февралда Тошкент шаҳар халқ судининг 10-участкаси томонидан қамоққа олинган. ЎзССР Ж/К нинг 166- ва 230-моддалари билан айбдор деб топилган ва 3 йилга озодликдан маҳрум этилган. Жазони Сазлаг марказий изоляторида ўтаган.

**17. Бегимқулов Султон** – 1908 йилда Тошкентда туғилган. Хизматчи, оилали, онаси 75 ёшда бўлган. 1933 йили Тошкент шаҳар халқ судининг 24-участкаси томонидан қамоққа олиниб, ЎзССР Ж/К нинг 141-моддаси билан айбдор деб топилиб, 5 йилга озодликдан маҳрум этилган. Жазони дастлаб Сазлагда ўтаган, кейинроқ Пахтаорол (Мактааралский район, КазССР) ўғит пунктига юборилган.

**18. Юнусов Усмон** – 1903 йилда Самарқанд областида туғилган, оилали, деҳқон. 1932 йил 29 – 30 июнь кунлари Самарқанд шаҳар халқ суди томонидан ЎзССР Ж/К нинг 214-моддаси билан айбдор деб топилиб, 3 йилга озодликдан маҳрум этилган (Ср.Аз. ИТЛ ОГПУ). Жазони Сазлагда ўтаган.

<sup>1</sup>ЎзМА, 86-фонд, 10-рўйхат, 94-иш, 12 – 14-варақлар.

<sup>2</sup>ЎзМА, 86-фонд, 10-рўйхат, 820-иш, 26 – 27-варақлар.

<sup>3</sup>ЎзМА, 86-фонд, 10-рўйхат, 820-иш, 18 – 20-варақлар.

ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги доимий вакиллиги ҳузуридаги «учлик» 1933 йил 9 мартда Тошкентда жойлашган Ўрта Осиё лагеридаги кекса ва ногирон маҳбусларни Ўрта Осиёдан сургун қилиш масаласини кўриб чиқади. Маҳбуслардан Содиқбоев Абдусамат (42 ёш), Турсунов Мираҳмад (37 ёш), Қўчқоров Жумабой (37 ёш), Очилов Пўлат (40 ёш) ва бошқалар турли муддатлар билан Ўрта Осиёдан Дмитров лагерига этап қилинган. Қуйида улар ҳақида маълумот келтирамиз:

**19. Содиқов Абдусамат** – 40 ёшда, Халқ судининг 122-участкаси ЎзССР ЖК 262-моддаси билан 3 йилга озодликдан маҳрум этган, жазони Сазлаг марказий изолятор бўлимида ўтаган, Ўрта Осиёдан 3 йилга сургун қилинган, муддати 1932 йил 24 сентябрдан ҳисобланган.

**20. Турсунов Мираҳмад** – 27 ёшда Халқ судининг 125-участкаси ЎзССР ЖК 80-моддаси 3-банди билан 3 йилга озодликдан маҳрум этган, жазони Сазлаг марказий изолятор бўлимида ўтаган, Ўрта Осиёдан 3 йилга сургун қилинган, муддати 1932 йил 24 сентябрдан ҳисобланган.

**21. Қўчақов Жумабой** – 36 ёшда, Халқ судининг 126-участкаси ЎзССР ЖК 80-моддаси 3-банди билан 3 йилга озодликдан маҳрум этилган, жазони Сазлаг марказий бўлимида ўтаган, Ўрта Осиёдан 3 йилга сургун қилинган, муддати 1932 йил 10 ноябрдан ҳисобланган.

**22. Очилов Пўлат** – 40 ёшда Халқ судининг 125-участкаси ЎзССР ЖК 80-моддаси 3-банди билан 3 йилга озодликдан маҳрум этилган, жазони Сазлаг марказий изолятор бўлимида ўтаган, Ўрта Осиёдан 3 йилга сургун қилинган, муддати 1932 йил 10 ноябрдан ҳисобланган.

**23. Зарипов Абдураҳим** – 40 ёшда Халқ судининг 123-участкаси ЎзССР ЖК 168-моддаси ва 80-моддасининг 3-банди билан 9 йилга озодликдан маҳрум этилган, жазони Сазлаг марказий изолятор бўлимида ўтаган, Ўрта Осиёдан 3 йилга сургун қилинган, муддати 1931 йил 10 сентябрдан ҳисобланган.

**24. Пошшоев Олим** – 36 ёшда, Халқ судининг 126-участкаси ЎзССР ЖК 80-моддаси 3-банди билан 3 йилга озодликдан маҳрум этилган,



жазони Сазлаг марказий изолятор бўлимида ўтаган, Ўрта Осиёдан 3 йилга сургун қилинган, муддати 1932 йил 28 февралдан ҳисобланган.

**25. Саидов Жўра** – 38 ёшда, ЎзССР Олий суди 78-модда билан 8 йилга озодликдан маҳрум этилган, жазони Сазлаг марказий изолятор бўлимида ўтаган, Ўрта Осиёдан 3 йилга сургун қилинган, муддати 1931 йил 2 октябрдан ҳисобланган.

**26. Тоҳиров Раззоқ** – 43 ёшда, Халқ судининг 125-участкаси ЎзССР Ж/К 80-моддаси 3-банди билан 3 йилга озодликдан маҳрум этган, жазони Сазлаг марказий изолятор бўлимида ўтаган, муддати 1932 йил 19 сентябрдан ҳисобланган.

**27. Бўриев Холиқул** – 47 ёшда, Халқ судининг 126-участкаси ЎзССР Ж/К 80-моддаси 3-банди билан 3 йилга озодликдан маҳрум этилган, жазони Сазлаг марказий изолятор бўлимида ўтаган, Ўрта Осиёдан 3 йилга сургун қилинган, муддати 1932 йил 15 сентябрдан ҳисобланган.

**28. Суёнов Бадал** – 30 ёшда, Халқ судининг 123-участкаси ЎзССР Ж/К 13 – 168-моддаси билан 3 йилга озодликдан маҳрум этган, жазони Сазлаг марказий изолятор бўлимида ўтаган, Ўрта Осиёдан 3 йилга сургун қилинган, муддати 1932 йил 22 июндан ҳисобланган.

**29. Тўрабоев Абдулазиз** – 50 ёшда, Халқ судининг 123-участкаси ЎзССР Ж/К 80-моддаси 3-банди ва 168-моддаси билан 3 йилга озодликдан маҳрум этган, жазони САЗЛАГ марказий изолятор бўлимида ўтаган, Ўрта Осиёдан 3 йилга сургун қилинган, муддати 1932 йил 4 январдан ҳисобланган.

**30. Раҳмонов Исмоил** – 24 ёшда, Халқ судининг 125-участкаси ЎзССР ЖК 80-моддаси 3-банди билан 3 йилга озодликдан маҳрум этган, жазони САЗЛАГ марказий изолятор бўлимида ўтаган, Ўрта Осиёдан 3 йилга сургун қилинган, муддати 1932 йил 13 ноябрдан ҳисобланган.

**31. Рўзиев Жўра** – 47 ёшда, Халқ судининг 122-участкаси ЎзССР ЖК 80-моддаси 3-банди билан 3 йилга озодликдан маҳрум этган, жазо-



Қурилишлардаги маҳбуслар меҳнатидан бир кўриниш



ИШГА КИУН (КОМУНИСТ)

1947 й. 184-нومбер

## Борлеشىگىز بو تون دنيا اشچىلەرى

### شرق خەلقلىرىنىڭ قورولتايى

بەندىلەر. ئەرمەنىستان وگورجىستان مەھنەتكارلىرى  
ايلىگەرى اقتصادى و سياسى جەتەن روس انگىلىز  
فرانسوز كاپىتالىستلەرى تامانىدىن اسارتكە  
توشكەن بولالار بوگون اولار اوزلەرىنىڭ بور  
زوارياسىنىڭ قولندە اسيردورلار.

گورجىستان و ئەرمەنىستان مىللى ودىنى نزاغىلەر  
نىڭ اوطلى اوچاغى بولوب تورغان وقتدە ش-شرق  
انقلابىنى مەينى و اقتصادى يول بىلەن آلوب كىتو  
قىيىن بىر اشدر. بو اوطلى اوچاتىنى يوق قىلماق  
اوپون ئەرمەنىستان وگورجىستان دەقان مەھنەتكارلىرى  
بىلەن. مظلوم مىلمان مەھنەتكارلىرى آراسىدە انقلابى  
بىر اتقاق وچودگە كىترو لازىمىد.

هاكودە آچلاچاق شرق خەلقلىرىنىڭ اسىيىدى  
مىللى ودىنى نزاغىلەرنىڭ اوطلى اوچاغىنى اوچىرىك  
اتقاقنى وچودگە كىترو چەكدر. شرق خەلىقلىرى  
اسىيىدىنىڭ روز نامەسىدە بو مىثلە نىڭ بىرىچى  
نويىتكە توپلارنى يوقارىدەغى فىكىزنىڭ درستلىگىنە آياتاقى

مەسكودە بىر موقىت بىلەن بولوب اوتكەن  
توتىرس ياوروبا جەانگىرلىرىنى نە قىر خوف  
د شويىشكە توشكەن بولسە. ياقن كۈنلەردە باكودە  
آچلاچاق مظلوم شرق خەلقلىرىنىڭ اسىيىدى جەان  
كىرلىرى اوندن ئللە نىچە ئلوش آرتق توشويشكە  
اوتىزە چەكدر.

مەخپىل يوللار بىلەن بىن الدال جەانگىرلىرىگە  
پىش و كۈرەشوب كىلىگەن شرق خەلقلىرى آراسىدە  
مەزىرگە قىر عومى بىر فرونت توققانى يوق ايدى.  
شرق انقلابى كۈچلەرىنىڭ تارتار بولوبى و تارتار  
كۈچلەرنى بىر نەقشەغە جىيىوب عومى بىر مەقصد  
بىكە اولارنى استىقادە قىلورلىك زمىننىڭ بولناوى.  
بىن الدال جەانگىرلىرىگە شرق دونياسى اوتىندە اسىكچە  
بوجلىق قىلورغە. امىكان بىيرە ايدى چۈنكە  
شرق انقلابچىلەرنىڭ كۈچى - جەانگىرلىرى فىكىزنىچە  
ئىدە جارى قىلىنغان مەسلىككە چىك توتىينى بو -  
بىن ايدەس ايدى.



دلدار، بو مسئله شرق معنتكشله رينك فائده سيغه حل قىلما توركيه ده باشلانغان انقلابى حركتلەرگه قارشو چقروى احتمال بولغان بر مانع يول اوستىدىن آلتىغان بولادور.

شرق خاقلارى اسپىزدىنك آلدنده تورغان ايكنچى بيوك بر مسئله بار اولده:

شونده باشلانغان انقلابى حركتلەرگه سينيغور واقتصادى ره لىق بيرو، يوللارنى كورسه تودر.

ايكى يىلاق تجر به لهر كورسه تدىكه شرقنىك اقتصادى وسياسى آزادلىقنى فقط اجتماعى اتقلايكته آمين قىلاچاق در. دين بايراقى ته كيگكه يه شرنكهن شرق خانلارى وشرق يكلهرى اوزلرينك تحت و تاجلارنى صافلاماق اوچون شرقنىك اتقلايكته دشمانى بولغان انگليز و فرانسوز ايبيير ياليسىتلهرى بلهن اتقاقنده كىرو تورمادىلار.

شرق خانلارى اوزلرينك شخصى منفعتلهرى زامنه ميليونلارچه شرق معنتكشله رينى بين الملل جهانگىرلارنىك اقتصادى وسياسى قللق زنج رارايگه بند قياشقه راضى بولدىلهر. بخارا اميرىنىك اوشلكهن سياستى بىزنىك اوچون تاريخى بر حجتدر. ايران انقلابىك باشنده يورگن كوچوك خانىك انگليز بلهن اتق قىلو - ايران معنتكشله رينه خيات قىلماوى كورسه ته كه، شرق خانلارى وشرقنىك كوچك سان كىك مەيدە بوژ ياق روحي بله صوغارمان انقلابچىلهرى اوزلرينك صفى حاكيميتلهرنى مستحكم قياشقه هم ايران معنتكشله رينى اوزلرينك اطاعتلى قىلى ايتەرگه حركت قىلادورلار

شاهلارنىك و ميلتچىلهرنىك حساكەيتلهرىنى يقو توراك درجه ده قروبتنى تشكيل قىلماق اوچون شرق معنتكشله رينى آرگانىزاوات ايتوب اولارغا سينيغى توييه بيروپ اولارنى شرقنىك اجتماعى انقلابيه طيارلاو شرق قامه و نيهتتلهرنىك انقلابى واز يغه سىر توركستان دن بارغان و كىلهر، توركستان خلقىنى بين الملل پرولىتاريات صفنده بولاجاغىنى بيان قىلماق اوزلرينىك و نيهتتندە مى اتقلا و نيهتتله رينى اولته دىلهر.

ايران، هندستان، نهره نستان، كورچستان

دالا و صحرا لارده بر طرفىدىن انگليز لارگه كىشى طرفىدىن اوزلهرينىك صافلىق خانلارى و كىلهرى كه قارشو كورسه شوب كىلگهن شرق انقلاب چلهرى، شرقنىك بىتون انقلابىنى كوچنى بولمىدر كهنده كوتولگهن غلبه لرگه اير شو رگه ممكن بولما لىقنى جوده ياخشى توشوتدىلهر.

شرق مظلوم لرى توغرىنده سوز آچلغانده نىك كوز آلدوزغه انگليز لارنىك كه لته كىنى بىگهن ايران، هندستان، عربستان، توركيه مملكتلهرىگه سوز آلدوزغه كىلپ باصا. بىز شرقده مسلمان دينيه نىوب بولماغان ارمنستان، گورچستان، كىك مملكت لرىنىك باراغىنى كوپ وقتده ايسدن چقارماز. وقتيله و خانلارده جهانگىرلارنىك سوتلىك صفى بولوب تورغانلار ايدى بولارده مسلمانلار كىك حقوتىر مظلوم ايدىلهر.

ياوروپا اورشندىن ايلگهرى باشلانده روس خانلىقى تورغانى حالده بين الملل جهانگىرلار شرق خانلارنىك آزادلىق حركتلهرىنى يوشان اتقلىق نامينه، شرقده دينى و مىللى نزاعلهرنى قوي بورتوب توردىلهر شرقنىك نتيجه سنده شرق توپراغنده يا شاو حى نهره لهر بلهن مسلمانلار آراسنده مىللى جانچالار و دينى نغالار چوتوب توردى. شرق خاسه لارى آراسنده تام قىلوب تورغان مىللى و دينى نزاعلار شرق انقلابىنى و شرق آزادلىقنى نوبه تده كى مەشكله لهر نبارىدىن توشوب نامعلوم بر وقتقه سىر كىچىكردى. شرق خلىقلارنىك آراسنده چقان دينى مىللى نزاعلاردن اتق كوپ فائده قىلماقچى حكومەتلهر روس چارى بلهن يلو و پوزنىك سىيوك نامللهرى بولدى. بو نزاعلارنىك اتق كوپ ضررىنى زكته آغرانىنى كوتروچ نهره ن معنتكشله رى بلهن سامان معنتكشله رى بولدى.

شرق انقلابىنى نوبه تده كى مسئله لهر قاتارىدىن توشوب قالدوزغه سبب بولمان بو نيزاعلارغه و نيهتتله ختلافلهرغه خاتيه بىره سدن شرق اتقلايكه نىك ايهسى و شرق آزادلىقنى توغرىنده سوز سويله و نيهتتله سوزدر.

لوكته بر انقلابىدىن كىن نهره نستان و گورچستان اوزلهرينى مستقل حكومت قىلماق اعلان قىلدىلهر.



عزافى تورغانى ھالدا بىن الملل جھانگيرار شرق  
 نازارنىڭ آزادلىق ھرىكلەرىنى يۈرۈشۈپ ئاتلىق نامىنە،  
 نازىدە دىنى ومىللى نزاھلەرنى قويۇپ توردىلەر  
 نىڭ نىجەندە شرق تۇرغاندە ياشاۋى ئەرەلەر  
 بىن مەلەنلەر آراسىدە مىللى جانچالار دىنى  
 نىڭلار چىۋىپ توردى. شرق خاسەلەرى آراسىدە  
 نام قىلۇپ تورغان مىللى دىنى نزاھلەر شرق  
 ئىلەينى وشرق آزادلىقنى نوبەتەكى مەسئەلەر  
 نازىدىن توشۇپ نامەلوم بىر نىتقە دىكىچىكردى.  
 شرق خەلقلىرىنىڭ آراسىدە چەمەن دىنى  
 مىللى نزاھلەردىن ئالە كۆپ نازىدە قىلۇچى ھىكو-  
 مەتلەر روس چارى، بىلەن باۋ. وپاننىڭ بىسۈك  
 نىڭلەرى بولدى. بۇ نزاھلەرنىڭ ئالە كۆپ ضررىنى  
 كەنە آغرائىنى كۈتەرۈچۈر ئەرەن مەنتەكىلەرى بىلەن  
 سامان مەنتەكىلەرى بولدى.

شرق ئىلەينى نوبەتەكى مەسئەلەر قاتارىدىن  
 توشۇپ قالدۇرغە سەبب بولغان بۇ نزاھلەرغە وپو  
 مەتلەرغە خاتىمە بىرەندە شرق ئىلەينىڭ  
 ئىپەسى وشرق آزادلىق تۇغرىسىدە سوز سۈبلەو  
 ئايدىزىد.

اۈكتە بىر ئىلەيندىن كىن ئەرەنستان وگورجستان  
 ئۆزلىرىنى مەنتەل ھىكۈمەت قىلۇپ ئىلان قىلدىلەر.  
 ئۆستىدىن كەنە قاراغاندە ئەرەنستان وگورجستان خەلقلىرى  
 آزادلىق دىنەسەنە قىم باھەتەن كىچىك كىرەنەلەرە اھلەدە  
 بۇ فىكر چۈدە خىطا بىر فىكرىد.

اۈكتە بىر ئىلەيندىن كىن مەنتەل ھىكۈمەت قىلغان  
 مەلەكەتەردە مەنتەل مىللى دىنى نزاھلەرنى  
 نوبەتلەۋچى ئەرەن بۇ ئۇزۇن باس بىلەن گورجستان  
 مەنتەلەرى قولىدە.

ئەرەن مەنتەكەلەرى بىلەن گورجستان مەنتەكەش  
 لىرى بىكچە، ئىقتىسادى وسىياسى قىلۇق زىچەلەندە

شرق خانلىرى اوزلرىنىڭ شەخسى مەنتەكەلىرى  
 نامە مىليونلەرچە شرق مەنتەكەلەرىنى بىن الملل  
 جھانگيرانىڭ ئىقتىسادى وسىياسى قىلۇق زىچەلەرگە بىند  
 قىلشە راضى بولدىلەر. نىھارا امپىرىنىڭ اۈشەكەن  
 سىياسەتى بىزنىڭ اۈچۈن تارىخى بىر ھىكەت. ايران  
 نىڭلارنىڭ باشىدە يۈرگەن كۈچۈك خاننىڭ ئىكەنلىكى  
 بىلەن ئاق قىلۇپ - ايران مەنتەكەلەرىنە خىيات قىلۇۋى  
 كۈرسەتەكە، شرق خانلىرى وشرقنىڭ كۈچۈك مان  
 كىچىك مەردە بۇرۇن باق رۈھى بىلە سوغرا ئىلان  
 ئىلە چىلەرى اوزلرىنىڭ شەخسى مەنتەكەلىرى مەنتەكە  
 قىلشە. ھىم ايران مەنتەكەلەرىنى اوزلرىنىڭ ئىقتىسادى  
 نامى ايتەرگە ھرىكەت قىلادۇرلار

شاھلارنىڭ سىياسەتلەرنىڭ ھىسا كەيتلەرىنى  
 يقۇتوراك درجەدە قىلشەنى تەشكىل قىلماق اۈچۈن  
 شرق مەنتەكەلەرىنى آرگانىزىۋات ايتۇپ اولارغا  
 شەخسى تەربىيە بىرۈپ اولارنى شرقنىڭ ئىقتىسادى  
 ئىلە چىلەرى نامە مەنتەكەلەرنىڭ ئىلە چىلەرى  
 تۈركىستاندىن بارغان وكىللەر، تۈركىستان خەلقىنىڭ  
 بىن الملل پىرولىتارىيات شەخسىدە اولانچىلىقنى بىلان  
 قىلۇپ اوزلرىنىڭ اۈشەكەندە ئىقتىسادى ووزىقەلەرنى  
 اۈتەدىلەر.

ايران، ھىندىستان، ئەرەنستان، گورجستان  
 و تۈركىيە وكىللەرنىڭ ئىقتىسادى ھىم شۇلۇق سوزلر  
 تەكرار قىلماقتۇر. مۇكا ايمانۇ كاپل.

شرق خانلىرىنىڭ سىياسەتى شرق مەنتەكەلەرى  
 بىلەن غەرب مەنتەكەلەرى آراسىدە دوام قىلۇپ تورغان  
 ئىقتىسادى وچىلەلەرنى بىتۈرۈپ شرق بىلەن غەرب  
 پىرولىتارىياتنىڭ رەلەشكەن ئىقتىسادى وسىياسەتىنى  
 توغرا باقتۇر.

اھى



гирлар Шарқ халқларининг озодлик ҳаракатларини юмшатмоқлик номина Шарқда диний ва миллий низоларни қутуртуб турдилар. Шунинг натижасинда Шарқ тупроғинда яшовчи арманлар билан мусулмонлар орасинда миллий жанжаллар ва диний ғавғолар чиқиб турди. Шарқ халқлари орасинда давом қилиб турган миллий ва диний низолар Шарқ инқилобини ва Шарқ озодлигини навбатдаги масъалалар қаториндан тушуриб номаълум бир вақтга қадар кечиктирди.

Шарқ халқларининг орасинда чиққан диний ва миллий низолардан энг кўп фойда қилувчи ҳукуматлар рус чори билан Еврўпанинг буюк давлатлари бўлди. Бу низоларнинг энг кўп зарарини ва катта оғирлигини кўтарувчи арман меҳнаткашлари билан мусулмон меҳнаткашлари бўлди.

Шарқ инқилобини навбатдаги масъалалар қаториндан тушуриб қолдиришга сабаб бўлган бу низоларга ва бу ихтилофларга хотима бермасдан Шарқ инқилобининг ғалабаси ва Шарқ озодлигини тўғрисида сўз сўйлов фойдасиздир.

Ўктябр инқилобидан кейин Арманистон ва Гуржистон ўзларини мустақил ҳукумат қилуб эълон қилдилар. Устдангина қараганда Арманистон ва Гуржистон халқлари озодлик дунёсига қадам босқан каби кўринсалар-да, аслида, бу фикр жуда хато фикрдир.

Ўктябр инқилобиндан кейин истиқлол касп қилгон мамлакатларда ҳокимият миллий ва диний низоларни қувватловчи Арман буржуазияси билан Гуржистон меншевиклари қўлиндадир.

Арман меҳнаткашлари билан Гуржистон меҳнаткашлари эскича иқтисодий ва сиёсий қуллик занжирларинда банддирлар. Арманистон ва Гуржистон меҳнаткашлари илгари иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан рус, инглиз ва франсуз капиталистлари томонидан асоратга туширилган бўлсалар, бугун улар ўзларининг буржуазиясининг қўлинда асирдурлар.

Гуржистон ва Арманистон миллий ва диний низоларнинг ўтли ўчоғи бўлуб турган вақтда Шарқ инқилобини синфий ва иқтисодий йўл билан олуб кетув қийин бир ишдир. Бу

ўтли ўчоқни йўқ қилмоқ учун Арманистон ва Гуржистон деҳқон ва меҳнаткашлари билан мазлум мусулмон меҳнаткашлари орасинда инқилобий бир иттифоқ вужудга келтирув лозимдир.

Боқуда очилажақ Шарқ халқларининг биринчи съезди миллий ва диний низоларнинг ўтли ўчоғини ўчиришлик иттифоқни вужудга кетиражақдир. Шарқ халқлари биринчи съездининг рўзномасинда бу масъаланинг биринчи навбатга қўйилиши юқоридаги фикрнинг дурустлигина айонли далилдир. Бу масъала Шарқ меҳнаткашларининг фойдасига ҳал қилинса, Туркияда бошланган инқилобий ҳаракатларга қарши чиқуви эҳтимол бўлгон бир монe йўл устиндан олинган бўладур.

Шарқ халқлари биринчи съездининг олдинда турган иккинчи буюк бир масъала бор. Ул-да Шарқда бошланган инқилобий ҳаракатларга синфий ва иқтисодий ранг берув йўлларини кўрсатувдир.

Икки йиллик тажрибалар кўрсатадики, Шарқнинг иқтисодий ва сиёсий озодлигини фақат ижтимоий инқилобгина амин қилажақдир. Дин байроғи тагига яширинган Шарқ хонлари ва Шарқ беклари ўзларининг тахт ва тожларини сақламоқлик учун Шарқнинг энг катта душмани бўлган инглиз ва франсуз империалистлари билан иттифоқдан-да геру турмадилар.<sup>1</sup>

Шарқ хонлари ўзларининг шахсий манфаатлари номина миллионларича Шарқ меҳнаткашларини байналмилал жаҳонгирларнинг иқтисодий ва сиёсий қуллик занжирларига банд қилишга рози бўлдилар. Бухоро амирининг ушлаган сиёсати бизнинг учун тарихий бир ҳужжатдир. Эрон инқилобининг бошинда турган Кучук хоннинг инглизлар билан иттифоқ қилуви Эрон меҳнаткашларина хиёнат қилуви кўрсатаки Шарқ хонлари ва Шарқнинг Кучук хон каби майда буржуйлик руҳи билан суғорилган инқилобчилари ўзларининг синфий ҳокимиятларини мустаҳкам қилишга ҳам Эрон меҳнаткашларини ўзларининг итоатли қули этарга ҳаракат қиладурлар.

Шоҳларнинг ва миллатчиларнинг ҳоки-

<sup>1</sup> Қайтмадилар.



миятларини йўқотурлик даражада фронтни ташкил қилмоқ учун Шарқ меҳнаткашларини организаваат этуб, уларға синфий тарбия беруб, уларни Шарқнинг ижтимоий инқилобина тайёрлов Шарқ коммунистларининг инқилобий вазифасидир.

Туркистондан борған вакиллар Туркистон халқининг байналмилал пролетариат синфда бўлажағини баён қилуб ўзларининг устлариндаги инқилобий вазифаларини ўтадилар.

Эрон, Ҳиндистон, Арманистон, Гуржистон ва Туркия вакилларининг оғизларидан ҳам шуйла<sup>1</sup> сўзлар такрор қилинажақдир. Мунга имонимиз комил.

Шарқ халқларининг биринчи съезди Шарқ меҳнаткашлари билан Ғарб меҳнаткашлари орасинда давом қилуб турған англашмовчиликларни битируб Шарқ билан Ғарб пролетариатининг бирлашган инқилобий фронтини туғдиражақдир.

**Аҳад**

### **1920 сана 22 сентябр, чаҳоршанба, №195 ШАРҚ ЭЛЛАРИНИНГ ҚУРУЛТОЙИ**

Учинчи интернатсионалнинг иккинчи конференсияси томониндан Бокуға чақирилған Яқин Шарқ элларининг қурултойи биринчи сентябрда очилиб, 7 нчи сентябрда тамом бўлди. Бу қурултойнинг шўролар Туркистони учун аҳамияти зўр бўлгонлиғиндан қўлимизга тушган Боку газеталариндан керакли қадарлисин олиб, «Иштирокиюн»да боса борабиз.

#### **Биринчи мажлис. 1-сентябр 1920. Кеч.**

Озарбойжон давлат тиётрўсининг қаршисида ўн мингларча томошачилар ўраб олғанлар. Кўчадан ўтмак жуда қийин. Тиётрўнинг қаршисиндағи буюк ва музайян<sup>2</sup> минора электриқ зиёси билан ёритилған; тиётрўнинг киришинда Шарқ эллари қурултойининг очилув муносабати билан Бокунинг мухталиф ерларинда ишланған дарвозалардан бириси камоли азамат билан Шарқнинг, айнуқса, Туркистоннинг эски азамат ва маданиятини эсга туширар.

Ўн мингларча йиғилған халқ орасинда олқиш ва «ура» товушлари ичинда ўзининг йўл-

дошлари билан автўмўбилда ўртоқ Зиновьеф келади. Тиётрў вакиллар билан тўп тўли; турли ўлкалардан келган бир минг саккиз юз вакилга давлат тиётрўси торлиқ қилади. Ложаларда ва партерда одам сиғишмайди.

Худди соат 9 да Шарқ усулинда безакланган сахнаға бошда Зиновьеф ва йўлдошлари бўлғани ҳолда Озарбайжон инқилоб қўмитасининг раиси ўртоқ Наримониф кириб келалар. Олқиш ва «ура» товушлари зални шанғирата; музика интернатсиўнал маршин чолар.

Ўртоқ Наримониф Шарқ элларининг қурултойин биринчи мажлисин илгари русча, кейин туркча ушбу сўзлар билан очади:

«Ман бугун ўзимни бахтли санайман. Бугун ман биринчи дафъа ўлароқ кўрулмаган ва эшитилмаган биринчи Шарқ олами миллатларининг қурултойини очув шарафина нойил бўлдим.

Ўртоқлар! Буюк Шарқ бугун бу ерда кўз ёшин тўкиб ўз дардини, ўз аламини сўзлайди. Бугун бу ерда буюк Шарқ ўз яралариндан сўзлаяжақдир. Ул яраларки, минг йиллар билан Еврўпанинг ва бошқа сарватдор ҳукуматларнинг сармояси билан эзилмишди.

Албатта, бу миллатлар, Шарқ миллатлари ўз ҳаёти билан яшар экан, ўз қўшнисини бир миллатнинг ҳаёт ва маишатиндан<sup>3</sup> хабардор эмасди.

Фақат бугун ҳар миллат ўз дардини бу ерда сўйлаб ўз фалокатли ҳаёти ҳақинда маълумот беражақдир. Ул замон бутун Шарқ миллатлари кўрарларки, ... Шарқ олами бир ҳалокатда яшамаш. Кўрарларки, капитал, буржува-миллатларнинг қапитали Шарққа нақадар зарарлар этмиш. Бир-бириндан хабари бўлмаган Шарқ миллатлари бирлашсунлар. Бирликда ҳамон ул капиталнинг – ул сармоянинг кучини эссунлар, синдирсунлар. Ман бу қурултойдан бошқа нарса-да кўзлайман дейманки, бугун бу ерда икки дунё бир-бири билан рост келмишди. Шарқ дунёси, яъни бир у дунёки, фалокатда булунир. Иккинчиси-да уни фалокатга солувчи дунё.

Агар бугун бизларни фалокатга солувчи дунёнинг бу ерда вакиллари сармоядорлар

<sup>1</sup> Шундай.

<sup>2</sup> Зийнатланган, чиройли.

<sup>3</sup> Тирикчилик маъносида.



тарафдорлари бўлсалар эди, ул вақт Шарқ вакилларининг кўз ёшларини тушунмас эдилар. Бизнинг шодлигимиз ундадирки, вакиллар меҳнаткаш тарафдоридирлар. Аларнинг юраклари покдир. Мунда сўзланган сўзларни алар англларлар, тушунурлар ва қапиталнинг ўлувига<sup>1</sup> алар жиддий суратда ишлашарлар. Умид этаманки, алар буржуваз ҳукуматларда бўлган қапитал кучин синдирсинлар; бунинг билан 3 инчи интернатсианалнинг бутун дунёда эълон этилган бўлур (ушбу нутқ форсча ва ўзбекчага ўзгартирил).

Наримониф нутқиндан кейин ҳайъат раёсатига кишилар кўрсатилар.

Ҳайъати раёсат (президиум)га сайланган кишилар:

**Фирқа фраксиясиндан:**

- 1) Турар Рискулов
- 2) Мунавварқори Абдурашидов (Туркистон)
- 3) Қориев (Туркманистон)
- 4) Мустафо Субҳий (Туркия)
- 5) Ван (Қитой)
- 6) Окарё (Ҳиндистон)
- 7) Бекжон Раҳмониф (Хива)
- 8) Ражаб Муҳаммадиф (Бухоро)
- 9) Қўрқмасиф (Доғистон)
- 10) Декўриф (...)
- 11) Алиеф (Шимолий Қафқаз)
- 12) Костониён (Арманистон)
- 13) Наримониф (Озарбайжон)
- 14) Янгиеф (Татар Жумҳурияти)
- 15) Амурсана (Қалмоқ)
- 16) Филип Махарадзе (Гуржистон)
- 17) Ҳайдархон
- 18) Оғазода (Эрон)

**Фирқасизлардан:**

- 19) Норбўтабекиф (Тошканд)
- 20) Маҳмудиф (Фарғона)
- 21) Ҳусайн Борий (Онатўли)
- 22) Ҳофиз Муҳаммад (Онатўли)
- 23) Қулиеф (Мангишлақ қитъаси)
- 24) Ниёзқули (Туркман)
- 25) Назир Сиддиқий (Ҳиндистон)
- 26) Қори Тожи (Самарқанд)
- 27) Сирожиддин Қардашиф (Доғистон)
- 28) Элчиниф

29) Мусоеф (Озарбайжон)

30) Азим (Доғистон)

31) Абдуллаеф (Хива)

**Саркотиблар (фирқадан):**

Астрўвский (русча)

Абдулҳамид Сулаймон (Юнусиф) (туркча)

(Фирқасизлардан)

Маликуф (русча)

Маҳмудхон Аҳмад Фоиқ (туркча)

Қурултой раислигина фирқали ва фирқасизлар томонинда бирликда ўртоқ Зиновьеф кўрсатилар. Олқишлар, «ура»лар билан қабул қилинар. Фаҳрий раисликга ўртоқ Ленин олқиш ва уралар билан қабул этилар. Фаҳрий узвликга<sup>2</sup>, Трўтский, Белокун, Радек, Исталин ва бошқа жаҳон пролетариясига маъруф ўртоқлар олқишлар, «ура» товушлари остинда қабул этилалар. Президиум сайланиб битгач, биринчи мартаба ўртоқ Зиновьефқа сўз бериладир. Ўртоқ Зиновьефнинг бир ярим соатларча сўйлаган сўзининг неча ерида бўлуб олқишлайлар. Ва ура товушлари кўтарилар.

Ўртоқ Зиновьеф Шарқ мазлумларини жиҳоди муқаддасга даъват эттиги вақт бутун мажлис ойоқга қалқар<sup>3</sup> «ура» ва олқишлар билан таклифни қарши олир. Олқишлар, уралар 10 минут қадар давом этар. Шарқлиларнинг Ғарб жаҳонгирларига қарши жиҳодга қандай отилганлиқларини у вақт қўлларда ўйнаган ханжар ва топончалар яхши кўрсатар эди.

Ҳар томондан ҳар турли «яшасин» ва «маҳв ўлсун» товушлари кўтарилиб, ҳаммаси олқишланар эди. Мажлис бу вақт ғоят юксак бир руҳ билан руҳланмиш эди. Ўртоқ Зиновьефнинг нутқи бир неча тилга таржима қилинғандан сўнг биринчи мажлис ёпилир (Ўртоқ Зиновьефнинг нутқи келажак нўмирда босилир).

**1920 сана 24 сентябр, жума, №197**

**ШАРҚ ЭЛЛАРИНИНГ ҚУРУЛТОЙИ**

**Биринчи мажлиснинг давоми**

**Ўртоқ Зиновьевнинг нутқи**

Ўртоқлар! Менинг вазифам будирки, коммунистический байналмилалнинг бу Шарқ эли қурултойига ва унинг мақсад ва орзуларига

<sup>1</sup>Ўлишига.

<sup>2</sup>Аъзоликка.

<sup>3</sup>Туради маъносида.



қандай қарашиндан сизга маълумот бермакдир.

Коммунистический байналмилалнинг иккинчи конгрессияси<sup>1</sup> ҳозирлик қўрилган замонда бу қурултойни чақирув мулоҳаза этилган эди. Конгрессия вакилларининг бу ҳиссаси Москвага келган вақт алар коммунистический байналмилалнинг ижроия қўмитаси билан бирликда бир кўб мамлакатлар номиндан сиз Шарқ мамлакатларига мурожаат ва таклиф этилган эдики, Бокуда Шарқ элларининг қурултойи чақирилсун, бугун камоли ифтихор билан биз бу қурултойда иштирок этамиз. Коммунистический байналмилал иккинчи конгрессиясинда Еврўпада ва Амриқода бўлган 27 мамлакатнинг ишчи ва деҳқон коммунистлар вакиллари иштирок этганлар эди.

Москвадаги қурултойда Шарқ вакиллари-да иштирок этдилар. Фақат бизга бугун Шарқ элларининг вакилларин бу ерга тўпламоқ насиб бўлди. Биз зон этабизки<sup>2</sup>, Боку қурултойи эркилик курашининг шонли тарихина ўрун олажак.

Коммунистический байналмилал инсоният тарихинда биринчи дафъа ўлароқ миллионларча Шарқ халқи вакилларини бир ерга тўпловина ўзимизни бахтиёр ҳисоб этабиз.

Шарқ халқининг бир ҳиссаси бу вақтқа қадар бир-бири билан адоват боғлаб бир ҳиссаси эса бирини яхши таний олмайдилар эди. Ҳар ҳолда, булар учун мумкин эмас эдики, бир ерга йиғилишиб масъалаларни ҳал этсунлар.

Биз бу қурултойни буюк тарихий бир воқеа ҳисоб этабиз.

Чунки бу қурултой Еврўпа ва Амриқо ишчи ва деҳқонларин уйғотқани каби, Шарқнинг-да 100 миллионлар билан ишчи-деҳқонларин уйғотқанин кўрабиз. Шарқ халқи ер юзинда яшаган халқнинг кўпчилигин ташкил этадир. Бу кўпчилик билан алар меҳнат билан капитал курашин ҳал эта оладилар.

Ўртоқлар, сизга маълумдирки, бу қурултой коммунистический байналмилал фирқа муассасалари томонидан чақирилгандир. Мунинг билан бирга бугун бизнинг қурултойда ёлғиз коммунистлар эмас, мингларча вакиллар бор-

дирки, коммунист фирқасига кирмаганлар ва ўзларини бетараф ҳисоб этадилар.

Ҳали улғина эмас. Вакиллар орасинда бошқа фирқага мансуб кишилар-да кўпдир.

Бу қурултойга келган вакилларнинг биз коммунист бўлудан шарт этмайбиз. Бизга меҳнаткаш бўлса ва ўзи-да меҳнаткашлар тарафин олса етадир. Чунки бу қурултой эзилган Шарқ халқларининг қурултойидир.

Ўртоқлар! Иккинчи байналмилал билан ҳозирда нашр этмакда бўлган учинчи байналмилал орасинда бўлган тортишув ёлғиз фирқа одамларина хос эмасдир. Бу меҳнат ва капитал орасинда бўлган тортишувдир. Бу тортишувнинг ҳар бир меҳнаткашга дахли бордир. Русияда кўб қора қишлоқлар бордирки, сиёсатни ҳаётқа фақат эмди татбиқ эта бошладилар. Русияда бир қишлоқ бир ноҳия йўқдирки, ундаги деҳқонлар 3 инчи байналмилалнинг эзилган ва анинг меҳнаткашларни давлатли кишилар тирноғидан қутқармоқга тиришқанин эшитмаган бўлсунлар. Биз ишонабизки, Яқин Шарқ халқлари ҳам тез замонлар 3 инчи байналмилалнинг Шарқ оламин озод этув учун тиришқанин биларлар. Бу ҳам эса шундандирки, меҳнаткашларни халос этмак масъаласи майдонга қўйулгандир.

Ҳаёт ҳар бир меҳнаткашни бу масъалани ҳал этарга чақирадир.

Мана, сизга мисоллар кўрсата оламан. Агарда иккинчи байналмилал нима эканин билмоқ истасангиз, ҳозирги Гуржистонга қарангиз. Демак, иккинчи байналмилалнинг тимсоли мужассами Гуржистонда иш бошинда бўлган Гуржистон ҳукуматидир.

Алар иккинчи байналмилалнинг бир ҳиссасидир. Ҳозирги буюк намояндаларидирлар. Ҳар бир гуржи деҳқони иккинчи байналмилалга дохил бўлган фирқа ҳукумат бошида бўлганда анинг аҳамияти йўқ эканин ... (*газета матни тугаб қолди, давоми йўқ*).

## ИДЕАЛ

(Шифохоналарда ётмиш талаба ўртоқларга бағишлаб)

Бу қадар қайғу, азоб, кулфат, жафолар не ичун?

<sup>1</sup> Матнда шундай келган.

<sup>2</sup> Ўйлаймизки.



Ундаги ғурбат, алам, маъюс жудоликлар  
нечун?  
Бу қадар мудҳиш ҳаёт, бўҳрон ичинда ғарқ  
бўлиб,  
Олисдағи бир кун ичун тортиш, талашлар  
не ичун?

Кунда, тунда эзғишалар дардланиб,  
Анда, бунда, бир тузалар сизланиб,  
Кўзда тутқан нақтага етмак учун  
Талпиналар имтилолар жон олиб.

Бу алам, йўқсил ва хўрлик барчаси:  
«Ёш юрак»да жой олан идеал ичун.  
Ш.Сулаймон. Тошканд шифохона.

### ЁШ ЮРАК

Айни кўкракда умидлар тошқиниб,  
Арне соф, инчка қалблар сизланиб,  
Оқ қалб, бу ёш юракда кўп тилак,  
Тортиниб ул ошқинадир дардланиб.

Бунда кибр на кўп умидсиз нуқталар  
Бўлса-да, сўлмас абад руҳсизланиб.

Ш.Сулаймон. Тошканд.

### 1920 сана 29 сентябр, чаҳоршанба, №199 ШАРҚ ЭЛЛАРИНИНГ ҚУРУЛТОЙИ Биринчи мажлис (Ўртоқ Зиновьев нутқининг давоми)

Ўртоқлар! Кўрдингизки, иккинчи байнал-  
милал билан учинчи байналмилалнинг айир-  
маси недир?

Бу олимларнинг ё муллаларнинг мубоҳаса-  
си эмас. У ишчи-деҳқонлар учун ҳаёт-мамوت  
масъаласидир.

Иккинчи байналмилал ўзининг энг порлоқ  
даврларинда «маданий» Еврўпа ваҳший Осиё-  
ға хўжалиқ этарга тейишли<sup>1</sup> деярга эди.

Штутгартда 1907 нчи йилда байналмилал  
кўнфрансда сотсиал-демократ меншевиклар-  
нинг кўписи мутараққий мустамлака сиёсати  
тарафдори ...нлар эди. Алар сўзда айтар эди-  
ларки, «бу инсониятпарварона маданий бир  
мустамлака сиёсати бўлажақдур» деб, фақат  
ҳақиқатда эса капиталистларнинг йўлбарслар-

ча мустамлака сиёсатинда тарафдорлар бўлди-  
лар. 1908 нчи йилдан бери буржувазларга кў-  
мак этиб, оқ унсурнинг сариқ ва қора унсурга  
ҳоким бўлувин тарафдори бўлган иккинчи бай-  
налмилал 1914 нчи йил Еврўпа уруши бошлан-  
гач, ўзунинг қийматин йўқотди.

Коммунистический 3 нчи байналмилал  
биринчи куниндаёқ айтар эдики, Осиёда,  
Еврўпада яна кўб халқ яшайдир; Осиёда 800  
милйўн халқ яшайдир. Биз бутун инсонларни,  
бутун меҳнаткашларни қайси йўл билан бўлса  
бўлсун озод этарга тиришйик<sup>2</sup>. Аларнинг қора,  
оқ, сариқликларина аҳамият бермайлик. Биз  
бир киши иккинчи кишининг кучиндан фой-  
даланувин тиламаймиз. Муни тушунмаган  
сотсиалистларни биз сотсиалист санамай-  
миз. Биз буржувазияга ёрдам этган одамлар  
билан курашабиз. Алар қайсики сотсиалист  
соглашателлар буржувазияга ёрдам этганла-  
ри ҳолда, эзилган миллатларга ёрдам масъа-  
ласига келганда бетараф қоладирлар. Биз бу  
эътиқоддамизки, хабашийларни-да ва бошқа  
меҳнаткашларни-да қуролландириб, бошқа  
ситамдийда, мазлум меҳнаткашларни ҳозир-  
лаб, бутун жаҳон жаллодлари курашига савқ  
этажак<sup>3</sup>.

Шунинг учун учинчи байналмилал иккин-  
чи кўнфронсинда биз ишимизни битиргандан  
сўнг биз шуларни аҳд этдик. 37 мамлакатнинг  
коммунистлари томонидан бир манифест та-  
рандиқ. Биз бу манифест билан бутун жаҳон  
пролетариятина, сотилиқ<sup>4</sup> сотсиалистларнинг  
сирларин очиб бердик. Ул сотсиалистлар шу-  
лардирларки, тўғри ва эгри йўллар билан бир  
миллатнинг иккинчи бир миллат тарафиндан  
ютулувин тарафдоридирлар.

Мустамлакаларда бош кўтарганларга ёрдам  
этув ўрниға буржувазияга ёрдам этадирлар.  
Масалан: Англия сотсиалистлари Ирландия,  
Миср ва Ҳиндистон инқилобчиларига ёрдам  
бермайди.

Мундағ сотсиалистлар ўққа лойиқ бўлмаса-  
да, ҳақоратқа лойиқдир. Алар фуқаронинг на

<sup>2</sup> Ҳаракат қиламиз.

<sup>3</sup> Чорлайди.

<sup>4</sup> Сотқин.

<sup>1</sup> Керак, лозим.

ваколатномасиға ва на-да эътибориға мазҳар<sup>1</sup> бўлмайдир.

Будир бизнинг баёнимиз; будир тантанали аҳдимиз; биз Еврўпа ва Амриқо пралетариятининг вакиллари қаршусинда шундағ аҳд этдик. Тантана билан Бокуда эълон этабизки, бу ерга йиғилган Шарқ аёллари вакилларининг олдинда яна шул аҳдимизни қутлаймиз.

Мазлум миллатларга қарши вазифаларин унутқан ул одамлар билан биз ҳаёт эмас, ўлум курашин давом этдирамиз. Биз фуқаро синфини эзиб маҳв этувчи капитал ва капитал хўжалари билан ...мсиз суратда курашажақбиз.

Ўртоқлар! Коммунист байналмилалининг бутун Шарқ меҳнаткашлари билан биродарона алоқа боғламоқ истаганлигин ман сизга сўзладим; ман умид этаманки, бир иттифоқни сиз ҳам истарсиз. Еврўпа фуқароси ҳозир кўрадирки, ҳар бир одумда<sup>2</sup> тарихнинг кетиши Шарқ меҳнаткашларини Ғарб ишчилари билан алоқадор этмишдир.

Аларнинг ғолибият ва мағлубияти биргадир. Ҳар бир одумда Германия ва бошқа мамлакат ишчилари кўрадирилarki, қийин замонларда буржуазия бўяма унсурларни Еврўпа қаршусиға кўндуруб, буржуазия Германия ва бошқа мамлакатларда бўяма сотсиалистларни олға сургандир.

Ҳозир Италия буржуазияси ўз ишчиларин агар қўзғала қолсалар, капитал кучи билан турли қўшунлар кетирув билан қўрқутади. Еврўпа ишчилари ҳозир аччиқ тажрибалардан сўнг иккинчи байналмилалга инонган замонларинда тушунмаган сирларга тушундилар. Шарқ халқи билан яқин муносабатда булунган тақдирда бутун жаҳон меҳнаткашлари билан бирлашувин Ғарб ишчилари билирға тейишли.<sup>3</sup>

Бутун Шарқнинг миллиўнларча аҳолиси-да мунга тушунирға тейишли.

Ўртоқлар! Ҳар қайсингиз ўз жойингизға қайтқач, вазифангиз ҳар бир деҳқон, ҳар бир меҳнаткаш, ҳар бир камбағалга шуни англа-тувдирки, биз мундан кейин бир-биримиздан

англашмайинча бир қадам-да қўймайбиз. Биз, бутун фуқаролар, Шарқ халқлари билан бирлашмагимиз лозим.

Бу бирлик билан умумий душманимизни маҳв этабиз. Ҳоли ҳозир ҳам ул душман кучлидир.

Бизим бу қурултойнинг биринчи мақсади будирки, миллиўнларча Шарқ деҳқон фуқаросини уйғотмоқдир. Биз Шарқ халқларина бутун жаҳон ишчилари билан яқин муносабатда бўлунмаса, ҳозирги қийин аҳволдан қутулув мумкин бўлмаганлигин тушунтирарға тейишлимиз. Бу бирлик соясинда меҳнат капитални енгажақдир. Неча йиллар бўйунча сизни эзиб, маҳвингиз учун тиришқан Франция ва Ангилтарани<sup>4</sup> йиқитмоқ мумкин бўлади. Шул вақтдағина бу мукамал ғалаба таъмин этилажақдир.

Ўртоқлар! Учинчи байналмилал биринчи баёнотинда кўрсатдики, ҳозир дунё ҳоким ва маҳкум миллатларга бўлунмишдир.

Ҳоким миллатлар шулардирки, алар дунёнинг ярмисини ўз тирноқлари остинда тутадирлар. Маҳкум миллатлар шулардирилarki, ҳоким миллатларнинг тирноқлари орасинда маҳв бўладирилар.

Иккинчи байналмилал бу ҳақиқатларни очиқ сўйлавадан б...ди. Иккинчи байналмилал бирликдан дам урди<sup>5</sup>; локин ҳаётға татбиқ этувни ўйламади.

Коммунистический байналмилалнинг иккинчи кўнфронсиясинда Москвада ... яна бир мартаба такрор этдик. Дедикки: «Дунё ҳоким ва маҳкум миллатлар орасинда бўлунмишдир».

Уруш бошланмасдан илгари ва сўнгра биз буни баён этдик. Бу масъала билан мароқланган кишилар маним «Уруш ва сотсиализм бўҳрони» исмли асаримни ўқусунлар!

Биз ишларимиздан бирисинда рақамлар билан кўрсатдики, урушдан илгари дунё мундай тақсим бўлунар эди.

<sup>1</sup> Сазовор.

<sup>2</sup> Одим, қадам.

<sup>3</sup> Билиши керак.

<sup>4</sup> Англия.

<sup>5</sup> Гапирди.



**Иштирокиюн, 1920 йил 1 октябр, жума, №201  
Шарқ элларининг қурултойи**

**Иккинчи мажлис, иккинчи сентябр, кеч**

Мажлис соат 2:25 минутда ўртоқ Зиновьев томониндан очиладир.

Зиновьев фирқа ва фирқасизлар фракциясининг ризолиғи билан қурултойнинг музокарасиға яна бир масъала ортирилганлиғин, бу масъала ўртоқ Радекнинг (байналмилал аҳвол ва Шарқ халқларининг бугунги вазифаси) ҳақида маърузаси бўлуб, дақлад битгач, кечаги ўзининг иккинчи ва учинчи байналмилал ҳақида қилинган дақлади билан бирга бу ерда музокара қилиниб бир қарор чиқарулувин эълон этар.

Ўртоқ Радек олқишлар ортидан сўз бошлайдир. Онинг сўзин ўртоқ Муҳаммад Амин Афандизода туркчага ўзгартадир. Радек ўртоқлар бугун бу ердаги манзара бу қадар даҳшатли, у қадар умидлидирки, мунинг қаршисинда ҳайрон қолмаслиқ мумкун эмасдир. Кечаги манзара бизга яхши умидлар берди. Биз кечаги кўриниш билан Шарқ вакиллари танидик, бу кўриниш бизга кўрсатдики, Шарқ вакилларида Ғарб пролетарияси билан қўл қўлга беришлар. Капитал, байналмилал пролетариатнинг нақадар душмани эса шу қадар Шарқ халқларининг-да душманидир. Шунинг учун-да қурултойнинг прўграмиға бу масъалаларни киритганмиз, бирлашиб курашув ҳаққинда музокара этмак истадик.

Бугун биз байналмилал капиталини яхши текшириб қарасак, Русия чорлиғиндан бошлаймиз. Русия чорлиғининг муҳташам ва қувватли кунларинда ул ҳар вақт Ангилтаранинг Шарқ мустамлакасини қўлидан чиқариб, ўз қўлига олмоқға тиришар эди. Шунинг учун ҳар вақт жанубға ташлар эди. Ул Шарқ халқларини ўз қўлида эзиб, бу йўл билан Шарқда Ангилтара сиёсатин бўғмоқни истар эди. Ул вақтлар Ангилтара бошқа бир вазият олған эди. Ул вақт алар Русиянинг фикрин англағач, ситамликларни ўз қўлларинда қолдирув учун Туркия ва Эронни ҳимоя этиш билан майдонға чиқдилар.

Русия ичинда ихтилоллар кўтарилиб, Русиянинг заиф тушганин кўргач, Ангилтара ўз сиё-

сатин ўзгартирди, бу тарихдан сўнгра ингиллар ортиқ рус таҳликасиндан ўзларини амин санадилар. Мустамлакаларни қўлида сақламоқ учун бирдан-бир йўл топдиларки, у-да эса Туркия билан Эронни парчалаб зафлаштирмак эди.

Вақти ила рус қазақлари Эрон миллат мажлисини тарқатқач, хонлар кўмаги билан ингиллиз гўё миллий истиқлолни муҳофаза этмак вазиятин олдилар.

Фақат Русияда ишлар ўзгардикдан, империалист ҳукумати йиқилдикдан сўнгра ўзлари Эронни эзмак, заифлатирмак сиёсатин тақиб этмакка бошладилар.

Масъала бунинг билан битмади, Русия чорлиғи йиқилған бўлса, майдонда янги бир рақиб бор эдики, у-да эса гермонлар эди, гермонлар яна нуфузларин Шарққа ташлаб, мустамлакаларни қўлда қолдирирға тиришар эдилар.

Демак, шу сабаблардан 1914 йилнинг даҳшатли уруши бошланди. Бу урушда ҳар икки тарафнинг шиори миллатлар озодлиғи эди. Масалан, ингиллизлар; Туркия султонлари, сербларни, арманларни ва бошқаларни эзиб, маҳкум ҳолда тутадирлар, аларға зулм қиладирлар; бу эса (... бир сўзни ўқиб бўлмади); шунинг учун биз ул миллатларни зулмдан қутқарамиз дея айтдилар. Ҳолбуки, ғолибият натижасида очиқ ва ошкор англадик, зотан, инкоридан ҳам англағанлар бор эди.

Аларға шу замонлар дер эдиларки, сизнинг мақсадингиз мазлум ва маҳкум миллатларни бошқаларнинг зулминдан қутқармоқ бўлмайинча, балки бошқаларнинг қўлинда бўлған миллатларни аларнинг қўлидан олиб ўз буйруғингиз остина солмоқдир, ҳақиқатда шундоқ бўлди-да.

1914 нчи йилда бошланған уруш энг ниҳоят Англия, онинг муттафиқи бўлған империалист ҳукуматларнинг ғалабаси билан эди. Англия ва муттафиқлари Германияни ўз юмруқлари<sup>1</sup> остиға олғандан сўнг Шарқ масъаласи орасинда буюк бир девор каби турған Туркия масъаласини ўртаға солдилар. Бир қарор узра арманийларнинг, арабларни Алжазира, Сурия арабларининг, соҳил бўйи юнонларнинг

<sup>1</sup> Мушлари.

истиқлолиятларини бир сўз билан уруш аввалдаги шиорларни бир тарафга ташладилар. Натижада ҳалиги миллатлар ингиллизларнинг бармоқлари остинда қолдилар. Бунинг билан бирга мустақил ҳукуматлар дарди мақсадлари бор эди. Алар бунда истифода этажак эдилар.

Бунга мисол этиб шуни кўрсата оламанки, ингиллизлар Байнаннаҳрайнга<sup>1</sup> истиқлолият бердиқлари замон аларнинг энг ақлиги ва капиталист маданиятнинг паҳлавони бўлган Лойд Жорждан сиз Алжазиранинг маҳсулдор ерларин олдингизми деб сўрадилар. Ул замон ингиллизларнинг маскаси остиндаги ҳийла майдонга чиқди. Лойд Жорж ул вақт албатта бу масъала бизнинг фойдамизга ҳал этилди деб жавоб берди. Ҳолбуки, порлимонда<sup>2</sup> қаноат ҳосил бўлмади. Алжазирада капиталистларнинг ишларига ярайтурғон газ ва нефт маъданлари бор эди. Ингиллизлар бу ерларни ўз қўлларига олмаганлар эди. Алар Алжазира масъаласиндан мақсад арабларни қутқармоқ бўлмасдан у ерларнинг нефтин ўз қўлларина олмоқ эканин исбот этдилар. Ўртоқ Радек Арманистон масъаласига келгач, марш ҳавлисинда армани кўнгиллиларин тўплаб, Мустафо Камол пошага қарши юборишлариндан баҳс этиб дейурки: Мунда бир қадар сиқилгач, аларни бош бошқа бошлаб, Мустафо Камол поша қўлинда ҳалок эттирдилар. Демак, Арманистондан мақсад арманиларнинг истиқлолияти бўлмаган, ўз бойларининг фойдаси учун аларнинг қонин оқизмоқдир.

«Арманистонга қандай истиқлолият берасиз, алар учун нима қилмоқчи бўласиз?» деган саволга ингиллиз бойларининг фойдасина ишлайтурган бир газета «Бу масъалалар у қадар аҳамиятли эмас» деб жавоб берадир. Арманийлар Антантадан кўмак истаган вақт «Сизнинг ниятингиз йўқки, биз сизга кўмак берсак» дер эдилар. Алар Арманийлар учун бўлмайча, балки ўз капиталистлари учун чолишар эдилар<sup>3</sup>.

Алар Арманийлар учун бўлмайча, балки ўз капиталистлари учун чолишар эдилар.

Нотиқ Антантанинг ўз адресинда бузулган миллатларга маориф ва маданиятдан ҳеч нарса бермадикдан баҳс этар. Сўнгра Еврўпа урушига ҳар давлатнинг нақадар ақча қўйганин рақамлар билан кўрсангиз, маълум бўлурки, Еврўпа капиталист давлатлар бутун бойлиқларининг тўртдан уч улушини урушқа қўйганлар.

Нотиқ яна сўзинда давом этиб:

Европа капиталист давлатлари уруш вақтинда кўп бурчларга<sup>4</sup> бордилар.

Бу бурчларни қопламоқ тейиш<sup>5</sup> эди. Бунинг Шарқдаги заволи<sup>6</sup> мазлум миллатларни сўйиб, эзиб, аларни ҳайвон каби қопламоқ бўладурлар.

Еврўпа капиталистлари Германияни эзгандан кейин жаҳон бозорини ўз қўлига олди. Бунинг билан ҳам кифояланмасдан, яна Шарқда янги-янги бозорлар қўлина туширмоқ учун тиришадирлар. Шунинг учун Туркияни-да парчаламоққа, Эронни-да ютмоққа киришдилар. Ҳатто шул сиёсатни Русияга-да кўрсатадилар ва кўрсатажаклар.

Сўнг замонларда (...учта сўзни ўқиб бўлмади) кўрган Лойд Жорж: «Шарқ ижтимоий бир инқилоб қаршисида турадир», – деб очикдан очик сўзлай бошлади ва мунинг учун-да бутун дунё буржуазасин иттиҳод ва иттифоққа чақирадир.

Нотиқ умум болшевиизмнинг Ғарбда тарқалувидан сўз очиб дейурки:

Франсия вазирлариндан Климанс: «Германия эзилгандан сўнгра ортиқ болшевиизмадан кўрқинч юқадир, чунки болшевиизма фақат мағлуб миллатларга махсус бир хасталиқдир» деб сўйлайдир, ҳолбуки, мунга эътиқод этган буржувазли Франсия ичинда инқилоб ҳаракатлари кўрсатган ишчиларни осув-отув билан жазолайдир.

Англияда, Ирландияда, Мисрда яна инқилоб ҳаракатлари кундан-кун ортмоқдадир.

Ҳиндистонда ҳар кун ихтилоллар ва исёнлар бўлиб турадир. Англия ва муттафиқларининг чоралари ҳар бир биридан узулгандир.

<sup>1</sup> Икки дарё оралиги – Фрот ва Дажла дарёлари.

<sup>2</sup> Парламентда.

<sup>3</sup> Ишлардилар.

<sup>4</sup> Бурч, қарз маъносиди

<sup>5</sup> Керак.

<sup>6</sup> Бечора.



Алар бир мустамлакага тайин этатурған волий ва хокимларга Қуръондан баъзи бир оятларни ўргатиб, шунинг билан мусулмон халқин қондириб<sup>1</sup>, ғафвол<sup>2</sup> этиб келадирлар.

Биз ортиқ умид этамизки, Шарқ меҳнаткашлари Шарқ аҳолиси бу ҳийлаларни кўпдан англағанлардир. Энди ортиқ ул капиталнинг ҳийлалари занжирин остинда яшай олмаслар.

Нотиқ Русия инқилобина қайтиб, Русияда инқилоб ҳаракатини сўндирмоқ учун Европа ҳукуматларининг нақадар интригалар чиқарувиндан Юдинич, Калчак ва Деникин оқ ўрдурларина не каби ёрдамда бўлунувлариндан баҳс этадур.

Русия меҳнаткашлари ўз имтиҳонларини бердилар; Шарқ меҳнаткашларининг-да ўзларини Ғарб капиталистларининг зулмидан қутқармоқ учун мундан ибрат олмақлари тейишдир<sup>3</sup>. Шунинг учун биз Русия шўролари номидан деймизки, биз Шарқ билан иттифоқ этсак, ул замон ғолибият бизникидир. Агар шарқлилар бизга кўмак этмасалар, ул вақт биз инсоният йўлинда маҳв<sup>4</sup> бўлиб кетамиз.

Ўртоқлар, Русия меҳнаткашлари сизга дейурки, сизларга чиндан-да сармоя ва сарватдорларга ва жаҳонгирлар занжиридан қутулуб, эрқда яшашни истасангиз, қуролга ёпишингиз! Инқилобни давом эттирингиз!

Биз Шарқда инқилобга берилган вақтимизда Ғарб сармоядорлари ва жонворлари бизга Шарқ даҳшатлари Еврўпа маданиятини сўндириб, маҳв этмак истайдир деяжаклар. Биз аларга қарши, албатта, биз маданиятни маҳв этажакмиз, ул маданиятни, тўп ва милтиқлар билан ожизланиб, бутун дунё меҳнаткашларин маҳв этмакка бошлаған ва ҳозирда ҳам қўлин тортмаған, мундай маданиятнинг маҳви лозимдир, онинг ерига ҳақиқий инсоният ва маданият қурамыз. Ва бу маданиятнинг юзага чиқмоғина борлиғимиз билан тиришамиз деб жавоб берамиз (олқиш).

<sup>1</sup> Алдаб.

<sup>2</sup> Ғафлатга тушириб.

<sup>3</sup> Керақдир.

<sup>4</sup> Йўқлик.

**Иштирокиюн**, 1920 сана 3 октабр,  
якшанба, №203

**ШАРҚ ЭЛЛАРИНИНГ ҚУРУЛТОЙИ**  
**Иккинчи мажлисининг давоми**

Бунёдзодадан сўнг сўз Туркия вакили ўртоқ Баҳо Шокирга бериладир.

Баҳо Шокир:

Ўртоқлар!

Қаттиқ бир алам остинда қолған Туркиядан учинчи байналмилал кўнфиронсиясиға туркум-туркум вакилларнинг келувларин сабабин биласизми?

Сизларга бунинг сабабларин кўрсатмак ва аларни сайлаб юборғанларнинг ҳолати руҳиясининг таржимони бўлмоқ истабман.

Ишта<sup>5</sup> бу сабаб қийматлу Ленин ва рафиқларининг<sup>6</sup> буюк ижтиҳод ва саъйлари билан вужудга кетурдуқлари учинчи байналмилал бутун инсоният дунёсини «қуллуқдан қутқазув» ваъдасидир. Қуллуқга тушув қўрқинчинда бўлган бир миллатнинг халос топмоғи эса мавъуд<sup>7</sup> саодати башария<sup>8</sup> учун бир она истиҳлолдир<sup>9</sup>.

Ўртоқлар! Сизни таъмин этаманки, сизнинг орангизда Туркия вакиллари қадар буюк бир ҳусни нийят<sup>10</sup> ва юксак бир эътимод<sup>11</sup> билан кўнфиронсга келган вакил йўқдир; фақат бу ҳусни зан<sup>12</sup> важибангиз умид суқути хаёлга<sup>13</sup> мутабаҳҳир<sup>14</sup> бўлмови<sup>15</sup> керак; акс ҳолда, ёлғиз Турк миллатининг ҳусрон ва маломати ила қолмас, инсониятнинг энг улуғ бир қисмини ташкил этган Шарқнинг инқилоб қопқалари-да<sup>16</sup> қопанир<sup>17</sup>. Шарқ инқилобинда Туркиянинг рўли Петшувални уйланган даражадан-да ортиқ муҳимдир.

<sup>5</sup> Мана.

<sup>6</sup> Ўртоқларининг.

<sup>7</sup> Ваъда қилинган.

<sup>8</sup> Одамларнинг бахт-саодати.

<sup>9</sup> Бошланғич.

<sup>10</sup> Ҳусни нийят – яхши ният.

<sup>11</sup> Ишонч.

<sup>12</sup> Ҳусни зан – яхши гумон.

<sup>13</sup> Суқути хаёл – умидсизлик.

<sup>14</sup> Чуқур.

<sup>15</sup> Бўлмаслиги.

<sup>16</sup> Қопқа, эшик.

<sup>17</sup> Ёпилур.



Буни яхши англаган инглизлар Туркияни қўлда тутиб, Шарқ дарвозалариндан инқилоб учқунин юбормасқа тиришадирлар.

Ўртоқлар! Биласизки, бу кунларда Онатўли капиталистлар империалистларга қарши бугун кучи билан урушадир. Бу шундоғ бир урушки, жаҳон подишоҳлигин истаган Епрўпа ваҳшийларининг инсоният ҳашаротларининг бирлигига қарши қўзғолувчи фақир ва йўқсил халқнинг келажакдаги ёзмиш билан бойлангандир. Асосан бу бир уруш эмас, инқилобдир.

Аскарый кучин тўрт йил жаҳон ўрдуларига қарши кўрсатган Гермон ва Австрия миллат ва ҳукуматлари Турклардан ўн қат ортиқ нуфусга юз қат ортиқ қуролга жаҳоннинг энг буюк фабрикаларининг хўжа бўлғонлари ҳолда бугун ожиз бир ҳолда қолдилар. Ажабо, бунинг сабаби нима? (Шу ердан бир неча сатирни ўқиб бўлмағонлиги учун кўчириб бўлмади. Идора)

Нотиқ Маркснинг назариятидан Еврўпа иштирокиюн фирқалариндан ва аларнинг инқилобиндан баҳс этар:

Ўртоқлар! Шу муносабат билан муҳим бир нуқтадан баҳс этмак истарман. Бу-да Онатўли ... империалист ва капиталистларга қарши ярали арслонлар каби очқан қуролли курашинда бир фаолият ичинда экан, назарётчилик ғайрати билан муқовамат<sup>1</sup> ва кураш қувватини сочмаслиқ ижоб этадир<sup>2</sup>.

Сиз, Рус шўролари, моддий ва маънавий ёрдамларингиз билан, сиз ҳам, эй Ғарбнинг мазлум пок юракли инсоният пешволари, маънавий ва мутаомоддий ярашингиз билан ёрдам доимо ёрдам этингиз!

Шарқнинг ҳассос ва ҳассос булдиғи ҳавасли руҳина Ғарбнинг макина ҳаётиндан туғқан қонунлари бу кунларда тамоман татбиқ этила олмайди. Ва тарзи татбиқни ҳеч бир «Пиқулүф» жойиз ва дуруст кўрмас.

Шарқнинг ҳассос руҳ виждонини сизга тамоман очиб бермоққа маним иқтидорим етмайди. Сизларга фақат шуни айтаманки, Шарқнинг, айниқса, туркларнинг ҳаёти ижтимоия ва аҳволи руҳиялари ғарблиларникиндан кўп бошқадир. Шарқлилар у миллатлардирки,

бутун дохий деган ... бутун Ғарбни бўлтурган маориф намоёндалари зуҳур ва интишор этгандир.

Биоаналайх<sup>3</sup>, Шарқ кўнгли Ғарб кўнглидан бус-бутун бошқадир. Туркиянинг бугунги ҳаёти ижтимоияси Ғарбнинг ва Шимолнинг ҳаёти ижтимоиясиндан айрим ва бошқадир.

Туркияда ҳуқуқ ташкилоти йўқ кабидир ва бўлғонлари-да Ғарбникига ўхшамайди. Онатўли чин маъноси билан бир демократический ҳаёти ижтимоияга моликдир. Шу қадарки, бу кўп жиҳатлар билан Европа ва ҳатто Амриқонинг демократический ҳукуматларига ҳам ўхшамайди. Алардан ҳам демократдир.

Туркия уламосининг ҳоқимияти Европа папасининг ҳоқимияти билан ўлчанмасун! Чунки ташкилотлари бўлмағандан инқилоб чиқара олмайди.

Турк зобитлари эски Русия ва Гермон ўрдлари ва зобитларина ўхшамайди, чунки синф фарқи бўлмаган халқдан чиқадир. Ёш зобитлар ва амирларимизнинг кўпи халқчидир, инқилобчидир. Инқилобларда энг зиёда ... бўлган ... бўлмоқдадир.

Туркия зиёлилари (бир қисм истисно этилса) буржувазиянинг сафил<sup>4</sup> воситалари бўлмоқдан узоқдирлар. Бу куннинг мунаввар ёшларининг бир муҳим қисми «Тавфиқ Фикрат»нинг шогирдларидирларки, у Тавфиқ Фикрат. «Тарихи қадим» сарлавҳали шоҳ манзумаси билан, капиталист Еврўпа маданиятини талқин ва бугунги ижтимоий инқилобни тасвир этадир.

Нотиқ Туркия буржувазиясининг Еврўпа буржувазиясина карағанда заиф бўлдиғин ва буржувазия дунёсинда Туркия буржувазиясининг ҳеч нарса ишли олмағонлигин исбот этадир-да, Ер масъаласига кўчадир.

Онатўлида ер масъаласи тамом бошқадир. Ернинг кўпи вақф қўлиндадир. Ернинг ҳақиқий хўжаси ҳукуматдир. Биров ернинг қонунномаси бўйинча қўлиндаги ерни уч йил муддатга ... заръ<sup>5</sup> этмаса, ҳаққи тасарруфи соқит бўлур.

<sup>1</sup> Қарши туриш.

<sup>2</sup> Ижоб этадир – керакдир.

<sup>3</sup> Шунга кўра.

<sup>4</sup> Пасткаш.

<sup>5</sup> Деҳқончилик.



Ҳар қандай бир ерни беш йил муддат билан заръ этса тасарруф эта оладир. Демак, ... деҳқонга ... оздир.

Онатўлида ер масъаласи оддий бир тақсим билан ҳал этилмайди ва халқнинг рафоҳи<sup>1</sup> эмин этилмайди. Нотиқ хотунлар масъаласининг Шарқда энг нозик бир ҳассос масъала бўлдуғиндан баҳс этиб, сўзини шу сўзлар билан битиради:

Ўртоқлар, Туркияни инқилоб йўлинда нақадар ҳозир эканлигин сизга қисқача айтиб ўтаман.

Биз, туркиялилар, бир қатра қонимиз қолганга чоқли кураш ва инқилоб йўлинда юражақмиз. Ғарбнинг ботил истило ва футуҳотчиларини ер юзиндан йўқотқанга чоқли жаҳоннинг бутун мазлум миллат ва синфлари билан қўлқўлга бериб курашни олиб боражақмиз.

Шуни ҳам арз этаманки, Шарқда инқило, шарқлиларни ўзи тамониндан ясалирга тейишли, ишта бу муҳим нуқтанинг ҳар бир инқилобчи хотиринда сақларга ва шу йўл билан борарга тейишли. Шу ҳолда ҳақ раҳ<sup>2</sup> ғалаба бизларда бўлуви ва ишончимиз зўрдур. Яшасун мазлумлар мудофиси<sup>3</sup> з нчи Интернатсионал!

Яшасун жаҳоннинг мазлум миллат ва синфлари!

Қадалсун, хоинлар, золимлар, империалистлар! **(олқиш)**

### **Иштирокиюн, 1920 сана 5 октабр, нўмир 204 Шарқ элларининг қурултойи**

Иккинчи мажлисининг давоми

Баҳо Шокирдан сўнг сўз Эрон инқилобчи вакили Ҳайдархонга бериллади.

Ҳайдархон:

Ўртоқлар! Бизнинг шоирларимиздан баъзиларининг шеърлари бизнинг кўп ҳолимизга жуда муносиб ва мувофиқ ёзилган. Масалан, Ҳофиз дейур:

Бар сари оғ агар зи даст барояд,

Даст баторий занаҳ зи ғусса сарояд.

Ўртоқлар! Табиий, бу шеърнинг маъносини тушундингиз. Бу шеър меҳнаткашлар учун кўп

муносибдур. Меҳнаткашлар юз йиллар билан Еврўпа сармоядорларининг қўли остинда эзилмактадирлар. Шеърда дейилурки: «Хаёлима келур ...».

Бу ерда ўртоқ Зиновьев ва Радек Шарқ масъаласига оид маърузаларда булундилар. Аларнинг нутқлариндан, манимча, энг аҳамиятлиги будирки, ўртоқ Зиновьев деди: «Биз Шарққа дипломатия билан ва фикрлар билан келмадик, биз Шарқ халқини тутқинликдан қутқармоқ учун келдик. Ва буни-да очикдан-очик айтамыз». Ўртоқ Радек дедик: «Биз, Шарқ меҳнаткашлари, қўл-қўлга беришиб, ўлсак-да бир ерда ўламыз, қолсак-да бир ерда қоламыз». Мана, ўртоқлар, бу масъала ғоят буюк масъаладирки, буни Шарқ халқи юз йиллардан бери кўзлайур. Бу вақтга қадар Шарқ халқи Ғарбдан бу сўзларни эшитмади. Алар Шарқ халқини ўлдирмоқ учун келар эдилар.

Ғарб буржувазияси бизнинг бошимизга нима балолар келтурмади. Биз оғир балоларни ҳар вақт Ғарб буржувазиясидан кўрдик ва кўрамыз. Агар биз – Шарқ меҳнаткашларининг бошига нелар келдигини кўз олдимизга келтирсак, кўрамызки, сармоядорлар Эроннинг, Ҳиндистонинг, Туркиянинг бошина нелар келтурмадилар.

Ўртоқлар! Эронда сармоядорларнинг ҳаракати шу даражага борғандирки, бир эронли бир ажнабий табаасига<sup>4</sup> бир сўз деса, бурчини<sup>5</sup> сўраса ёки бошқа бир даъвоси бўлса, Эроннинг ичинда Эрон табаасини ажнабийнинг мансуб бўлдиғи сафоратхонага<sup>6</sup> олиб бориб таяқлайдилар, иштироб<sup>7</sup> ва ҳибс этадилар. Бунинг билан ҳам тўқтамасдан 1908 нчи йилда Эронни ўзаро тақсим этдилар.

Ўртоқлар! Ғарб буржувазияси ҳар вақт бир ...си билан Шарқ устинда ёриш (рақобат) ясаб, шарқлилар устиндан яшаб келдилар.

1908 нчи йилда Эронни тақсим этиб, Германияни тиндирмоқ учун Потсдам аҳдномаси билан Германиянинг оғзина бир насиба тикдилар.

<sup>1</sup> Фаровонлиги.

<sup>2</sup> Йўл.

<sup>3</sup> Ҳимоячиси.

<sup>4</sup> Фуқаросига.

<sup>5</sup> Қарзини.

<sup>6</sup> Элчихона.

<sup>7</sup> Штраф, жарима.

Гермония Рейхистағида Эрон масъаласи музокара бўлинган замон ўлдирилган ўртоқларимиздан бириси-да бу ишларнинг ҳаммасини батамом аҳдномаси билан сиз ўзингиз ишладингиз, ҳали бунга-да кифояланмасдан Русия ва Ангилтара сармоядорлари золим ва мустабид Эрон ҳукуматининг ёниндаги текинхўрларга кўмак этиб, Эрон меҳнаткашларига зулм ва жафо қилдилар деган эди.

Энди Туркияга келсак, мундан илгариги нотиқ (Баҳо Шокирға ишора).

Турклар асло жаҳонгирлик учун урушмайлар, аларнинг мақсади фақат ўз хуррият ва истиқлолиятларидир. Европа жаҳонгир сармоядорларидан сақланиш эди. Жаҳон урушина-да алар шу мақсад билан киришдилар деди. Локин бу сўз тўғри эмасдир, янглишдир. Агар Туркия бу даъвоға қоришмаса эди, ани Франция, Ангилтара, Италия ва бошқа мустабид ҳукуматлар парчаламас эдилар. Энди Камол поша ўрдуси Туркиянинг меҳнаткашларин жаҳонгирлар қўлиндан қутқармоқни истайдилар. Агар Туркия ўзини халос этмак учун урушқан бўлса, золимлар қўлинда қолмас эди. Мустабид жаҳонгир ҳукуматлар Шарққа ва Шарқ меҳнаткашларига зулм этар эдилар ва шул меҳнаткашларни ўзларига қурол этиб тутар эдилар. Нотиқ Ҳиндистон тўғрисида шул сўзларни сўзлайди: Ҳиндистон 450 миллион нуфустан иборат. Англия шундоғ буюк Ҳиндистоннинг бойлиқин шундоқ ўзига торти. Ерли халққа ҳеч нарса йўқ. Англия сармоядорлари Ҳиндистон фуқаросин ҳўкиз ўрнинда ишлатадир. Демак, бутун Шарқни шул ҳолларга тушурган Англиядир. Ҳеч бир ҳукумат бу вақтгача анинг сиёсатин оча олмади. Энди шўролар ҳукумати анинг бутун сирин, бутун сиёсатин бутун дунё аҳилларига, айниқса, Шарқ меҳнаткашларига эълон этди. Ҳозир Англия ҳукуматининг бир катта душмани бўлса, ул-да Шўролар ҳукуматидир. Шўролар ҳукуматининг-да катта душмани Англия империализмидир. Ўртоқлар! Англия ва бошқа мустабид капиталистик ҳукуматларни Шарқ ва Шарқ мазлумларининг бошина солган балоларин кўрдингиз, энди Шўролар ҳукуматининг вакиллари бу ерга сизнинг билан қўлга қўл бериб, Осиёни зулмдан қутқармоқ истайдирлар.

Ўртоқлар! Бу кунларда Эронда инқилоб борадур, бу ерга келган вакиллар шул инқилобни қалқитувчи халқларнинг вакиллари дурлар. Биз бу ерда Шарқни жаллодлар қўлиндан қутқармоқ чораларини топайлик **(олқиш)**.

Ҳайдархон ўз нутқини тожикча ва русчага таржима этадир. Шунинг билан қурултойнинг иккинчи мажлиси кечаси соат 12 да ёпилади.

**Учинчи мажлис. 4 сентябр**

Мажлис кундуз соат 12 да очилур.

Ўртоқ Зиновьев учунчи мажлисни расмий суратда очиб, илгариги мажлисдаги маърузалар ҳаққинда партиясизлар фракциясининг раиси ўртоқ Норбўтабековга (Тошканд вакили) сўз берилганин эълон этадир.

Норбўтабеков (русча):

Ўртоқ Зиновьев Шарқ қурултойининг мақсадини очиқ суратда баён этти. Таассуфки, 15 минут сўз берилганидан бу оз вақт ичинда ман ўз фикримни бутунлай англата олмайман, шунинг учун ман ўз фикримни қисқагина айтиб ўтаман. Яхши қулоқ солувларингизни ўтинаман.

Инқилоб замонинда бизнинг Туркистонда кўп ҳоллар бўлиб ўтди. Аларнинг ҳеч бириси Туркистонда узоқ давом эта олмади. Ниҳоят шўролар ҳукумати тузилди. Шўролар ҳукумати Туркистон учун энг мувофиқ бир идорадир. Бутун туркистонлиларни саодатқа чиқаратурғон бир идора бор эса, у-да шўролардир.

Биз, шарқлилар, ғарблиларға ўхшамаймиз, Ғарб миллатлари бир неча сиёсатий даврлар кечиб турли ҳукуматлар ва идоралар кўрган дурлар. Алар ҳукумати мустабида – ҳукумати мутлақият<sup>1</sup> даврларин кўргани каби, маршрута<sup>2</sup> ва жумҳурият даврларин-да кўрганлар.

Шарқ эса ҳар вақт истибдод ва мутлақият кўриб келди. Биз, шарқлилар, Чингиздан олиб Абдулҳамидга қадар мустабид идора кўрдик. Истибдод бизнинг руҳимизни шу қадар эзганки, биз кўкда Аллоҳни, ерда амирларимизни, хонларимизни танидик.

Еврўпа капиталистлари Шарқни ўз қўллариға олғандан сўнг-да Шарқни эзмак, халқини қисмоқ билан ўзларини Шарқда яшатмоқ

<sup>1</sup> Мутлақ монархия.

<sup>2</sup> Чекланган монархия.



истадилар. Ниҳоят, Русия инқилоби «Шўро» шиорини чиқарди. Шунинг билан бирга, ўртоқ Ленин 1917 нчи йилда Шарқ халқларина бир мурожаатнома тарқатди. Ўртоқ Ленин бу мурожаатномада шарқлиларни инқилобқа даъват билан ўз эрklarини ўз қўлларига олирға чақирди.

Биз, шарқлилар, ўртоқ Лениннинг бу мурожаатномасин хитоби осмоний<sup>1</sup> каби талаққий этдик ва Русия шўролар идорасинда ўз нажот ва саодатимизни кўрдик. Шунинг учун Туркистон меҳнаткаши Туркистонда бўлган кўп хиристианларға қўшилмасдан, ҳаммаси шўролар йўли билан кетди.

Сиз биласизки, Туркистонда бойлар, миллатчилар, руҳонийлар тўполон чиқардилар, халқни шўроларға қарши қўзғатмоқчи бўлдилар. Халқ эса нажотини шўроларда кўрар эди. Ман муни фактлар билан исбот эта оламан. Вақти ила Самарқанд шаҳринда тўрт қизил аскар қамалиб қолган ҳолда аларни Туркистон меҳнаткашлари мудрофаа этдилар. Бугун Шарқ шўроларни қабул этдик-да, Шарқға махсус истиснолари бўлурға тейишлидир. Чунки Шарқ миллатларининг одот ва ахлоқлари ғарблиларникига ўхшамас, Шарқ халқларининг одот ва ахлоқи бутунлай бошқадир. Шунинг учун шўро сиёсати Шарқ халқларининг одот ва анъанаси билан ҳисоблашиши керак.

Русия ижтимоий инқилобиндан сўнгра бутун халқларнинг эрки ўз қўлларина берилмоқ шиори чиқди. Биз бу шиорға ҳозирғача инондик, тагин-да инонажақмиз. Шунинг учун уч йилдирки Туркистон халқи шўроларни ... лар учун фронтларда қон тўкиб ётадир.

Туркистонда эски Русия идораси замонинда бир неча мустамлакачилар бор эди. Аларнинг ул законларда юрутқан сиёсатлари ҳар кимга-да маълумдир.

Инқилобдан сўнгра шулардан кўплари ихтиёрларин қўллариндан юбормас учун коммунист маскаси тақдилар, яна коммунист оти билан элга янги мустамлакачилик сиёсатларин юрта бошладилар. Алар Русия шўроларининг душманларидирлар. Алар ўз ҳаракатлари билан халқни, Туркистон меҳнаткашларини

шўролардан бездирмоқ учун тиришадирлар. Бугун Туркистонда шўролар ҳукуматин яхши ўринлаштирмоқ учун, бу каби коммунист маскасин таққан миллатчиларни чиқармоқ тейишлидир<sup>2</sup>.

Нотиқ бу тўғрида бир неча фактлар кўрсатиб, нутқини шу равишча битирир: Шўро усули идорасини Туркистонда ўринлаштирмоқ учун коммунист оти билан эски чор сиёсатини юритадирған кишилар Туркистондан кулатирға тейишли (олқиш).

Норбўтабековдан сўнг сўз Доғистон вакили Қўрқмазовга берилади.

Қўрқмазов:

Доғистон халқининг сўнгги икки йил ичинда кечирган ҳоллариндан баҳс этадир. Доғистон меҳнаткашлари бу чоғли шов-шувлар орасинда шўролар Русиясини кўзладилар. Шўролар сиёсатининг фойдасина тиришиб гоҳ Деникин бандалари билан, Озарбайжон сиёсатчилари билан курашадирлар. Нотиқ ту... корнинг Доғистонда ишлаган ёмонлиқлариндан баҳс этадир:

Доғистон халқи икки фронтда урушади, фронтнинг бириси Деникин босмачилари бўлиб, иккинчиси-да алардан яхши бўлмаган Доғистон князлари, беклари, имомлари ва аларнинг фикринча юрган турк зобитлари ва пошалари эди. Доғистон меҳнаткаши уларнинг ҳар иккиси билан курашди. Ниҳоят муваффақ бўлди. Нотиқ Норбўтабековнинг нутқина ишора этиб:

Биз бу ерда бутун дунёга инқилоб туғдирмоқ истаймиз. Бу каби буюк бир масъаламиз бор экан, кичик нарсаларда баҳс этмак, Туркистонда бир коммунист кўринувчи кишининг ҳаракатини бу ерда танқид этмак ўринсиздир. Яна тўғриси, бу кичик масъалалар билан бош қотирғани келмадик. Нотиқ нутқини муқаддас уруш ва жаҳон империализимасини йиқитмоқ таклифи билан битирадир (**олқиш**).

Шу икки нутқ туркча, форсича ва бошқа тилларга таржима этилиб, шунинг билан учинчи мажлис ёпиладир.

<sup>1</sup> Осмондан келган хабар – мажозан ваҳий маъносида.

<sup>2</sup> Керак, зарур.

**Иштирокиюн**, 1920 йил 7 октабр, №206

**ШАРҚ ЭЛЛАРИНИНГ ҚУРУЛТОЙИ**

**Учинчи мажлис, 4 сентябр**

Ўртоқ Зиновьев кеч соат 7:45 минутда тўртинчи мажлисининг очилганин эълон этадир.

Раис ҳайъат раёсатининг қарорин эълон этадир:

1. Қурултой 9 сентябргача тамом бўлур.
2. Еврўпа вакиллариндан вақт оз бўлуви сабабли ёлғуз Англия ва Франция вакилларига сўз берилур.
3. Таржималар ҳам қисқа бўлуб, фақат форсийча, туркча, русча тилга таржима қилинур.

Раис илова ўлароқ маълум этадирки, муовин раислигига ўртоқ Наримониф билан ўртоқ Норбўтабекиф ҳамда раёсат аъзолиғига мусулмон хотунлариндан уч киши сайланганлар, бундан сўнгра ингилиз ишчиларининг вакили Камблум, франсуз ишчиларининг вакили Росмар, Ҳиндистон вакили Фазл Қодир, булғор вакили Бишаблин ўртоқларга сўз берилар. Булардан илгариги учи сўз билан сўнги бириси хат билан ўз ҳиссиётларин баён этадирлар. Энг сўнгиндан сўз Анвар пошага бериладур. Анвар пошанинг ёзган маърузаси Муҳаммад Амин Афандизода тамониндан ўқиладир.

**Анвар пошонинг маърузаси**

Орқадешлар! Бугун Боку шаҳрида дунё империализми ва капитализмига қарши уруш очган Шарқнинг ихтилолчи вакилларига ва учинчи байналмилал ва бунинг азмкор раисларига умум орқадешларим номидан ташаккур баён этаман.

Орқадашлар! Асрлардан бери оч-яланғоч фақир халқнинг қонини сўруб ўлдирган капиталистларга қарши очдугимиз шу уруш йўлида ёлғончи Оврўпа сиёсийларининг ёлғончилигининг буюклиги нисбатда ҳақ йўлида ва сўзига инонилур ва миллатнинг ҳуқуқи ва ҳаракатини танимоқни ўз программасига ёзган учинчи байналмилал каби бир муттафиқнинг ёнида ўрин олмоқга мувофиқ ўлдиғимдан ўзимни хушбахт санарман.

Туркия умумий урушга қатнашқан вақтда икки душман бор эди. Бириси Русия чори эдики, Истанбулни ютмоқ ва муттафиқлари эса бизни парчаламоқ ниятида эди. Бу имериа-

листлардан бошқа Гермон империалистлари билан иттифоқ қилиб ҳуқуқ ва истиқлолимизнинг муҳофазаси учун урушга дохил бўлдуқ. Баски Олмония империализми ҳам биздан ўз мақсадига кўра истифода этмакни хоҳлар эди. Мен бу тўғрида таассуфлар қилурман.

Траблуснинг иссиқ чўлларидаги араб чодирларидаги мани савқ<sup>1</sup> этган жаҳонгирлиқ исми эмас эди. Биз том<sup>2</sup> тўққиз йил Траблусни Италия империализмидан қутғаргунча чолишдуқ. Мужодала этдук. Ниҳоят италиянларни қулатишқа Озарбайжонда ҳам биз бир йўл тутдик ва Озарбайжонни озарбайжонлиларники деб биламиз, ёлғиз аҳволнинг инкишофи асносида зуҳур этган зарарларга ибтидо этмаймиз.

Орқадешлар! Мен умумий урушда энг буюк ўрин тутдим. Германия билан бирлашиб урушдик. Мундан жуда мутаассифман<sup>3</sup>. Айни замонда, ингилиз жаҳонгирларига қарши бўлган душманлигимни-да билдираман. Менча ишласдан халқнинг киссасидан бой бўлмоқни тушунганларни парчаламоқ керакдур.

Ишта<sup>4</sup> империализм ҳақинда тушунчаларим, биз Русия шўролар ҳукумути билан баробар ишламоққа қарор бердигимиз замон Юдинич ўрдуси Петербург деворларига қадар яқинлашмиш Қўлчақ Уралларни ошмиш, Деникин Масковнинг жанубига қадар етмиш эди.

Бу қўғирчоқларни ўйнашдан Оврўпа жаҳонгирлари ортуқ бу ўриндан муваффақият қозонган ҳисоб қўлларин уқалар эдилар.

Биз эсак Русия билан англашмоқга тиришдук. Агар Қора денгизнинг пўртанаси билан мен ўлтирган кема бузулиб, орқага қайтмаса эди ва Қодну, Риға ҳибсхоналарининг панжаларлари юзумни тўсмасе, мен тушуб учган тайёра ерга тушуб парчаланмаган бўлса эди, мен Русиянинг энг сиқилган замонида орангизда бўлур эдим.

Бугун баъзи орқадешлар маним қаршимга чиқган бўлмас эдилар.

Орқадешлар! Биз империалистлар урушида энгилдик, фақат мазлумлар урушида энгил-

<sup>1</sup> Чорлаган.

<sup>2</sup> Нақ, тўла.

<sup>3</sup> Афсусдаман.

<sup>4</sup> Мана.



маймиз, чунки дунёни ютмоқ ва қўлда бутуни истаган чорлиғи эмас, бу кун ҳақиқий муттафиқ ҳолига ўтган шўролар Русияси бунинг олдига сад чекмишдир<sup>1</sup>.

Мен эса бутун дунё мазлумлари учун бир ғолибият ҳисоблайман.

Орқадослар! Бугун бутун дунё жаҳонгирлари билан урушқа майдон очган Туркия мужоҳидлари қувватларини деҳқон ва ишчиларидан олурлар фақат бугун икки йилдурки қуролланган ҳолда империалистлар билан урушмоқдалар.

Туркия деҳқонлари бутун дунё мазлумларининг ҳаққини талаб қилғувчи 3 нчи байналмилал ҳеч кўрулмаган муваффақият ва музаффариятга етгунча чолишадилардур. Бу эса қатъий урушга еткуруб, империализм капитализмининг қўлидан қурол-яроғини олув билан эмас, тамом дунёдан йўқ қилув билан натижаланадур.

Биз доимо қувватимизни ишчи ва деҳқонлардан оламиз, улар ҳамма вақт биз билан бирга эдилар. Ҳозирда биз биландурлар, шунинг учун биз халқнинг эзилмиш қисми билан бирлаштук. Ва уларнинг дардларини эшитамиз. Биз халқнинг орзусини тушунмак ва ҳур яшамоқлари тарафдоримиз. Биз миллатларнинг ҳар бирини бўғизламоқларининг алайҳиндамиз<sup>2</sup>, шунинг учун Интернатсионал билан бирга кетамиз. Мунинг учун энг зўр қувватлар билан мужодала этамиз.

Орқадослар! Биз чолишқан халқнинг энг яқин тарафдори, керак оврупали, керак ерли бўлсин киши кучидан фойдаланувчи ...ларнинг алайҳиндамиз. Бизимча ишчи, хотун, деҳқон орасинда ҳеч бир фарқ йўқдир. Бизнинг ижтимоий тушунчамиз шулар.

Орқадослар! Сизга шуни башорат бераман, бу мужодала мени вакил қилиб бу ерга юборган Форс, Тунис, Жазоир, Траблус, Миср, Арабистон, Ҳиндистон жамиятлари бу мақсадда тамомила бизга шерик бўлув сурати билан жазн этгандурларки, қўлланур ҳар бир ихтилол йўли билан ўзларининг ... кемирган ваҳший хабарларнинг энг охирги ... уруб синдуруб урушни ер

билан яксон ... ларин ўз кўзлари билан кўрмоққа иймонлари ... .

Орқадослар! Бир мақсад атрофида тўпланган хизматкорларнинг қимирлаган қўллари бу ерда ... узатилмишдир.

Мен орқадосларим номидан ишимизнинг ... натижаланувига тамомила ишондимки, ҳоли охиригача баробар ишлайдирган қўлларни... ҳаммамиз учун дуода бўлунаман. Яшасин мазлумлар иттифоқи! Қаҳр бўлсин бу иттифоқ қаршисида золимлар!

**Иштирокиюн, 1920 сана 8 октабр, №207  
ШАРҚ ЭЛЛАРИНИНГ ҚУРУЛТОЙИ  
Тўртинчи мажлисининг давоми**

Анвар пошанинги маърузасиндан сўнг шунга қарши ёзилган Онадўли вакили ўртоқ Иброҳим Толенинги маърузаси ўқулур. Бу маърузани Туркия коммунистларидан Исмоил Ҳаққий ўқийдур. Иброҳим Толенинги маърузаси:

Орқадослар! 1914 нчи йил Еврўпада қўзғалиб-да ва қўлини Туркиянинг қон томирларина узатқан жаҳонгирлик талоши<sup>3</sup> тўрт йилдан кейин Туркияни йўрғун<sup>4</sup> бир ҳолда ташлади.

Асосан миллий ҳудудларининг тамоман ва оз истеҳсоли<sup>5</sup> қувватларини мудофаадан бошқа ғоя билан қурол тутмаган турк деҳқони, амриқоли ёлғончи профессорнинг (Релсоннинг) ортиқ мазлум миллатларга ҳаққи ҳаёт<sup>6</sup> ва ҳуррият, чолишқан<sup>7</sup> халққа рафоҳ<sup>8</sup> ва саодат ваъда этувчи профессорларига ишониб қўлини тутқан қуролини таслим этди.

Фақат сўнгидан бу қуролларнинг ўзига қарши қўйилғонин ва бутун ҳақ ва муқаддасотнинг<sup>9</sup> Ғарб капиталистлари номина уни бошлағанин кўрган ва сўнг<sup>10</sup> бир парча экмакнинг<sup>11</sup> қўлиндан олинажақина ишонган Туркия деҳқони уйғонди ва қўзғалди.

<sup>3</sup> Ҳовлиқмоқ, шошмоқ.

<sup>4</sup> Чарчоқ.

<sup>5</sup> Ишлаб чиқариш.

<sup>6</sup> Ҳаққи ҳаёт – имконият.

<sup>7</sup> Меҳнаткаш.

<sup>8</sup> Фаровонлик.

<sup>9</sup> Қадриятлар.

<sup>10</sup> Охирги.

<sup>11</sup> Нон.

<sup>1</sup> Сад чекмоқ – тўсиқ қўймоқ.

<sup>2</sup> Қаршимиз.

Орқадошлар! Ман сизга бу ерда бу қўзғолишнинг сабаб ҳам авомилини<sup>1</sup> ва бу қўзғолишдан тўғқан бугунги Онадўли ҳукуматининг моҳият ва сурати ташаккулини изҳор этаман.

Орқадошлар! Онадўли қўзғалишининг авомилининг бири дохийий, бири хорижий бўлиб иккига айриладир.

Хорижий омили: тўрт йил бўлди, турли жабҳаларда дунёнинг энг кучли жабҳаларда дунёнинг энг кучли буржувазий ҳукуматларига қарши чарпишқан<sup>2</sup> Туркия деҳқони пешона тер ва қўл кучи билан қозонган экмакини ўзи емак ва қишлоғинда роҳат яшамак учун теран бир эҳтиёж сезар эди.

Фақат дасисакорона<sup>3</sup> бир муторақа<sup>4</sup> билан қуроли қўлиндан олинган турк деҳқонининг устига асрлардан буён Туркияда Ғарб сармоясининг даллоли ва хизматкори бўлган пичроқ<sup>5</sup> жонларни Ғарбдан ва Дашноқ арманийларинида орқадан солдирмоқга қарор бердилар.

Турк деҳқони жаҳонгирларнинг ва бошқаларининг ҳар кетдиклари ерда қон, ўт ва бўмба билан чолишқан ва дунё неъматларини истехсол этувчи синфнинг манфаатини, озчилик ташкил этган бир қисм халққа фидо этувчи жонийлар<sup>6</sup> бўлдуғини билар эди.

Шунинг билан бирга, халқ бу золим қарорни мавқега татбиқ ва ижро этилмаслигин тушунгани учун бир неча вақт сукут этарга мажбур бўлди. Фақат миллатларнинг ҳурриятини мудофаа учун урушқанлигин даъво этувчи Франция ўзи томониндан ишғол этилган Сурия билан-да тўқтамайча, ёнғинлар ва ўлимлар билан отина Мараш ва Урфани яна истило этди.

...

*(Матннинг давомида Онадўли – Туркиядаги ижтимоий-сиёсий воқелик баён этилган. Инглиз ва француз мустамлакачиларининг, маҳаллий сармоядорларнинг кирдикорлари ҳақида гапирилган. Маҳаллий ишчи-деҳқонларнинг инқилоб учун қиладиган ишлари ҳақида сўзлаган).*

<sup>1</sup> Омиллари.

<sup>2</sup> Курашган.

<sup>3</sup> Ёлғон, алдов.

<sup>4</sup> Ярашув, сулҳ шартномаси.

<sup>5</sup> Кир, ифлос.

<sup>6</sup> Жиноятчилар.

Яшасин бу йўлда баробар юривчи инқилобчи Русия ва Онадўли ҳам буларга қўшилган ихтилолчи<sup>7</sup> Шарқ олами! **(олқиш)**

Бу икки маруза тўғрисида (*Анвар поша ва Иброҳим Толе маърузалари назарда тутилмоқда*) Шарқ қурултойи бир товущдан шул қарорни қабул этди.

### Қарор:

1. Шарқ халқларининг саъйиндан фойдаланувчи ва бутун дунё мазлумларини қуллукда тутувчи бутун дунё жаҳонгирларига, айниқса, ингилиз ва франсуз жаҳонгир таловчиларина қарши курашувчи бутун турк қаҳрамонларини қонфиронс шоёни тақдирдур. Учинчи иштирокиюн байналмилалининг чиқарган қарори каби Шарқ элларининг қўнфиронси ҳам Шарқ мазлумларини ажнабий жаҳонгирларининг занжири асоратиндан қутқармоқ мақсади билан бирлашган умуммиллий инқилобий ҳаракатларга музоҳиратни<sup>8</sup> эълон этадир.

2. Локин қўнфиронс Туркияда бошланган умуммиллий инқилоб ҳаракатининг ёлғуз<sup>9</sup> ажнабий золимларнинг қаршисинда бўлувин назари диққатга олароқ анинг муваффақияти турк ишчи ва деҳқонин зулматдан ва саъйининг маҳсули ила кечинган бир кўп унсурларнинг қўлиндан озодлиғини бермаяжагини истидлол<sup>10</sup> этадир. Бу ҳаракатнинг муваффақияти билан туркларнинг саъйи<sup>11</sup> билан кечинатурғонларнинг энг хасталиқли масъалалари ҳал этилмас ва бўйлача<sup>12</sup> зироат масъаласи вергу масъаласи ва Шарқнинг озодлиғина фойдали бўлган муҳим миллий низолар ўртадан кўтарилмас.

3. Қўнфиронс эскидан Туркия ишчи ва деҳқонларининг ёлғуз жаҳонгирлар манфаати учун урушқа ...ған ва Туркиянинг фақир синфининг кичик бойлар буюк зобитлар манфаати учун икки дафъа маҳвиға сабаб бўлган пешдорларина қарши фавқулудда ...корона ҳаракатни лозим кўрадир. Қўнфиронс ўтган қонли жаҳон

<sup>7</sup> Инқилобчи.

<sup>8</sup> Қўллаб-қувватлаш.

<sup>9</sup> Фақат.

<sup>10</sup> Хулоса қилмоқ, бир қарорга келмоқ.

<sup>11</sup> Ҳаракат, меҳнат.

<sup>12</sup> Шундай қилиб.



урушинда фаол бир вазият олган бу шахсларга ўзларининг ишчи халқга садоқатларини феълан кўрсатиб, ўткандаги янглиш ҳаракатларини тузатмоқларин эсларига туширадир.

Туркия ва бутун Шарқнинг ишчи синф ва ташкилотларина Туркияда умуммиллий инқилобий ҳаракатнинг боришина ёрдамни таклиф этадир.

...

Туркия фақат дохийий ва хорижий золимларнинг ҳокимиятиндан озод бўлмоқ билан ҳақиқий истиқлолина ноил бўлажақдир.

Шунинг билан тўртинчи мажлис кечаси соат 12:00 да ёпилур.

**Иштирокиюн, 1920 йил 9 октабр, №208  
ШАРҚ ЭЛЛАРИНИНГ ҚУРУЛТОЙИ  
Бешинчи мажлис, 5 сентабр**

Раис Зиновьев:

Мажлис кеч соат 7:00 да очиладир. «Мустамлакот ва миллият» масъаласи ҳаққинда ўртоқ Павлович дақлад қиладур. Таржимон Султонзода.

Павлович:

Ўртоқлар! Эскидан бери бутун капиталист мамлакатлар – Германия, Англия ва Франция ўз ҳуқуқларини, сармоядорларини мудофаа учун бутун Шарқ миллатларини ўзларига мустамлака этдилар.

Бу капиталист мамлакатлар ўз фабрикаларининг молларин ўтказмоқ учун Шарқ тарафини ўзларига бозор ясаб, Шарқга ташландилар, бир тамондан, Германия молдорлари ўзлари учун план қуруб Шарқни ўз ихтиёрларига олмоқга киришдилар. Алар Туркияни ўз ихтиёрларига олгандан сўнг Бағдодга темир йўл солиб, Ҳиндистонга қўл узатиб Шарқнинг дарвозасин тамоман ўзларига қора тўрға ўйлар эдилар.

Иккинчи тамонидан, Англия Ҳиндистонни, Эронни ўз қўлинда тутуб, Шарқнинг юрагига кирарга ҳеч кимни қўймас эди. Учинчи тамондан, эски Русия ҳукумати Туркистондан, Эрондан бошлаб Шарқнинг буюк қисмини қўлинда тутмоқ ҳаракатинда бўлди.

Ўртоқлар эски вақтдан буён жаҳоннинг буюк капиталистлари бир-бирин билан урушар

эдилар. Бу урушлар билан алар фақат ўз давлатларининг фойдасин кўзлар эдилар. Учинчи байналмилал ҳамиша мазлум халқнинг ўз капиталистлари қўлиндан қутулмоқларига тиришди.

Иккинчи байналмилал бу масъалани музокара этмасдан ўз капиталистлари билан баробар бу мустамлака ерларинда ўз давлатларининг фойдасига тиришадир эди.

Энди Шарқ уянди<sup>1</sup>, Еврўпа ўрниндан, сўнгра Русияда бошланган инқилоб Шарқга-да таъсир этди. Шарқни ўзларига қурол этиб, бутун бойлиқлариндан фойдаланувчиларга мундан сўнги кийин бўлажақ.

Маълумингиздурки, урушдан кейин бир кўп майда миллатлар: армани, гуржи, паляк ва бошқалар миллий ҳукумат ҳамлига кетурдилар. Бу ҳукуматларнинг бошиндаги буржуалар бир-бирини бўғиб ўлдирмоқ билан машғул бўлдилар. Масалан: Арманий ҳукумати уч йилдирки гоҳ Туркия, гоҳ Грузия, гоҳ Руссия билан урушмоққа машғул бўлди.

Шунинг билан-да алар уч мамлакатларини кенгайтиб, уч миллионлиқ ўз миллатларига шу қадар миллионлиқ миллатларни тобе этмак фикринда эдилар.

Ўртоқлар! Ҳозирги давом этиб турган уруш Русия шўролар уруши бўлмайча, Шарқ урушидир. Агар энди Антанта турк инқилобчиларига қарши кетса, бу-да ёлғиз Русия урушига қарши кетмак учундир. Шарқнинг бутун мазлумлари буни яхшилаб англайдилар. Шунинг учун Шарқнинг кўп ерларинда эзилган миллатлардан ҳақиқий пролетарият оёққа босиб, ўзларини мудофаа этмак учун уруш очдилар.

Бухоро, Эрон меҳнаткашлари ҳар вақт мулкдорларнинг қўлинда эзилди.

Бу буюк инқилоб бошланмасдан илгари капиталистлар икки муҳорабадан ўз манфаатларини топар эдилар. Амриқо ва Япўния ўз ҳарбий кучини ортдириб, янада капиталистларга фойда еткузмак истайдир. Ҳар тамонда Англия қўшинларининг сонин кўпайтириб янги урушқа ҳозирлайдур. Алар учун дунё империалистлари билан баробар урушқа ҳозирлансалар-да, ул ҳозирлиқни Шарқ инқилоби,

<sup>1</sup> Уйғонди.

шўролар ҳукумати билан бирликда маҳв этак<sup>1</sup> ва Англия зулминдан бутун дунё меҳнаткашларин озод этмакка муваффақ бўлажақдир. Яшасин Шарқ инқилоби, байналмилал Шарқ миллатлари! Битсин империалистлар! (олқиш)

Бу дақлад бошқа тилларга ҳам таржима этилур. Шу дақлад ҳаққинда музокара этув учун партиясизлар орасиндан Мутушов билан партия фракциясиндан Рискуловга 10 минутдан сўз берилади.

Мутушовнинг сўзин ўртоқ Мустафо Субҳий шу равишча таржима қилади:

Ўртоқлар! Ўртоқ Мутушовнинг сўйлаган нутқи сизга айнан таржима этмак маним учун мумкин эмасдир. Фақат мафҳамингина<sup>2</sup> сўзлаб бераман.

Ўртоқ Мутушов дейурки, ижтимоий инқилобнинг муваффақияти учун ер юзинда кўп асослар ҳозирланғандир. Ижтимоий инқилобнинг жоиз ўлдиғи маданиятдир. Бу маданиятнинг Епрўпа пролетарияти орасинда етишмиш Карл Маркс-да анинг вужудга кетурган мактабинда миллионларча меҳнаткаш – ишчи синфи ўқийдир. Фабрикаларда миллионларча эзилган инсонлар инсониятини тугирмак учун Европа империализими билан энг сўнг ва қатъий урушқа киришганлар. Бу инқилоб маданиятининг Шарқда-да инкишоф эттигини кўраимиз. Шарқнинг асрлардан буён эзилган фуқароси Еврўпа фуқароси билан қўл-қўлга беришганлар. Еврўпа ишчиларининг социалист, коммунист ташкилотларина қарши Шарқда-да меҳнаткашлар орасинда касаба иттифоқлари тузулган. Бугун Шарқ меҳнаткашлари Епрўпа буржуазиясиндан бошқа ўз оралариндаги бек, хон, пошалариға қарши синфий курашни бошлаб олиб борадирлар.

Бу инқилоб ҳаракатининг сабабин англамоқ учун Шарқнинг ва Шарқда яшовчи мазлум миллатларнинг қизғонч аҳволини назари диққатга олмоқ лозимдир. Масалан, Миср каби мунбит<sup>3</sup> ва маҳсулдор бир минтақанинг фақир халқи бўлгон ... Ингилтара капитализимасининг

зулминдан очлиқ ва сафолат<sup>4</sup> билан яшайдир. Шунинг учундирки, Шарқ меҳнаткаши Епрўпа пролетарияти билан бирлашади.

Эрон ва Туркияга ҳам қарасангиз, кўрасизки, у ерлардаги фуқаро ҳам Еврўпа ва Амриқо капиталистлари қонли тирноқлари остинда эзилмақдир.

Биноаналайх, керак яқин Шарқда, керак Узоқ Шарқда бўлсин, инқилобнинг асосларини доимо ишчи ва меҳнаткашларига қарши Еврўпа империализимасининг ўйнагон золимона рўлларин қарамоқ лозим келади.

Бугун Шарқнинг юз миллионларча мазлум ва маҳкум халқи большевиклар билан иттифоқ этадир, чунки бугун Шарқ меҳнаткаши муҳим бир масъала қаршисиндадир. Ё шўролар Русияси билан кураш майдониға чиқиб, дунё капиталистларининг зулминдан, ҳаётнинг машаққатиндан, ўзини қутқарур; ёхуд Русия шўролари билан баробар кураш майдонида маҳв бўлур. Яъни ё ҳаёт, ё мамот (олқиш).

Беш минутлиқ танаффусдан сўнг сўз Рискуловқа бериладир (Рискуловнинг нутқи келажак номерда).

### **Иштирокиюн, 1920 йил 12 октабр, №210 ШАРҚ ЭЛЛАРИНИНГ ҚУРУЛТОЙИ Бешинчи мажлис давоми**

Рискулов:

Ўртоқлар! Музокара этилмақда бўлган «Миллий ва мустамлакот» масъаласининг бизим учун энг буюк аҳамият ва маъноси бордир. Бошқа тамондан, шу масъаланинг жаҳонгир ва сармоядорлар учун-да буюк аҳамияти бор эди.

Сўнғи асирлардаги сармоядорлиқнинг тараққий ва инкишофини тақиб этсак, сўнг замонлар дунё жаҳонгирларининг бутун сиёсат ва ҳаёти ёлғуз миллий истимлок<sup>5</sup> асосина қурилғанин кўраимиз.

Кейинги вақтларда Еврўпа жаҳонгирлари Жануб ва Шарққа юз ўгуруб, бирма-бир Африқонинг қора саҳролариндан тортиб Озиёнинг сариқ чўлларига қадар бутун Жануб ва Шарқий қитъаларни ўз ораларинда бўлмоққа бошлай-

<sup>1</sup> Маҳв этмоқ – йўқ қилмоқ.

<sup>2</sup> Мазмунини.

<sup>3</sup> Серҳосил.

<sup>4</sup> Қийинчилик.

<sup>5</sup> Истеъмол, эгалик қилиш.



дилар. Ва шу сиёсат орқали ораларинда бир-бирларига қаршу ва тортишув бошланди. Сармоядорларнинг сафи кундан-кунга кенгайиб, ниҳоят жаҳон бозори устинда бўғозлаширға тутундилар. Бу орада оламшумул Европа муҳорабаси келиб чиқди. Демак, бир муҳорабадан сўнг иккинчи давр бошланадир.

Жаҳон муҳорабаси Еврўпа мутлақият ва жаҳонгирлигига хотима чеккани каби, шул замон ичинда Петербург ишчиларининг қўзғалиши билан пролетариат даври очилди.

Ҳозир биз мустамлака масъаласини «социализм» нуқтаи назариндан ҳал этайлик. Чунки мустамлакалар капиталистлар қўлинда экан, аларнинг усули билан борған вақтда Шарқнинг ҳолини кўрдик. Аларнинг усулин билдик.

Коммунистлар эса мустамлакани бошқача тушунадилар. Ғарб капиталист мустамлакачилари Шарқ халқларин ваҳший, агар аларға хуррият ва ҳаддиндан ортиқ сарбастлик бўлса, алар маданият учун қўрқинчилик бир нарса бўлиб, маданиятни йўқотарлар дер эдилар.

Коммунистлар эса бу масъалага бошқа кўз билан қарайдир. Коммунистлар ҳаммани бир текис, ҳаммани бир ҳуқуқда кўрадилар. Коммунистлар қарашинча, Ғарбда макина ва бошқа шунинг каби нарсалар билан шуғулланған ишчилар эзилса, Шарқда зироат ишин билан машғул бўлғанлар бордирки, алар эзиладилар. Коммунистлар Ғарбда завод, фабрикаларда ишловчи ишчиларни, Шарқда эса деҳқонларни қутқаруви учун тиришадилар.

Муни коммунистлар айтадилар. Бу қоғозда эмас, амалда-да кўриладир. Мисол учун эски Русия мустамлакалари бўлған Туркистон ва бошқа шунинг каби ўлкаларни кўрсатмак мумкин. Эски Русия вақтинда мустамлака бўлған бу ўлкаларнинг ҳар бириси ҳозирда бир жумхуриятга айланган.

Бу жумхуриятларнинг фидератсия усули билан Русияга туташуви фақат ижтимоий инқилобни номин учундур.

Демак, инқилоб ёлғиз Ғарб учун эмас, Шарқ учун-да бордир. Инқилобдан ёлғиз Ғарб ишчилари эмас, Шарқ деҳқонлари-да фойдаланурлар ва фойдаланишлари лозимдур.

Ҳозирда Шарқ оламинда ташкилот масъаласи заиф бўлғанлиқдан инқилоб ҳаракатлари-да миллий жараёнда давом этадилар. Шундоқ бўлса-да, коммунизм фирқаси аларға музоҳират<sup>1</sup> этадилар. Аларға музоҳират эттиклари замон ... назариёт ва асослариндан узоқлашмас.

Капиталистлар кўп майда ҳукумат ташкил эттиклари маълумдир. Фақат сўнгги вазият аларнинг бу ҳол билан яшай олмаяжакларини исбот этадилар.

Ўртоқ Ленин Шарқ миллатлари жаҳон курашинда иштирок этсинлар дейур.

Ҳар не қадар бу курашлар миллий ҳис билан бўлса-да, кўп давом этмаяжакдир. Бугун Боқуда тўпланған Шарқ элларининг қурултойи Шарқнинг курашга истагинин кўрсатадилар. Яшасин учинчи байналмилал! Яшасин коммунизм инқилоби ҳам анинг бошлиқлари (олқиш).

Ушбу нутуқларнинг таржимасиндан сўнг ўртоқ Зиновьев ҳозирги ясалғон миллият ва мустамлакот масъаласи учун бошқа бир резолюция таклиф этмасдан учинчи байналмилалнинг иккинчи конференциясинда шу ҳақда, яъни миллият ва мустамлакот масъаласи ҳаққинда қабул этилған резолюциясиға қурултойнинг ҳам қўшулувиға президиумнинг ўтинчин эълон этадилар.

Зиновьев шунга илова ўлароқ билдирадики, жўхудлар сексияси томониндан байтул-муқаддас хусусинда бир маъруза берилмишдир. Яна жўхуд коммунистлари томониндан қуалисион миллий мустамлакот масъаласи ҳаққинда айрим бир маъруза тақдим этилмишдир. Бундан бошқа Арманистон ишчилари томониндан бир маъруза Доғистон жўхудлар томониндан тағин бир маъруза, Доғистон мусулмонлари томониндан яна бир маъруза берилмишдир. Бу маърузалар узун бўлиб, қурултойнинг вақти мусоид<sup>2</sup> этмадикиндан мунларнинг ҳаммаси маҳаллий газеталарда босилажақ ва қурултойнинг кунлик ҳисобиға қабул этилажақдир. Шунинг билан бешинчи мажлис кечаси соат 11:00 да ёпиладир.

<sup>1</sup> Ҳамкорлик.

<sup>2</sup> Қулай.



**Иштирокиюн, 1920 йил 13 октябр, №211**

**ШАРҚ ЭЛЛАРИНИНГ ҚУРУЛТОЙИ**

**Олтинчи мажлис, 6 сентябр**

Мажлис соат 7:30 ўртоқ Зиновьевнинг тахти садоратинда<sup>1</sup> очилур.

Бугун музокара этилатурғон масъала «Шарқда шўро қурулиши» бўлуб бу ҳақида Венгрия ишчиларининг вакили ўртоқ Белақун дақладда бўлажақ.

Ўртоқ Белақун олқишлар ичинда доқладға бошлайдур.

Доқладнинг сўнгинда таҳририй суратда ушбу тезис қурултойға тақдим қилинадир.

1-Доҳилий ва хорижий ҳокимларнинг муқобилига ажнабий жаҳонгирларнинг ҳам маҳаллий испукулантларнинг алайҳина<sup>2</sup> Шарқ миллатларининг инқилоби бутун Шарқ мамлакатларинда ҳукумат ва усули идора масъаласини кунлик масъалалар қаторига қўйди.

Европа буржувазияси узун муддат минг турлий ҳийла ва тазвир<sup>3</sup> билан ҳукуматнинг бир зулм ва ҳокимият воситаси бўлмоғини фақир-йўқсул, меҳнаткаш ва ярим камбағал халқдан кўрар эди. Бил-акс<sup>4</sup> Шарқ мамлакатларинда ҳукуматнинг ғасбор<sup>5</sup> ва тажовузкорлиғи тамомила ошқордир.

Мамлакатда чин маъноси билан ҳуқуқсиз яшовчи меҳнаткашларнинг ҳаёти ва меҳнатларининг маҳсули тамомила шоҳларнинг, султонларнинг, амирлар ва шайхларнинг ва аларға қўшилған молдорлар, давлатли буйроқротларнинг қўлинда савдо молиға айлангандир.

Бу вазият тамакор жаҳонгирлар учун замин ҳозирлаб, алар мустамлака ҳолига келган мамлакатларда ўз ишларини ҳам тижоратларини ҳамиша ҳукумат олий мақсад зобит ва маъмурлар кўмаги билан фуқаро ҳисобиға юрутиб келгандир.

2-Ғарб давлатлари каби Яқин Шарқ мамлакатларинда-да аҳолининг мутаматтуъ<sup>6</sup> давлат-

ли табақалари ўз ҳукуматларига халқ ҳукумати сурати бермак истаганлар.

Туркия ҳам Эронда парламентаризим усули қурулмоғи, меншевиклар байроғи остинда Гуржистоннинг дашноқлар раҳбарлиги билан Арманистоннинг ҳам мусовотчилар<sup>7</sup> тахти идорасинда<sup>8</sup> Озарбайжоннинг демократик жумҳурият ҳолига кетурулувлари ҳуррият ва мусовот шиори билан бўлғандур. Фақат бу сиёсийлар ҳеч бўлмаса зоҳирий халқ ҳукуматында яратмоққа фоил<sup>9</sup> ва мустаид<sup>10</sup> бўлмадилар. Янада ажнабий жаҳонгирлар роҳат ва саодат яшадиқлари ҳолда алар билан ён-ёнға турган халқ кўрилмаган ва эшитилмаган бир суратда фақир ва тиланчиликда боқий қолдилар. Ер яна илгариги хўжаларининг қўлларинда қолди.

Меҳнаткашларга ҳадсиз ва ҳисобсиз даража зарарли бўлған эски верги (солуқ) усули ҳамон давом этди.

Фуқаро ҳисобина жорий бўлған муомала хўрлик, ихтикор<sup>11</sup> ва бошқа зулмларға ул ҳукуматлар наинки тааммул<sup>12</sup>, ҳатто ёрдам этдилар. Буларнинг ҳаммаси кўрсатадирки, керак Туркия, Эрон ва Озарбайжон миллий демократик фирқаларининг ва керак социалист шиори билан ишловчи меншевик ва дашноқларнинг бирлик ва бошқалари ҳаққиндағи шиорлари ёлғон эди.

3-Ваҳший империалистлар ҳокимиятини йиқитмоқ билан Шарқ меҳнаткашларининг инқилоби ясалған йўлидир. Ёлғончи халқ ҳокимияти ва алдоқчи мусовот шиорлари остинда султонларнинг, шоҳларнинг, амирларнинг, пошаларнинг, бекларнинг ҳокимиятини боқий сақловчи золим билан мазлум орасиндағи, солуқ тўловчилар билан бу солуқ соясинда қорин семиртурғанлар ўртасинда бўлуб турған тафовутларни кўргизган идораларни ҳам қақшатиладир.

Инқилоб бир ер хўжаларининг муқаддас эълон эттиклари чегара (ҳудуд) ичинда ҳам

<sup>1</sup> Раислиги остида.

<sup>2</sup> Алайҳ – қарши.

<sup>3</sup> Ёлғон.

<sup>4</sup> Аксинча.

<sup>5</sup> Босқинчи.

<sup>6</sup> Сармоядор.

<sup>7</sup> Тенгликчилар.

<sup>8</sup> Бошқаруви остида.

<sup>9</sup> Бажарувчи.

<sup>10</sup> Қобилиятли.

<sup>11</sup> Чайқовчилик.

<sup>12</sup> Бир ишнинг оқибатини ўйлаб кўриш.



тарқанмаяжақ Шарқ деҳқонлари, рус деҳқонлари каби ўз инқилобини «ер инқилоби» ўлчовинда кенгайтмаги лозим. Шўйлаки<sup>1</sup>, бу инқилоб натижасинда бутун ер меҳнаткашлар ихтиёрина ўтиб, сув истифодалик бутунлай етарга тейишли<sup>2</sup>.

Рус деҳқонлари ўз ер инқилобларини санойи ишчиларининг муованати<sup>3</sup> билан коммунист фирқаси идораси остинда олиб боруб-да ер хўжалариндан олдиқлари ер ва идорани сақлаш учун шўро атрофинда бирлашганлари каби, Шарқ деҳқонлари ҳам ўз инқилобий ҳаракатларини Ғарб ишчилариға, коммунист байналмилалига ва келажакда борлиққа чиқажак шўро ҳукуматларига истинод<sup>4</sup> эттиклари тейиш.

4-Шўро ҳукумати ва шўро ташкилоти ёлғиз ҳукумат қуроли зовуд ишчиларининг ташкилоти эмас, ҳозирғи замонда шўро усули мумтоз синфларни чиқармоққа ишчи ва деҳқонлар учун бирдан-бир усулидирки, ундан сўнгра осонлиқ билан ўз ҳаётларини тузата олалар.

Ер хўжалариндан олинған ерларни камбағаллар қўлинда сақламоқ учун бирдан-бир восита шўро ҳукуматидир. Бу вақтгача бир-бирларин қазиш билан машғул бўлған Шарқ миллатлари учун шўроларнинг федератсион ҳолинда бирлашуви ва бу федератсионларнинг-да чин мухториятқа молик бўлмоқлари лозимдирки, бу сояда ўзларини зарарли ҳокимиятларни битируб, хорижий золимлардан-да қутулуб, ҳокимиятни ўз қўлларина олмақнинг чорасин топқан бўлажақлар.

5-Демократик идора дейилган усул ҳокимиятни бек ва хонлардан иборат мумтоз синф қўлиға берадир. Бу йўл билан меҳнаткаш халқ ўз ишларини идорадан маҳрум бўлур. Фуқаро синфи ўз ишларини истаганча ишлар имкониндан айрилиб, бу тўғрида керакча маълумот ҳам ола олмайдир.

Бунинг тескарисинча, шўролар Русиясиндаги Сибиря, Бошқирд ҳам Қозоқ-Қирғиз жумҳуриятларинда, Татар ва Туркистон жумҳуриятларинда олинған тажрибалариндан кў-

риндики, Шарқ миллатлари мумтоз синфларни иш бошиндан қувмоқ билан ўз ишларини олиб бора билурлар. Ўз фойдаларининг ёрдами билан оз бир ватқда алар давлат апаратини юрғизишқа қодир бўлажақлар.

6-Коммунизмнинг Ғарбдаги ғолибияти Шарқ миллатларининг меҳнатиндан бу истифода йўлларин кесажак. Коммунизм инқилобининг Ғарбдаги ғолибияти шуни кўрсатадирки, Шарқ ва Ғарб мутақобила<sup>5</sup> иқтисоди муносабатсиз бўла оладир.

Бил-акс, инқилобнинг Шарқда ва Ғарбдаги ғолибияти яхши кўрсатадирки, турли мамлакатлар орасиндаги муносабатқа келганда меҳнатдан суиистеъфода этмак ўрниға мутақобила, мудофаа ва муованат давом этажақдир. Коммунизм инқилобининг ғолибиятиндан сўнгра давлатлар орасинда иқтисодий муносабат татбиқ этилажақдир. Бу қарор узара шўро усули бўлмаған Шарқ ҳукуматларининг иқтисодий муносабати фақат миқдори ортуқ капиталистлар фойдасина хизмат этадир.

Бу капиталистлар туркуми хом мол йиғиб ҳоли ҳозирда Шарқ меҳнаткашларининг меҳнатиндан фойдаланмоқ билан империалист мамлакатлари билан этканлари каби, Ғарб шўро ҳукуматлари билан савдо эта олур эдилар.

Шарқда ҳукуматнинг шўро шаклинда қурулиши наинки Шарқнинг дўстона муносабат ва мутақобила муованат ва мудохалаға<sup>6</sup> восита бўлса, балки масофаси оз бир йўл билан мушкулотсиз ўлароқ Шарқ миллатларининг ижтимоий таҳрифотқа<sup>7</sup> кечмак йўли таъмин этилган бўладир. Бутун ерни ишловчилар қўлина бермоқ учун меҳнаткашларни испекулантлар ва киши кучиндан фойдаланувчилар ҳукуматиндан қутқазмоқ учун империалист сув истифодасиндан тамомила озод бўлмоқлиқ фойдасина меҳнаткаш бўлмаған синфларнинг, айниқса, бошқа мамлакат мустамлакачи асирларини генераллар, мулкдорлар, чиновниклар ва бошқалар ва бутун ... шахсларнинг ҳукуматидан узоқлашмоғи ва шўролар асо-

<sup>1</sup> Шундайки.

<sup>2</sup> Етиши керак.

<sup>3</sup> Кўмаги.

<sup>4</sup> Суяниш.

<sup>5</sup> Ҳамкорликдаги.

<sup>6</sup> Аралашув.

<sup>7</sup> Бузилиш.

синда халқ ҳукумати ташаккул этилмоғини талаб этадир.

Бу қарорлар узра меҳнаткаш халқнинг келажакдаги фойдаси шўро ҳукумати вужудга келтирулувининг лузумиятини Шарқ халқларина кўрсатадир.

(Ушбу тезис раис томонидан товушқа қўюлиб, кўпчилик билан қабул этиладур)

Мундан сўнг иккинчи масъаланинг музокарасига кўчилур. Иккинчи масъала (ер ва тупроқ) масъаласидур. Бу тўғрида ўртоқ Қочиқуф дақладда бўлунур.

Ўртоқ Қочиқуфнинг бу дақладин Эрон инқилобчилариндан ўртоқ Ҳайдархон шул равишча таржима этадир.

Ўртоқлар, музокарага қўйилган масъала ер масъаласидир. Бу масъала Шарқ аҳолиси учун энг муҳим масъаладур.

Бу кунгача Шарқ деҳқони доимо мулкдорлар томонидан таланиб келди. Аларнинг ерлари Шарқда шоҳлар, подшоҳлар, кинязлар тарафиндан олинув, сўнгра секин-секин мулкдорлар, хонлар, муллолар қўлига кирди.

Эронда эса ҳозир савдогарлар ҳам фуқарони жабрлаб, ерларин тортиб ола бошлаганлар. Бу вақтгача Эронда мулкдорларнинг ерларини қўлларинда сақламоқ ва деҳқонни эзмак учун белгулик кишилар бор эди. Алар фақат мулкдорларнинг манфаати учун тиришиб деҳқонларга қарши чиқар эдилар. Ва бунинг ўзининг эккан ерлари учун ҳеч нарса берамас эдилар. Деҳқонлар эса машғулотлариндан фойдаланалмағанлари учун оилаларини оч, яланғоч қолдуруб, бошқа ерларга кетарга мажбур эдилар.

Демак, бу вақтга қадар мулкдорларнинг ишлаган сиёсатлари шудир. Илгаридан шариатимизда коммунизмни барқарор айлаб ва ерларни ишловчиларга бермиш экан, минг турли ҳийлаи шаръийлар билан ерлар мулкдорларнинг, савдогарларнинг ва муллоларнинг қўлига кўчди.

Ҳозирги вақтда иш шу даражага етгандирки, олими амолар, мулкдорлар, фуқарони шу даража кўрқитқанларки, ерни фуқарога тофшурсангиз, қабул этмасдан дейурларки, бу ерни олмоққа на Аллоҳ ва на-да арбоб рози бўлмас. Агарда ерни ихтиёримизга олсак, дўзахда ёнамиз.

Ўртоқлар, шу йўл билан мулк мулкдорларнинг қўлинда эди. Таназзул этмакка бошлади. Шўйлаки, Туркия 100 миллион халқ учун озиқ ҳозирламоққа қодир экан, ҳолбуки, 20 миллион халқни тўйғиза олмайдур. Туркияда турк мулкдорлари зироат<sup>1</sup> ҳосилотининг 100 дан 80 ни деҳқон қўлидан оладирлар. Демак, шунинг учун деҳқонларга шўро ҳукуматиндан, шўро ташкилотиндан бошқа нажот йўли йўқдир.

Шул вақтдағина фуқаро бу мулкдор, уламо ва бошқа золимлар қўлидан қутулмоғи мумкин.

Ернинг мулкдор қўлинда бўлуви экиннинг ҳосилин озайтурди, чунки мулкдорлар деҳқонларни қоронғуликда тутуб, ҳосилотини озайтирмоққа сабаб бўлған. Мошина ва бошқа экин қуроли берилмади.

Ўртоқлар! Бу ерда ўртоғимизнинг сўйлаган сўзини қисқаси шуки, бутун Шарқда ер масъаласи деҳқонлар фойдасина ҳал бўлуви лозимдир. Бунинг ҳал бўлув йўли шундай бўладирки: бутун ерлар мулкдорлар қўлидан олиниб, ҳукуматга бериладир. Ҳукумат деҳқонларга ўз кучига ва ишларига қараб бўлуб беражак. Демак, Шарқда фақат шўро ҳукуматининг қурулиши билан деҳқон нажот топажак ва ҳозиргача тортиб олинған ўз ерига ўзи эга бўлажак. Ушбу дақлад раис томонидан товушқа қўйулуб қабул қилинур.

Раис қурултойнинг энг сўнгги мажлисин эртага кеч соат 5 да бўлажагин эълон эта. Шунинг билан кечаси соат 9:00 да олтинчи мажлис ёпила.

<sup>1</sup> Деҳқончилик.




# ТАНИҚЛИ ЖАДИДЧИ МАЖИТ ҚОДИРОВНИНГ ФАОЛИЯТИ ҲАҚИДА ҲУЖЖАТЛАР ВА МАТЕРИАЛЛАР

Р.Шамсутдинов,  
тарих фанлари номзоди

СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси сайёр сессияси раиси юрист Алексеевнинг 1938 йил 5 октябрда Ўзбекистон ССР ички ишлар халқ комиссари, давлат хавфсизлиги майори Дереник Захарович Апресянга йўллаган 00601-сонли фармойишида 1938 йил 5 октябрда Ҳарбий коллегиянинг сайёр сессиясида 36 шахсга олий жазо белгилаш ҳақидаги ҳукми зудлик билан ижро этишни таъминлаш талаб қилинди. Бу фармойиш ижросини таъминлаш учун Апресян ўша куниёқ отувни ташкил қилувчи масъул шахс – Шишкинга буйруқ берди. Улар орасида Фитрат Рауф Раҳимович, Қодирий Абдулла «Жулқунбой», Юнусов Ғози Олим, Сулаймонов Абдулхамид (Чўлпон), Қориев Восит, Раҳимий Шокиржон, Ҳошимов Одилжон, Саидов Зиё, Қодиров Мажитлар бўлган.<sup>1</sup> Бироқ худди Сулаймонов Абдулхамид (Чўлпон) сингари Қодиров Мажит ҳам отув ҳукми чиқишидан бир кун аввал, яъни 4 октябрда отилганлиги маълум бўлди. Бу ҳақидаги акт маълумоти фотокопияси келтирилмоқда. Унинг фаолияти ва фожиаси ҳақидаги ҳужжат ва материаллар Россия Федерацияси Президенти архиви фонди, 24-рўйхат, 418-ишда, Москвадаги «Мемориал»нинг «Жертвы политического террора в СССР» сайтида қисман берилган. Бу қатағон қурбони

ҳақидаги тергов материаллари Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати архивида П23451-сонли ишда сақланмоқда. Унда Қодиров Мажит 1938 йил 4 октябрда отилганлиги ҳақида ҳужжат келтирилган.



Куйида ўзбек халқининг зиёлиларидан бири Қодиров Мажитнинг фаолияти ва унинг қисмати ҳақидаги ҳужжат ва материалларни келтиришни лозим топдик. Қодиров Мажит 1938 йил 2 апрелда ЎзССР Жиноят кодексининг 57-моддаси 1-қисми ва 67-моддаси билан жиноий жавобгарлигига тортилганлиги қайд этилган.

1938 йил 31 мартда ЎзССР ички ишлар халқ комиссари, давлат хавфсизлиги майори Апресян тасдиқлаган қарорда ЎзССР НКВД давлат хавфсизлик бошқармаси 3-бўлими оператив вакили, давлат хавфсизлиги сержанти Михайлянц томонидан 1886 йил 23 майда Тошкент шаҳрида имом оиласида туғилган, Тошкент темирйўли бошқармасида ўзбек тили ўқитув-

<sup>1</sup> Шамсутдинов Р. Ўзбекистонда советларнинг қатағон сиёсати ва унинг оқибатлари. – Тошкент: Шарқ, 2012. – Б.37 – 39.



чиси бўлиб хизмат қилган, Октябрь кўчаси Ленинград маҳалласи 94-уйда яшаётган Мажит Қодиров қамоққа олинган ва Тошкент турмасига ташланган.

1938 йил 13 апрелда ЎзССР НКВД давлат хавфсизлиги бошқармаси 3-бўлим бошлиғи ёрдамчиси Лисицин Қодиров Мажитга қўйилган айблов ҳақида қарор қабул қилган. Мавжуд материалларга кўра, Қодиров Мажит 1886 йил Тошкент шаҳрида туғилган, ўзбек, СССР фуқароси, маҳаллий хизматчи табибнинг ўғли, собиқ эсер, 1929 йили Ўзкомпартия аъзолigidан ўчирилган, яширин аксилинқилобий миллатчи ташкилот аъзоси бўлганликда, кўп йиллар давомида советларга қарши миллатчилик, бузғунчилик ишлари олиб борганликда айбланган. ЎзССР Жиноят кодексининг 57-1 ва 67-моддалари бўйича айбдор деб топилган.

1938 йил 4 апрелда давлат хавфсизлиги кичик лейтенанти, 3-бўлим оператив вакили Хотяков Мажит Қодировни айбланувчи сифатида тергов қилган.

**Савол:** Сиз 1918 йили нима учун қамоққа олингансиз ва суд қандай қарор қабул қилган?

**Жавоб:** Мен 1918 йил август ойида Мирзасода иши бўйича тахминан 26 киши қаторида қамоққа олиндим. Ўша Мирзасода аксилинқилобий «Уламо жамияти» миллатчи ташкилотининг раҳбарларидан бири бўлиб, унинг аъзолари ва Мирзасода қурол сотиб олгани учун қамоққа олинган (пулемёт билан ушлаб олинган). Терговда Мирзасода, мен ва яна 25 киши ташкилот иштирокчилари сифатида қамоққа олинганмиз. Мен 10 кун турмада ўтириб, кейин озодликка чиқарилдим, ноқонуний қурол сақлаган деган айб билан 150 рубль жарима тўладим. Менда берданка милтиғи бўлиб, уни олиб юриш учун рухсат олмаганман. Суд вақтида фақат 3-4 киши судланди, қолганлари қўйиб юборилди, чунки бизларга тўхмат қилингани маълум бўлди.

**Савол:** 1929 йилда нима учун қамоққа олингансиз?

**Жавоб:** 1929 йили мен партиядан ўчирилганимдан кейин НКВД органлари мени қамоққа олдилар, мени аксилинқилобий фаолиятда деган айб қўйилди, 4 ой ўтгач жиноят таркиби



Жадид Мажит Қодиров (1886 – 1938)

тасдиқланмагани учун озод қилиндим.

Менинг сўзларимдан ёзиб олингани тўғри, протоколни ўқиб чиқдим.

1937 йилнинг 8 сентябрда М.Қодиров гувоҳ сифатида қилинган тергов протоколида қуйидагилар ёзилган:

**Савол:** Қачон ва қандай мақсад билан Германия ва Францияга бориб келдингиз?

**Жавоб:** 1925 йил ёзида Тошкентдаги қадимий ашёлар комитети ходими бўлганим учун ЎзССР Маориф халқ комиссарлиги томонидан Париж кўрғазмасида Ўзбекистон вакили сифатида иштирок этиш учун Парижга хизмат сафарига юборилганман, Парижда 1 ойга яқин вақт турганман, Парижга бориш йўлида бир неча кун Германияда тўхтаб қолганман.

**Савол:** Нима учун Берлинда тўхтаб қолдингиз ва ким билан учрашдингиз?

**Жавоб:** Парижга кетиш олдидан Ўзбекистон қадимий санъат комитети раиси Ничкин орқали ЎзССР Халқ Комиссарлари Советининг собиқ раиси Файзулла Хўжаев томонидан «**Ригина**» меҳмонхонасига чақирилганман. Ф.Хўжаев мени қабул қилиб, менга топшириқ берди: Парижга бориш чоғида Берлинда тўхташ, Олимжон Идрисий билан учрашиш, Германияда турган ўзбекистонлик талабаларнинг бир қисмини Ўзбекистонга жўнатиш учун чоралар кўришни топширди. Бунга мувофиқ мен бир неча кун Берлинда турдим ва Олимжон Идрис билан талабалар масаласи бўйича учрашдим. Ўзбекистонлик талабаларнинг бир қисмини



яна қайтиб СССРга жўнатиш масаласи бўйича Олимжон Идрисий салбий фикр билдирди. Идрисий Файзулла Хўжаевнинг таклифи бу талабалар манфаатига мувофиқ келмайди деб айтди. Қолмишига, у ўз фикрини тушунтириш маъносида гўёки ўша вақтда маориф органлари ёшлар тарбияси билан эмас, аксарият тарғибот билан шуғулланишлари керак деб айтди.

**Савол:** Ўша вақтда ўзбек талабалари орасида Олимжон Идрисийнинг аксилинқилобий ишлар олиб бораётганлиги ҳақида хабарингиз бор эдимиз?

**Жавоб:** Ҳа. Мен бир неча кун Берлинда бўлдим, Олимжон Идрисий ва бошқалар билан бўлган суҳбатимда ўзбек талабаларининг асосий қисми Олим Идрисий таъсири остида ва советларга қарши кайфиятда эканлигини билдим.

**Савол:** Ўша вақтда Берлиндаги ўзбек талабалари орасида аксилинқилобий миллатчилик ташкилоти, Олим Идрисий раҳбарлигида аксилинқилобий ташкилот борлигини билармингиз?

**Жавоб:** Йўқ, билмаганман.

**Савол:** Берлиндаги ўзбек студентлари Олимжон Идрисий таъсирида бўлганлиги ва советларга қарши кайфиятда бўлганлиги ҳақидаги маълумот сизга қаердан маълум бўлди?

**Жавоб:** Берлинда бўлган чоғимда, агар адашмасам, Тоҳир Шокировнинг уйида ташкил этилган меҳмондорчиликлардан бирида иштирок этганман. Бу меҳмондорчиликда Аҳмад Шукурий, Саттор Жаббор, Тўлаган Мўмин, Саид Али Хўжа, Солиҳ Муҳаммедов, Тоҳир Шокировлар иштирок этганлар. Шу меҳмондорчиликда биз Совет Иттифоқи ва бошқа давлатлардаги таълим масаласи ҳақида фикр алмашдик. Аҳмад Шукурий ва Тўлаган Мўминлар очиқданочиқ антисовет фикрлар билдиришди. Тўлаган Мўминнинг айтишича, ўзбек талабалари фақатгина Совет Иттифоқидан ташқарида, хусусан, Берлинда етарлича тўлиқ таълимга эга бўлишлари мумкин.

Мен ўзбек талабалари оқ муҳожирлар (Ўсмон Тукумбетов, Ҳасан Назарий) совет адабиётига салбий муносабатдалиги, айни вақтда, турк буржуа адабиётига қизиқиш катта эканлигини ҳам тушуниб етдим.

**Савол:** Ўзбекистон ҳукумати раҳбарларидан кимга ўзбек талабаларининг советларга қарши кайфиятда эканлиги ва Олим Идрисийнинг аксилинқилобий фаолияти тўғрисида ахборот бергансиз?

**Жавоб:** Ўзбекистонга келишим биланоқ бу тўғрисида маориф халқ комиссари Инағомовга ва касбий таълим бош мудири Носир Саидовга, шунингдек, ЎзССР Марказий Ижроия Комитети йиғилишида ахборот берганман.

**Савол:** Сиз бу ҳақда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети раҳбарларига ахборот бердингизми?

**Жавоб:** Шубҳасиз.

**Савол:** Сизнинг миллий аксилинқилобий ташкилот – «Миллий иттиҳод» ташкилоти аъзоси эканлигингиз, 1925 йили Берлин ва Парижга борар экансиз, Германиядаги ўзбек талабалари тўғрисида аксилинқилобий ташкилот раҳбарлари томонидан аксилинқилобий характердаги топшириқ олганингиз терговга маълум. Шу масалада ҳаққоний кўрсатма беришингизни талаб қиламиз.

**Жавоб:** Мен аксилинқилобий «Миллий иттиҳод» ташкилоти ёки бошқа аксилинқилобий ташкилотларда бўлган эмасман ва уларда иштирок этмайман, Берлин ва Парижга борарканман, бирон кимсадан аксилинқилобий характердаги топшириқ олган эмасман.

Айбланувчи Қодиров Мажид 1938 йил 7 – 9 апрелда ҳам тергов қилинган.

**Савол:** Сиз ЎзССР НКВДнинг махфий ходими бўла туриб иккиюзламачилик қилиб органлардан ўзингизнинг аксилинқилобий фаолиятингизни яшириб, онгли равишда органлар топшириғини бажармадингиз. Сиз шуни тан оласизми?

**Жавоб:** Мен иккиюзламачи бўлган эмасман ва НКВД органларидан ҳеч нарсани яширган эмасман, НКВД органларининг барча топшириқларини тартибли равишда бажарганман.

**Савол:** НКВД Ўзбекистон давлат хавфсизлиги бошқармаси оператив ходими бир неча бор таниқли аксилинқилобчи, миллатчи Ҳусайнхон Ниёзовни халқ душмани сифатида зудлик билан қамоққа олиш учун излаб топиш ҳақидаги топшириқни нима учун бажармадингиз?



**Жавоб:** Мен бу топшириқни бажармадим, чунки уни – Ниёзовни аниқлай олган эмасман, қаердалигини билмайман.

**Савол:** Нотўғри гапиряпсиз, Ҳусаинхон Ниёзов сизга яқин киши, сиз у билан бир кварталдансиз ва билмаслигингиз мумкин эмас, у қаерда? Сиз онгли равишда НКВД органи топширигини бажармагансиз, душманни ҳибсга олишни яширгансиз.

**Жавоб:** Ҳа, Ҳусаинхон Ниёзов ҳақиқатан ҳам менга яқин киши, биз у билан бир маҳалладанмиз, аммо менга унинг қаердалигини аниқлаш топширилганида бу вазифани хоҳламаганим учун эмас, балки аниқлай олмаганим учун бажармадим. Мен умуман душманни қамоққа олишдан яширган эмасман.

**Савол:** Бу нотўғри. Сиз 1920 йилда Ниёзовни босмачиликнинг фаол аъзоси сифатида қамоққа олиш учун қидириляётган пайтида ҳам яширгансиз. Тергов сиздан иккиюзламачилик фаолиятингиз сабабларига оид холисона маълумот беришингизни талаб қилади.

**Жавоб:** Ҳақиқатан ҳам, 1920 йили Ҳусаинхон Ниёзов босмачилар қароргоҳидан қайтиб келган, мен уни ўз хонадонимда яшириб турганман, чунки биз у билан яқин дўст эдик, аммо 1938 йили мен НКВД агенти сифатида Ниёзовни аниқлаш тўғрисида кўрсатма олдим, уни яширган эмасман.

**Савол:** Ҳусаинхон Ниёзовни шунинг учун яширгансизки, сиз яширин аксилинқилобий ташкилотнинг аъзосидирсиз, унда Ниёзов ҳам бор, буни биздан ҳамма вақт яширгансиз, 12 йил давомида ОГПУ-НКВД агенти сифатидаги фаолиятингизда сизга бир неча бор қуролсизланиш ва ўзингизнинг миллий аксилинқилобий ташкилотда иштирокингиз ҳақида бор ҳақиқатни айтиш таклиф қилинган. Инкор этишни бас қилинг энди.

**Жавоб:** Мен ҳозирги вақтгача ўзимнинг ўтмишдаги миллатчилик фаолиятимни яшириб келдим, энди мен қуролсизланишга қарор қилдим.

Мен 1906 йилдан 1917 йил февраль революциясигача ўзбек зиёлилари – жадидчиларнинг буржуа-миллатчи оқимида мансуб бўлганман, Тошкент шаҳридаги жадидчилик ташкилоти

таркибида бўлганман, жадидлар етакчиларидан Мунавварқори Абдурашидов, Саъдулла Турсунхўжаев, Убайдулла Хўжаев, Низомиддин Хўжаев ва бошқалар билан яқин алоқада бўлганман, уларнинг топшириғи бўйича аҳоли ўртасида миллатчилик фаолиятини олиб борганман.

1917 йилдаги февраль инқилобидан сўнг 1917 йил августига қадар «Шўрои ислом» ташкилотининг аъзоси бўлганман. Бу ташкилот миллатчилар, бойлар ва руҳонийлардан: Муннавварқори, Убайдуллахўжа, Саъдулла Турсунхўжаев, Низомиддин Хўжаев, Тожибой Исомухаммедов, Абдувоҳид қори Абдураупов ва бошқалардан иборат. Аксилинқилобий «Шўрои ислом» ташкилотида мен Тошкент ва унинг атрофидан Олма-отага қадар бўлган ҳудудда Тошкентдаги марказ топшириғи билан фаол иш олиб борганман, муваққат ҳукумат комитетларини тузганман, бу ишни 1917 йил март ойида ташкилотимизнинг бошқа аъзолари билан биргаликда олиб борганман. Тахминан 1917 йил август ўртасидан Тошкентда Бокудан келган миллатчи Афандизода, Мурсалзода, Мавлонийлар билан Мунавварқори Абдурашидов раҳбарлигидаги «Турк Адами Марказияти» аксилинқилобий миллатчи ташкилотида бўлганман. 1917 йил август ойи охирида Муҳаммадхон Пошшахўжаев ва Мавлоний томонидан ёлланганман. Улар менга тушунтиришларича, уларнинг ташкилоти «Шўрои ислом» ташкилотидан кўра анча илғор бўлиб, асосий мақсади большевикларга ҳамда муваққат ҳукумат аъзоларига қарши курашиб, миллий-буржуа давлатини тузиш эди. Мен уларнинг таклифига рози бўлдим ва уларнинг топшириғи билан ўзимга таниш бўлган барча жадидларни ва ёшларни ташкилотга жалб қила бошладим.

Бизнинг ташкилот октябрь инқилобига қуролли қаршилик кўрсатган пайтда фаол иштирок этдим. Ташкилотимизнинг етакчиларидан бири Низомиддин Хўжаев қалъадан қурол олиб, уни Тошкентнинг Эски шаҳар қисмидаги Олмазор деган жойга олиб келган. Ўша вақтда мен ташкилотнинг бошқа аъзолари, жумладан, 50 га яқин Эски шаҳар аҳолиси билан тургандик. Уларнинг кўпчилиги савдогарлар, “қулоқ”лар ва бошқа ижтимоий ёт унсурлар эди.



Низомиддин Хўжаев барчага қурол тарқатган ва биз большевикларга қарши чиққандик.

1917 йил декабрь ойида Қўқон мухторияти ташкил этилганда мен Мунавварқори ташкилоти томонидан вакил бўлиб Қўқонга Қўқон мухторияти бизнинг ташкилотимиз билан биргаликда иш олиб бориши ҳақида келишиб олиш учун юборилдим. Қўқонга келгач, мен Миродилов – мухториятнинг молия вазири ва Қўқон мухториятининг ҳарбий вазири Афандизода билан бўлажак съездга вакиллар юбориш тўғрисида келишиб олдик. Съезд делегати сифатида Низомиддин Хўжаев мухториятчилар билан келишиб, бирор нарсани амалга ошириш мумкин бўлмади, чунки мухториятчилар тарқатиб юборилган эди.

**Савол:** Сиз сўл эсерлар партиясида бўлганмисиз?

**Жавоб:** Ҳа, партиядо бўлганман. 1918 йил апрель охирида мен сўл эсерлар партияси Эски шаҳар филиалига раҳбарлик қилаётган Саъдулла Турсунхўжаев, Муҳиддин Турсунхўжаев, Юсуф Алиев ва бошқалар билан «Турк Адами Марказияти» ташкилотимизнинг бошқа аъзолари билан биргаликда аъзо бўлганман. Мен штаб бўйича ўлкашунослик масалалари билан шуғулланганман ва штабда навбатчилик қилганман. 1918 йил декабрь ойи бошларида мен Коммунистик партиядо аъзо бўлиб кирдим.

**Савол:** Терговга маълумки, сиз ўзингизнинг миллатчилик фаолиятингизни Коммунистик партиядо кирганингиздан кейин ҳам тўхтатмагансиз.

**Жавоб:** Ҳа, шундай. Мен миллатчилик фаолиятимни Коммунистик партиядо бўлган давримда ҳам давом эттирганман, зеро, биз, миллатчилар, Коммунистик партиядо ташкилотимиз топшириғи билан кирганмиз. Бундан мақсад совет ҳокимияти билан кураш олиб боришда совет партия аппаратида раҳбарлик лавозимларини эгаллашдан иборат бўлган. Ташкилотнинг бу қарори, айниқса, Осипов қўзғолонидан кейин оммавий характерга эга бўлди, шунда биз большевиклар шу босқичда ҳам ғалабага эришганларини кўрдик, бу ичкаридан туриб кураш олиб боришнинг ягона усули эди. Бу даврга келиб «Иттиҳод ва тараққий» ташки-

лотини янгилаш учун «Турк Адами Марказияти» билан биргаликда пантуркчилик ташкилотини мустаҳкамлаш кун тартибига қўйилган эди.

**Савол:** Бу даврда сиз қандай аксилинқилобий иш олиб бордингиз?

**Жавоб:** Ўшанда менга ташкилотнинг энг фаолларидан бўлганим учун «Турон» мактабинини ташкил этиш топширилганди. Бунга педагоглар сифатида турк офицерлари жалб этилганди. Ташкилотнинг раҳбарларидан бири Афандизода бўлган. Халқ маорифи комиссарлиги 1919 йил ўрталарида менга миллатчилардан ўқитувчиларни тайёрлаш бўйича мактабда курс ташкил этиш топширилганди, уларни пантуркчилик руҳида тарбиялаш ва уларнинг республиканинг бошқа районларида иш олиб боришига эришишни мақсад қилиб олинган. 1919 йил охиригача 300 нафар миллатчи, пантуркчи ўқитувчилар тайёрланган. Бу ташкилотга Саъдуллахўжа Турсунхўжаев, Бахшулла Хўжаев, Афандизода ва бошқалар раҳбарлик қилган. Улар «Иттиҳод ва тараққий»нинг филиалларини районларда ташкил этиш учун гуруҳлар тузишган, 30 кишидан иборат гуруҳ совет ҳокимиятига нисбатан нафрат уйғотиш ва унга қарши кураш олиб бориш билан машғул бўлган. Бизнинг ташкилотимиз аъзоси Акмал Икромов Наманган шаҳрига «Иттиҳод ва тараққий» ташкилотининг филиалини ташкил этиш учун юборилганида у билан ўқитувчи Обид Саидов ўртасида тўқнашув келиб чиққан, мени эса ушбу можарони ҳал қилиш учун юборишган. 1919 йил декабрида мен Наманганда бўлиб Икромовни ўз ҳимоямга олдим ва уни Саидов билан яраштирдим, кейинчалик Саидовни Икромов учун берилган ташкилот вазифасига халал бермаслигини кўзлаб бошқа ҳудудга жўнатиб юбордим. 1920 йилда мен ташкилот кўрсатмаси билан ўрта мактаблар учун 42 нафар ўқитувчи тайёрладим, улар ҳам ёш авлодни миллатчилик, пантуркчилик руҳида тарбиялашлари керак эди. Тайёрланганлар орасида Боис Қориев, Собир Қодиров, Илҳом Исломов, Олим Усмонов ва бошқалар бор эди. Уларнинг барчаси «Темир тўдаси» ташкилотининг иштирокчилари эди.

**Давоми келгуси сонда...**



# РАСКРЫВШИЙ НЕИЗВЕСТНЫЕ ГРАНИ ИСТОРИИ КРАЯ

Алишер Кудияров,

доцент, к.и.н., директор музея Жертв памяти репрессии  
при Каракалпакском университете имени Бердака

Профессор Ш.Бабашев является одним из редких ученых личностей, кто занимался глубокими исследованиями в области истории культуры, науки, жизни и деятельности молодежи Каракалпакстана, посвятив им около 60 лет своей жизни. Он внес огромный вклад в воспитание и подготовку молодых квалифицированных кадров. Ш.Бабашев всецело отдал себя изучению и пропаганде истории своего края, народа, способствуя тем самым росту самосознания подрастающего поколения. Регулярно публиковал материалы в газетах и журналах, по результатам своих исследований выпускал книги, принимал активное участие в телепередачах. Проблемы научных исследований Ш.Бабашева стоит рассматривать с двух направлений. Первое направление включает в себя период Второй мировой войны, героическую борьбу нашего народа на фронтах сражений, доблестный труд простых людей в тылу.

Подвиг народов Каракалпакстана в исторических трудах профессора отражен объективно посредством архивных данных и воспоминаний очевидцев событий. В целом, из-под пера Ш.Бабашева вышли более 200 статей, увидели свет десятки книг и монографий, посвященных героизму народа, заняв достойное место в летописи истории республики.

Ш.Бабашев родился в 1930 году в ауле Шуак Муйнакского района. В 1946 году поступает



Шарип Бабашев  
(1930 – 2014)

в исторический факультет Каракалпакского государственного педагогического института и в 1950 году успешно заканчивает его. В 1950 – 1952 годах работал учителем истории и заведующим учебным отделом в средней школе Кунградского района. С 1952-го по 1954 годы возглавлял лекторскую группу, в 1954 – 1958 годах – отдел пропаганды Каракалпакского обкома Союза молодежи. После окончания Высшей комсомольской школы в Москве, в период 1958 – 1961 годов трудился на должности инструктора Каракалпакского обкома КПУз.

В 1958 году Ш.Бабашев публикует свою первую объемную статью, которая называлась «Молодежь Каракалпакстана в годы Великой Отечественной войны». Это определило направление исследований будущего ученого. В



1961 – 1964 годах обучался в аспирантуре, после завершения которой, в 1965 году, успешно защитил кандидатскую диссертацию на тему «Комсомольцы Каракалпакстана в годы Великой Отечественной войны». В том же году под его авторством вышла книга «Воинско-комсомольцы каракалпаки в боях за Родину». Будучи в 1965 – 1969 годах директором Государственного исторического музея Каракалпакстана, он скрупулезно собирал у населения предметы исторического наследия прошлого, пополняя музей важными экспонатами. Поистине широкое общественное признание пришло к ученому после выхода из печати в Москве альбома «Овеянные славой – Данкка боленген» на русском и каракалпакском языках тиражом 16 тысяч экземпляров, где освещаются образы наших земляков-фронтовиков.

Шерип Бабашев в своих монографиях «Бессмертный подвиг каракалпакских воинов» (1970 г.), «Труд во имя Победы» (1980 г.), «Ратные подвиги воинов из Каракалпакии» (1985 г.) опирается на источники из Министерства обороны бывшего Союза, Государственного центрального и партийного архивов, воспоминания ветеранов, опубликованных во фронтовых, республиканских газетах, письмах-«треугольников» фронтовиков, объективно освещая героизм народов нашего края на полях сражений и в тылу. История присвоения 20 нашим землякам звания Героя Советского Союза, награждения еще шестерых орденом Славы всех трех степеней стали известны во многом благодаря неустанной деятельности Ш.Бабашева.

Наряду с деятельностью в качестве ученого, он в течение 30 лет занимался преподаванием сначала в Каракалпакском государственном педагогическом институте, затем в Каракалпакском государственном университете. Самоотверженный труд наставника был оценен по достоинству. Так, в 1972 году ему было присвоено звание доцента, а в 1991 году – профессора. С 1986-го по 1991 годы заведовал кафедрой.

Содержательные доклады профессора Ш.Бабашева о достойном вкладе воинов-каракалпакстанцев в борьбу против фашизма, на международных конференциях в городах России Москве и Ульяновске, украинских Львове, Ужгороде, Днепрпетровске, городах Казахстана – Алматы, Караганде, в наших городах Ташкенте и Самарканде, а также на все-союзных научных конференциях в 1985 – 1990 годах имели большой успех и отклики. Профессор Ш.Бабашев, руководя туристическими поездками из Каракалпакстана в Болгарию (1980), Германию (1986), Финляндию (1990) не прекращал научные изыскания. В результате ему удалось найти имена наших земляков, погибших на территориях этих стран, эти имена занесены в Книгу памяти. При непосредственном участии Ш.Бабашева и с его предисловием впервые в истории края создана Книга памяти с именами 33866 солдат-каракалпакстанцев.

В последующем ученый проводил исследования о жизни и деятельности лиц, несмотря на заслуги, подвергшимся репрессиям со стороны советской власти. Он собирал архивные данные не только на территории нашей республики, но и в других республиках. С 1990 года работает в качестве заведующего отделом новейшей истории Института истории, археологии и этнографии Каракалпакского отделения Академии наук Узбекистана, затем возглавлял Каракалпакское отделение Благотворительного фонда «Шаҳидлар хотираси», созданного 25 декабря 2001 года. За выдающиеся заслуги в области научных исследований ему присвоено почетное звание «Заслуженный деятель науки Республики Каракалпакстан», до этого, в 1979 году – звание заслуженного деятеля культуры Республики Каракалпакстан.

Как руководитель рабочей группы республиканской комиссии «Шаҳидлар хотираси», Ш.Бабашев принимал деятельное участие в восстановлении доброго имени безвинно осужденных земляков за период 1930 – 1990 годов. Результатом этих работ стал выход в

свет в 2003 году фундаментальной книги «Политические жертвы в истории Республики Каракалпакстан». В этой книге рассказывается о жизнях и судьбах верных сынов народа, кто в годы жестокого тоталитарного режима с честью исполняли свой долг, активно участвовали в борьбе за восстановление национальной государственности, жили чаяниями народа, томились в лагерях и погибали. Книга содержит сведения о ранее неизвестных репрессированных лицах, найденных в секретных архивах, что позволила открыть новые страницы в истории края. Результатом многолетней работы профессора над созданием отдельной книги о жертвах политических репрессии стала книга «Безвинные жертвы репрессий», основанных на данных архивов Российской Федерации и Республики Казахстан, Службы государственной безопасности Республики Узбекистан, а также Республики Каракалпакстан.

Рассматривая увековечение личностей, отдавших свою жизнь за свободу и счастье людей, проявление дани уважения к их потомкам как высокий долг и обязанность, Шерип ага Бабашев, используя достоверные архивные материалы, представил читателям трагическую судьбу преданных своему народу сыновей, незаконные действия руководителей и сотрудников карательных органов.

Книга профессора Ш.Бабашева «Безвинные жертвы репрессий» является ценным произведением, имеющим большое научное значение, призванным раскрыть картину гнета и репрессий, происходившей в Каракалпакстане в первой половине минувшего века. Продолжая свои исторические исследования, ученый в 2009 году выпустил книгу, посвященную просветителям, боровшимся за освобождение народа в период царской России. В том же 2009 года он издал книжку «Судьба Жоллыбек аксакала», повествующей о героической и трагической судьбе Жоллыбек аксакала Утемуратова, его пребывании в лагере и смерти. В 2012 году он представил четвертую книгу, ставшей плодом многолетних исследо-

ваний ранее закрытых архивов и излагающей доселе неизвестные факты истории края. В данной книге он с полным обоснованием и объективностью приводит факты трагических судеб, выпавших на долю сынов народа, беззаветно боровшихся за восстановление национальной государственности, представителей национальной науки и культуры в 20 – 40-х годах XX века, справедливо названных периодом «Кровавых событий» и «Большого террора».

В очередной книге профессор, также на основе достоверных архивных материалов, рассказывает о народах, насильственно депортированных в наши края. Безжалостно критикуя действия сотрудников ОГПУ и НКВД, Ш.Бабашев констатирует грубейшие нарушения ими не только действовавших в то время законов, но и Конституции. Прочитывая эти и другие книги автора, а также его многочисленные публикации в периодике, человек имеет полноценную и правдивую картину тех времен. Коллеги-ученые очень высоко характеризуют неутомимый и благородный труд Ш.Бабашева. Так, по словам профессора Б.Кощанова, 25 декабря 2001 года он был избран на должность руководителя Каракалпакского отделения Благотворительного фонда «Шахидлар хотираси», что обязало его еще больше поднять свои усилия по глубокому исследованию прошлого колониального периода. Свои исторические исследования Ш.Бабашев проводил с научной точки зрения, показав примеры объективности, честности и беспристрастности, обогатив и оживив историческую летопись, подняв на новую ступень гражданское самосознание людей.

А доктор педагогических наук, профессор Усербай Алеуов по праву считает Ш.Бабашева пионером в исторических исследованиях об истории жертв колониальных времен в Каракалпакстане. Он выразил мнение о том, что через свои произведения он вносит неповторимую лепту в воспитание подрастающего поколения в годы независимости, формиро-



вание у него чувств патриотизма, поступательное развитие национальной культуры. Как мне кажется, он в качестве руководителя Каракалпакского отделения Благотворительного фонда «Шахидлар хотираси» сыграл решающую роль в восстановлении добрых имен лиц, незаконно репрессированных в период 1930 – 1990 годов. Последние 15 лет жизни Ш.Бабашев всецело посвятил этому делу и включил имена репрессированных в анналы истории края. Он и после 2000-х годов занимался изучением судеб людей, подвергшимся незаконным преследованиям, оставив после себя богатое историческое наследие. Посредством изучения жизненного пути и исторических трудов Ш.Бабашева, мы достигнем знаний, с одной стороны, о его самоотверженности как ученого и человека, с другой стороны, о земляках, внесших свой вклад в Победу на войне. Ну а в третьих, мы осознаем значение его книг в воспитательной

сфере. Благородная деятельность ученого никогда не будет забыта, будет образцом для будущих поколений.


Еще раз хочется подчеркнуть, что главной целью ученого была увековечение имен невинно репрессированных, проявление глубокого уважения к их потомкам. Поэтому он неустанно корпел над архивными материалами, по крупинке вытаскивая семена истины, правды о незавидной судьбе тысяч наших земляков, зловещей работе представителей карательных органов. Именно в силу этого его труды имеют непреходящую ценность для освещения картины террора и репрессий, происходившей в Каракалпакстане в первой половине минувшего века. Благодаря чему у нас сложилось ясное представление об исторических путях, пройденных предками, чисто человеческих качествах, достоинствах, служащих жизненным маяком для молодого поколения.



# ИНСОН ТАҚДИРИ

## ҲАҚИҚАТ ВА ТАРИХ ФАЛСАФАСИ КЎЗГУСИДА

Эргаш Юсупов,  
АнИДДУ доценти



**Табаррук заминнинг қадрига етиш учун, биринчи навбатда, шу юртда яшаб ўтган, унинг келажаги учун қайғурган аждодларимизнинг маънавий жасоратини англаб, улуғлашимиз керак. Бундай жасорат, аввало, ўз юртига бўлган муҳаббат ва садоқатда, унинг тақдири учун фидойилик кўрсатиб яшашда намоён бўлади.**

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 8 октябрдаги «Қатағон қурбонларининг меросини янада чуқур ўрганиш ва улар хотирасини абадийлаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармойишига кўра теран моҳиятга эга бўлган, бироқ охиригача ёритиб берилмаган воқеликлар борасида кенг кўламли тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Воқеликни тўғри англаш, тўғри баҳолаш ҳақиқий олим учун ноёб фазилатдир. Профессор Рустамбек Шамсутдиновнинг «Қишлоқ фожиаси: жамоалаштириш, қулоқлаштириш, сургун», «Ўзбекистонда советларнинг қулоқлаштириш сиёсати ва унинг фожиали оқибатлари», «Истиқлол йўлида шаҳид кетганлар» ва бошқа асарлари мазмун-мундарижаси, аҳамияти жиҳатидан тарихий ҳақиқатни юзага чиқаришга хизмат қилмоқда.

Устоз изланишдан тўхтамади ва Иномжон Хидиралиевнинг тақдири мисолида<sup>1</sup> XX асрда юртимизда кечган мураккаб жараёнлар силсиласини ёритишга муваффақ бўлди. Ҳолбуки, совет даврида И.Хидиралиевга буржуа миллатчиси, халқ душмани ёрлиғи ёпиштирилган эди.

Ҳақиқатни юзага чиқаришни мақсад қилган олим И.Хидиралиевнинг ҳаёти ва фаолияти мисолида замон ва замин ижтимоий-маънавий манзарасини ёритишга жазм этди. Зеро, бу давр ўта зиддиятли қарашлар ва мураккабликлар даври эди. Унинг ижтимоийлашув силсилалари қамровида кечгани ҳам ҳақиқат.

Профессор Рустамбек Шамсутдиновнинг кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган

<sup>1</sup> Шамсутдинов Р. Таниқли давлат ва жамоат арбоби Иномжон Хидиралиев ҳаётига чизгилар. – Тошкент: Академнашр, 2022.



рисоласида унинг И.Хидиралиев ҳаёти ҳамда унинг илмий ижодий фаолиятдан намуналар келтирилган. Ушбу контекстда муаммонинг ўрганилиш даражаси, ҳолати ва кўлами аниқланган. Нафсиламрини айтганда, Иномжон Хидиралиевнинг шахси, ҳаёт йўли, инқилобий жараёнга тортилган барча Марказий Осиё ва андижонлик фидойилар тақдири устоз диққат-эътиборида бўлиб келган. Ушбу йўлда Иномжон Хидиралиевнинг маданий савияси ва миллий шуури шаклланади. У ўзи учун эмас, миллат саодати, Ватан мустақиллиги учун курашиб яшади. Туркистон ҳамда Ўзбекистон ҳукуматларининг бошқарув жараёнида фаол қатнашди.

Руслаштириш, советлаштириш даврини ёдга олсак, мураккаб ва зиддиятларга бой манзара намоён бўлади. Лениннинг миллий мустамлакачилик сиёсати стратегик мақсадга айланди. Туркистоннинг геосиёсий ўрни ва аҳамияти инқилоб доҳийси диққатини ўзига тортди. Оқибатда СССРнинг пахта мустақиллиги сиёсати Ўзбекистон орқали амалга оширилди. Очарчилик ва атайлаб уюштирилган камбағаллаштириш сиёсати Фарғона водийсини ҳам четлаб ўтмади: 1921 йили 64 минг 315 киши очликдан вафот этди.<sup>1</sup>

Репрессия совет ҳокимиятининг доимий иш усули эди. «Босмачилик» номи билан «миллий озодлик ҳаракати»га қўшилганлардан 16 йил давомида 1 миллион 200 минг ўзбек қурбон бўлди.<sup>2</sup>

Ўзбек халқининг фидойи фарзандлари миллат манфаатини ҳимоя қилиб, ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг муқобил йўллари ни амалга оширишга интилдилар. Аммо ВКП (б) бундай ҳаракатларнинг барчасини жазолаб борди. Бундай кишиларга нисбатан «гуруҳбозликка қарши кураш» шиори остида айблар қўйилиб, жазога тортила бошланди. «Қосимовчилик», «Ўн саккизлар гуруҳи», «Иноғомовчилик» деб ном олган ишлар XX аср 20-йилларнинг иккинчи ярми – 30-йилларда тўқилган

эди. Афсуски, фидойи инсонлар ноҳақ айбланиб, қатағон қилиндилар.

Сталин партиянинг XVII съезидига қилган ҳисобот докладида «Миллатчилик томон оғиш, «ўз» «миллий» буржуазиясининг совет тузумини барбод этиш ва капитализмни тиклашга уринишларини акс эттиради».<sup>3</sup> Ушбу тамға остида турли-туман сохталаштирилган воқеа-ҳодисаларни қўшиб-чатиб юбордилар. «Миллатчиликка оғиш» айблови билан Ўзбекистонда қатағон қилинганлар орасида Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи котиби А.Икромов, Ўзбекистон ССР Халқ Комиссалари Совети раиси Ф.Хўжаев, Туркистон ва Бухоро Коммунистик партиялари фаол арбоблари Т.Рисқулов, Н.Хўжаев ва С.Турсунхўжаевлар бор эди.

Миллий республикаларда, биргина Ўзбекистон ССР мисолида кўриб айтиш мумкинки, бундай амалиёт кадрлар корпусидаги катта йўқотишлар билан бир қаторда жамиятда ишончсизлик, қатъиятсизлик кайфиятини келтириб чиқарди. Ҳассос олим И.Хидиралиев ҳаёт йўлини архив ҳужжатлари ва маълумотлари асосида ўрганиб чиққан ҳамда исбот қилинган далиллар илмий мушоҳадага тортилган. Натижада И.Хидиралиевнинг деярли мукамал таржимаи ҳоли ва образини яратишга муваффақ бўлинган, унинг фаолияти теран ҳамда холис баҳоланган.

СССРнинг Буюк Британия музокарасидаги иштироки, Ўрта Осиёда миллий давлат чегараланишининг ўтказилиши, Ўзбекистон ССРнинг ташкил этилиши ҳам кўп жиҳатдан И.Хидиралиев фаолияти билан боғлиқдир. И.Хидиралиев ҳукумат таркибига республика ер-сув ишлари халқ комиссари сифатида киритилади.

Муаллиф ўз таъкидида китобхон диққат-эътиборини қулоқларга қарши сиёсатнинг нотўғрилигини бир неча бор ҳам оғзаки, ҳам ёзма равишда айтишга журъат қилган ўзбек арбобларидан бири И.Хидиралиев бўлганлиги қаратади, «Правда Востока» газетасининг 1925 йил 12 февраль сонидида эълон қилган «Лицом к кишлаку» мақоласида И.Хидиралиев

<sup>1</sup> Қаранг: Жўраев Н. Тарих фалсафасининг назарий асослари. – Тошкент: Маънавият, 2008. – Б.260.

<sup>2</sup> Қабоҳат салтанати. Мақолалар тўплами. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – Б.24.

<sup>3</sup> Сталин И. Ленинизм масалалари. – Тошкент: Ўздавнашр, 1955. – Б.617.

ўша вақтда республикадаги расмий доиранинг қулоқлар ҳақидаги қарашларига нисбатан ўзига хос йўл тутганди. «Кимларни қулоқ деб ҳисоблаш ва у билан қандай курашиш масаласи – энг оғир масала, буни қуйи ташкилотлардагилар яхши тушуниб олмоқлари лозим», – деб кўрсатади И.Хидиралиев.

Тарихий адабиётларда «18 лар гуруҳи» Ўзбекистон Компартиясидаги антипартиявий гуруҳ сифатида баҳоланиб келди. Жумладан, Иномжон Хидиралиев, Ўринбой Ашуров, Раҳимжон Раҳимбобоев, Мирзахўжа Ўринхўжаев, Ҳожибоев, Саиджонов, Раҳмат Рафиқов ва бошқалар Компартия II қурултойи олдидан РКП (б) МКнинг Ўрта Осиё бюросига ариза билан мурожаат қилганлар. Аризага бошқалар қаторида И.Хидиралиев ҳам имзо чеккан. Бу вақтда И.Хидиралиев Самарқанддаги Абрамов кўчасидаги уйда бетоб ётганди. Ундан ҳол-аҳвол сўраш мақсадида пойтахт Самарқандга келган бир қанча арбоблар, ёр-дўстлар И.Хидиралиев билан суҳбатлашадилар. Шундай шароитда у ҳам аризага имзо қўяди.

Аmmo, муаллиф изланишларига кўра, «18 лар гуруҳи»ни текшириш бўйича тузилган комиссиянинг материаллари, Ўзбекистон Давлат хавфсизлиги хизмати архивидаги ҳужжатлар 20-йиллардаги социалистик қурилишдаги бузилишлар, НЭП йўлидан четга чиқиш, маъмурий-буйруқбозлик тизимининг қарор топиши, кадрлар сиёсатидаги хатолар, миллий кадрларни асоссиз таъқиб остига олиш ва бошқа омиллар «18 лар гуруҳи» ҳеч қандай антипартиявий гуруҳ эмаслигидан далолат бериб турар эди. Ҳолбуки, улар Ўзбекистон фарзандлари, бироқ Ўзбекистонда тоталитар режимнинг қарор топишига биринчи бўлиб қарши турганлар, социализмга бориш йўлининг альтернатив, ўзига хос шаклларини ўртага ташлаганлар.

И.Хидиралиев партия ва давлат арбоби, хўжалик раҳбари, омма етакчиси бўлиш билан

бирга қалами ўткир публицист ва ўз даврининг етук олимларидан эди. У 10 дан ортиқ илмий асарлар ва кўплаб илмий-оммабоп, амалий ва назарий аҳамиятга эга бўлган мақолалар муаллифи бўлган. Тарихшунос олим мунаққид И.Хидиралиев фаолиятини илмий баҳолайди ва таҳлил қилади. Ҳаёт ҳикмати илм ўрганишда эканлигини ўқувчига уқтириб ўтади.

Москва. 1928 йил 31 декабрь. Кремлнинг рўпарасидаги «Националь» меҳмонхонасида фожиа рўй берди: Эл-юрт фарзанди, таниқли давлат ва жамоат арбоби Иномжон Хидиралиев фожиали ҳалок бўлди. Ўзбекистонда «ўнг оппортунизм»га қарши курашнинг биринчи зарбаси Иномжон Хидиралиевга қаратилди. Устоз олим мушоҳадасига кўра, «Националь» меҳмонхонасида 1928 йил 31 декабрь тунда «Иномжон Хидиралиев ўзини ўзи отган» деган уйдирма Исаак Абрамович Зеленский «ихтироси бўлган».

Таажжубки, И.А.Зеленский шарҳлаган И.Хидиралиевнинг хати, мана, 40 йилдирки ҳамон қидирувда... Қисқаси, муаллиф Иномжон Хидиралиев ҳаёт йўлини ҳақиқат, адолат тарозисида тортиб кўришга ундайди ҳар биримизни... Қотиллик изини батамом йўқотиш мақсадида мурдани куйдириш, хусусан, ГПУ ташкилотининг «ижоди» бўлса керак. Ягода, Ежов, Берия, Аapresян, Зеленский каби қотиллар сўнгги нафасларида ниҳоятда олчоқ махлуқ эканликларини кўрсатишган... Мусулмон фарзандининг жанозасини шамол ўқиб, азасини майсалар тутган...

Ўз навбатида, И.Хидиралиев ҳаёт йўлининг ёритилиши илмий-тарихий билим чегараларини кенгайтириб, авлодлар ўзлигини англаш йўлида беқиёс аҳамият касб этади. Тақриз қилинаётган ушбу китоб ниҳоятда ўқимишли, далилларга бой, равон тилда ёзилган.

Етук олим, фидойи инсон Р.Т.Шамсутдиновнинг ушбу мукамал асари фан оламининг мулкига айланиши муқаррар.



# «Я СЕБЯ СОВЕРШЕННО НЕ ПРИЗНАЮ ВИНОВНЫМ!» ИЗ ИСТОРИИ ПРОТЕСТНОГО ДВИЖЕНИЯ В КАЗАХСТАНЕ 1960 – 1980-Х ГГ.»

## НОМЛИ КИТОБ ҲАҚИДА МУЛОҲАЗАЛАР

Р.Т.Шамсутдинов



Қозоғистон Республикаси Фанлар академияси академиги,  
тарих фанлари доктори, профессор Мамбет Қойгелдиев

Қардош Қозоғистон халқининг совет мустамлакачилигига қарши озодлик ҳаракати тарихи бу ажойиб, мардонавор халқнинг шонли тарихида муҳим ўринга эгадир. Аммо қозоқ халқининг совет тоталитар режими шароитида, хусусан, ўтган асрнинг 60 – 80-йилларидаги норозилик ҳаракати тарихини ўрганиш ва тарғиб қилишнинг имконияти бўлмаган. Мустабид совет тузуми бунга изн бермас эди. Советлар ҳукмронлиги ағдарилгач, қозоқ халқи тарихида ҳам бутунлай янги давр бошланди.

Миллий давлатчиликнинг асосий пойдевори қурилди, миллат маълум маънода мустақил ҳаёт кечириш йўлига ўтди. Халқнинг совет тузумига қарши олиб борган озодлик кураши тарихи ҳақида фикр ва мулоҳазалар юритиш, ҳатто илмий тадқиқотлар олиб бориш имконияти туғилди, асарлар, ҳужжат ва материаллар тўпламлари яратила бошланди. Улардан бири 2019 йили Алматыдаги «Арыс» нашриётида чоп этилган «**Я себя совершенно не признаю виновным!**» Из истории протестного движения в Казахстане 1960 – 1980 гг. Сборник документов и материалов» китобидир. Асар «История и культура великой степи» илмий дастурини реализация қилиш бўйича жамоатчилик совети томонидан (Абусейтова М.К., Байтанаев Б.А., Бексейтов Г.Т., Дебрисали А., Жумагулов К.Т., Жансугурова Л.Б., Қойгелдиев М.К., Кабылдинов З.Е., Омарбеков Т.О., Саипов А.) тайёрланган. Абай номидаги Қозоқ миллий педагогика университети илмий кенгашининг 2019 йил 25 сентябрдаги 1-сонли баённомаси билан нашрга тавсия этилган. Академик М.К.Қойгелдиев китобнинг тузувчиси ва кириш қисми муаллифидир. Китоб Қозоғистон Республикасида хизмат кўрсатган арбоб, «Қаҳрамонлар» республика жамоатчилик фонди президенти Сабыр Қасымовнинг «**1960 – 1980 йиллардаги қаҳрамонлар**» сарлавҳали кириш сўзи билан бошланган. Ватани, халқининг озодлиги ва мустақиллигини таъминлаш, миллий қадрият-



лар ва манфаатларни ҳимоя қилиш ғоялари йўлида қурбон бўлганлар ҳақида бор ҳақиқатни очиб бериш халқ оммасини ватанпарварлик, демократик, прогрессив руҳда тарбиялашдаги катта аҳамиятга эга. Собиқ совет империяси диктатор-коммунистик режим шароитида 60 – 80-йилларда Қозоғистонда кучли норозилик ҳаракати юз берган. Ана шу тарихий воқеани сиёсий ва илмий жиҳатдан баҳолашдек ўта қалтис, хавфли, нозик ишга биринчи бўлиб қўл урган киши академик Мамбет Кулжабаевич Койгелдиев бўлди. Қозоғистондаги «Қаҳраман-дар» жамоат фонди президенти, Қозоғистон Республикасида хизмат кўрсатган ходим Собир Қосимов китобга ёзган муқаддимасида шундай дейди:

«Биз ҳаммамиз биламизки, Мамбет Койгелдиев совет даврида биринчилардан бўлиб Алаш ҳаракатини ўрганишга киришиб, халқимиз учун муқаддас бўлган, тарихимиздаги фожиали, айна пайтда, қаҳрамонлик ҳодисаси бўлган тарихий ҳақиқатни очиб беришда катта ишларни амалга оширди.

1960 – 1980 йилларда қозоқ халқининг миллий ўзликни англаши қандай бўлганини тушуниш учун унинг сиёсий ҳолатини таҳлил қилиш зарур эди. Бошқа сўз билан айтганда, бу ўттиз йилликда Қозоғистондаги норозилик ҳаракати нимада ифодаланган ва нимага қарши эди? Қозоғистонда 1917 йилдан 30-йилларнинг охиригача куч билан совет ҳокимиятининг мажбурлан ўрнатилиши, бундан ташқари, фуқаролар уруши, сунъий синфларга бўлиб юбориш, 1920 – 1921 йиллардаги очарчилик, қозоқ овулининг советлаштирилиши, мусодара қилиш, коллективлаштириш, 1931 – 1933 йилларда халқнинг ярмига таъсир ўтказган Голодомор, қозоқ ватанпарварларини республика раҳбариятидан ва Қозоғистондан ҳайдаб чиқариш каби тарихда мисли кўрилмаган ҳодисалар рўй берганди. 1960 – 1980 йилларда Қозоғистон Хрушчев ташаббуси билан бўш ва лалми ерларнинг стихияли ўзлаштирилиши оқибатларини бошидан кечирди.

1954 – 1962 йилларда Қозоғистонга 2 миллион киши кўчирилди, уларнинг салмоқли қисми қамоқхонадан озод қилинган жиноятчилар



эди. Натижада ўз тарихий маконида яшаётган қозоқларнинг миқдори 30 фоиздан пасайиб кетган. Узоқ йиллар тадқиқот олиб борган профессор Қ.Абуев Россиянинг ички қисмидан кўп сонли аҳолининг Қозоғистоннинг шимолига оммавий кўчирилиши чор ҳукумати мустамлакачилик сиёсатининг давоми тарзида намоён бўлганлигини асослаган».

Муқаддима эпиграфи қилиб П.А.Столыпиннинг<sup>1</sup> мана бу сўзлари олинган: «Народ, не имеющий национального самосознания есть навоз, на котором произрастают другие народы («Миллий ўзлигини англамаган халқ бошқа халқлар униб-ўсадиган гўндир!»).

Бу асар 3 қисмдан иборат. Биринчи қисмда 1960 йиллардаги норозилик ҳаракатларини акс эттирувчи 14 та ҳужжат, иккинчи қисмда 1970 йиллардаги норозилик ҳаракатлари ҳақида 53 та ҳужжат ва материаллар, 1980 йиллардаги норозилик ҳаракатларига оид 10 та ҳужжат келтирилган. Айниқса, норозилик ҳаракатининг фаол иштирокчилари, ташкилотчилари, раҳбарларидан М.Кулмагамбетов, Турганбек Есентаев, Кожа-Ахмет Хасен Каримжан уули, Азамат Жакибаев, М.Х.Досановлар тўғрисида-

<sup>1</sup> Столыпин Петр Аркадьевич (1862 – 1911) – Россия давлат арбоби, ички ишлар министри, Министрлар Совети раиси, Россиядаги аграр ислохотнинг раҳбари, у кекса дворянлар авлодига мансуб бўлган.



ги ҳужжат ва материаллар китобда илгари сурилган қозоқ халқининг норозилик ҳаракати тарихини очиб беришда муҳим аҳамиятга эга. Китобда тергов материаллари ҳам келтирилганки, улар орқали Қозоғистондаги норозилик ҳаракатларининг туб сабаблари, моҳияти, аҳамияти очиб берилган. Бу ҳаракатнинг қурбонлари ҳақида кўпдан-кўп ҳужжат ва материаллар келтирилган. Масаланинг назарий, сиёсий, мафкуравий жиҳатлари ҳужжатлар, материаллар асосида кенг ва катта йўналишда очиб берилган.

Собиқ метрополияда ҳозирда ҳам совет тарихшунослиги афсоналарига содиқ қолган муаллифлар томонидан қозоқ жамиятининг подшоҳлик Россияси ва Совет давлати таркибидаги тарихини энг яхши давр деб талқин қилиниши ҳамон давом этмоқда. Улар Кавказорти ва Болтиқбўйи республикаларидаги озодлик ҳаракатлари шаклланганини эътироф этиб, Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқларида бундай ҳаракатлар юз бермаган, бу халқлар СССР қулашини умуман хоҳламаганлар деб ҳисоблаётганлар ҳам учраб турибди. Аслида эса қозоқ халқи подшоҳлик Россияси ва большевиклар босқинчилиги, ҳукмронлигига қарши кураш олиб борган. 1917 йил 7 ноябрдаги тўнтаришдан кейин Қозоғистонда большевиклар ҳокимиятига қаршилиқ кўрсатилган ва бу ҳаракат 74 йил давомида тўхтамаган. Китоб муаллифлари Қозоғистондаги муҳолифатчилик ҳаракати 1960 – 1980 йилларда юз берганини тасдиқловчи ҳужжат ва материалларни, Россия Федерацияси Давлат архивида сақланаётган ҳужжатларни излаб топишган, уларнинг маъносини англаб, таҳлил қилиб, тарихий воқеликни қандай юз берган бўлса, шундайлигича тадқиқ этишга интилишган. Ана шу ҳужжат ва материалларни ўрганиб, жамлаб, таҳлил этиб, мазкур китобни яратишга муваффақ бўлишган. Китобнинг яратилишида 1962 йилдан 1986 йилгача бўлган даврда СССР Прокуратураси, Давлат хавфсизлик хизмати органларидаги тергов устидан назорат қилиш бўйича бўлим материаллари асосий манба бўлиб хизмат қилган. Россия Федерацияси Давлат архивининг Р-8131 фондида Павлодардан Кулмаганбетов Махмет, Олма-

отадан Қожаҳметов Ҳасан Қарибжанович, Дўсанов Муҳамбет Ханатович, А.К.Джакибаев, Б.А.Увановлар ишлари сақланган. Қозоғистон ССР Жиноят кодексининг 56-моддаси 1-қисми билан айбланган Кулмаганбетов ўзининг айбдор эканлигини тан олмаган, суд йиғилишида у шундай деган:

«Мен партия ва ҳукуматнинг қарорларига танқидий муносабатда бўлиш керак деб айтганман. Бу фикрда ҳеч қандай ревизионистик, антипартиявий ва антисоветчилик йўқ деб биламан. Ўқитувчилар орасида ўз фикримни айтиб СССРда ишсизлик мавжуд деганим капиталистик иқтисодиёт билан ўхшаш деган маънони англамайди. Мен социализм шароитида ишчи кучи товар ҳисобланади, социализм шароитида қўшимча қиймат мавжуд бўлади деганман, яъни товар фетишизми тўғрисида фикр билдирганман. Мен қишлоқ аҳолисининг 99% қашшоқликда яшамоқда деб ёзганман...

Мен ўзимнинг айбдорлигимни мутлақо тан олмайман. Балки, менинг жамият маъқулламайдиган нотўғри хатти-ҳаракатларим бордир, баъзан ҳаётнинг салбий томонларига эътибор қаратганман, сиёсий ва ижтимоий тизимни мустаҳкамлашга ҳисса қўшмаганман... СССРнинг сиёсий тизими мени тўлиқ қониқтирмасди».

Кустанай область судининг 1963 йил 17 апрелдаги қарори билан Махмет Кулмаганбетов Қозоғистон ССР Жиноят кодексининг 56-моддаси 1-қисми билан айбланган ва 7 йилга озодликдан маҳрум этилган. Унинг КПСС Марказий Комитетига қилган мурожаати ижобий натижа бермайди. Узоқ давом этган ҳуқуқий курашдан сўнг у охир-оқибат Совет давлатидан ҳайдалади.

М.Кулмаганбетов иши 1950 – 1960 йилларда Қозоғистондаги тоталитар тузумга интеллектуал қаршилиқнинг энг ёрқин намуналаридан бири бўлди.

Агар умумий сукунат фонидида М.Кулмаганбетов ёлғиз кўриниб, партия ва Совет давлати фаолиятини принципиал танқид қилган бўлса, 1965 йилда Ачисай полиметалл заводининг 43 нафар муҳандис-техник ишчилари Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетига мактуб

йўллаб, уларда комбинат раҳбариятининг қозғистонлик мутахассисларга нисбатан камситиш сиёсатига қарши очиқ норозилик билдиришган. «Биз, турли таълим муассасалари битирувчилари, – деб ёзишган улар, – «Ахполиметалл» комбинатига куч ва билимимизни жонажон диёримиз кон саноатини ривожлантириш ва юксалтиришга бағишлай оламиз деган қувончли ўй билан кела бошладик. Аммо, афсуски, бизни ҳайратда қолдирган нарса завод раҳбарияти бизни, ёш мутахассисларни бошқача кутиб олиши бўлди. Биз – маҳаллий миллатга мансуб ёш мутахассисларни ёмон кутиб олишди».

Қозғистонлик ёш мутахассислар қисқа муддатда ишлаб чиқариш кўникмаларини эгаллаб олган, масъулиятли лавозимларда ишлаб оладиган муносиб кадр сифатида ўзини намён қилган. Мактубда келтирилган фактлар комбинат ҳаётидан аниқ мисоллар билан тасдиқланди. Масалан, мактуб муаллифлари заводда қозоқ миллатига мансуб муҳандис-техник ва ишчи ходимларга нисбатан очиқ-ойдин камситиш фактлари кундалик ҳодисага айланганини ва шу муносабат билан уларда «миллий кадрлар ишлаб чиқаришни керакли даражага кўтаришга қодирми?» деган мутлақо табиий савол туғилганини алам билан қайд этганлар. Ва шундай таъкидлаганлар: «Биргина жавоб бор: Ҳа!».

Мактубда келтирилган муаммонинг барча жиҳатларига тўхталиб ўтишнинг ҳожати йўқ, китобда келтирилган мактуб матни билан ўқувчининг ўзи танишиши мумкин.

Завод муҳандис-техник ходимларининг Қозғистон Компартияси Марказий Комитети Президиумига йўллаган хатида кўрсатилган фактлар Чимкент область партия комитети ва Қозғистон Компартияси Марказий Комитети комиссиялари томонидан текширилди. Биз Қозғистон Республикаси Президенти архивдан Марказий Комитет текшируви материалларини топа олмадик. Шу билан бирга, Чимкент область давлат архивида область комитети бюроси ва Кентау шаҳар партия комитети қарорлари билан таъминландик.<sup>1</sup>

*Область партия комитетиси бюроси ўзининг 1965 йил 18 сентябрдаги қароридан область партия комитетининг комбинат муҳандис-техник ходимларининг хатини текшириш бўйича комиссияси материалларини кўриб чиққанлиги: «Комбинатда кадрларни, шу жумладан, туб миллат вакилларини танлаш, жойлаштириш, рағбатлантириш ва тарбиялашнинг ленинча тамойили қўпол равишда бузилганлиги тўғрисидаги хатда, асосан, «маҳаллий миллат кадрлари кўздан четда қолгани, ишончсизлик муҳити сақланиб қолган» деб кўрсатилган, холос.*

Афсуски, бу фожиали ҳикоямизда кейинги воқеалар ҳақида батафсилроқ тўхталиб ўтиш имконига эга эмасмиз. Унинг айрим фикрлари О.Кулатаюлининг «43-чининг Қўнаевга мактуби» китобида баён этилган.

Юқоридагиларни умумлаштирган ҳолда шуни таъкидлаш жоизки, «Ахполиметалл» заводининг 43 нафар муҳандис-техник ходимларидан келган мурожаат хати совет раҳбариятининг саноат ишлаб чиқариши соҳасидаги ёлғонга асосланган кадрлар сиёсатига жиддий зарба бўлди. Шу ўринда америкалик социолог С.Хантингтоннинг «Сиз ўз дўстингиз сифатида кўрмоқчи бўлган инсонлар, агар улар сизни ўз дўстлари сифатида кўришни хоҳласаларгина, шундай бўлади» деган фикрини эсга олиш мақсадга мувофиқдир. Улар айтганидек, шарҳлар ортиқча.

Саноат ишлаб чиқаришидаги кадрлар сиёсатидан норозилик республиканинг бошқа корхоналарида ҳам кузатилган. Умуман, 1969 йилда саноат корхоналарида, Уст-Каменогорск, Лениногорск ва қисман Семипалатинскда 75 нафар ёш мутахассислар «Биз адолатли кадрлар сиёсати тарафдоримиз» номли норасмий уюшмани тузишга эришганлар.

Қозғистон ва Қирғизистоннинг туб аҳолиси совет ҳукуматининг 1970 йиллардаги кўчириш сиёсатидан ҳавотирланиб яшаганлиги ҳужжатларда акс этган. Масалан, 1972 йил 29 декабрда Олма-отада «Арман» кинотеатри ёнидан топилган рус тилида машинкада ёзилган «Қирғиз ва қозоқ!» сарлавҳали варақада шундай ёзилган: «... Асосан руслар ва украинларнинг катта оқи-

<sup>1</sup> Шимкентский региональный архив. Ф. 40. Оп. 9. Д. 7094. Л. 5040.



ми билан вазият янада оғирлашмоқда, натижада қирғизлар мамлакат аҳолисининг ярмидан камини ташкил қилади, бу замин уларнинг аждодлари ҳудуди, қозоқлар аҳолининг фақат 1/3 қисмидир. Бундай оқим суръатларининг сақланиб қолиши прогрессив руслаштириш билан бирга бизни яқин келажақда қайғули ҳақиқат олдиға қўяди. Тил, анъана, тарих бўлмайди...». Варақада яна шундай дейилган: «Миллат таназзулга учрашининг сабаби дунёдаги биринчи социалистик жамиятдир».

Бу каби варақалар 1973 йил бошида нафақат Олма-отада, балки Фрунзе шаҳрида (Қирғизистон ССР) ҳам тарқатилди, Қозоғистон ва Қирғизистон КГБ органлари томонидан қўшма текширув ўтказилди. 1977 йилда «Бўлиш ёки бўлмаслик!» сарлавҳаси остида тарқатилган варақалар муаллифлари Олма-отадаги университет ва Фрунзедаги давлат университетининг тарих факультети талабалари томонидан ташкил этилган «Сари-Арка» ташкилоти эканлиги аниқланади. Қозоғистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги КГБ тергов бошқармаси томонидан тузилган маълумотномада «Сари-Арка» гуруҳи 1973 йил охирига келиб парчалангани, дастур, низом ва йиғилиш баённомалари унинг иштирокчилари томонидан йўқ қилингани қайд этилган. Гуруҳ аъзолари 92-сонли жиноий иш асосида ушлаб турилган.

Совет раҳбариятининг мустамлакачилик сиёсатини қоралаш, варақалар тарқатилиши Павлодар, Олма-ота ва республиканинг бошқа шаҳарларида кейинги йиллар давомида ҳам кузатилди. 1970 йилда Павлодар область прокуратураси «Жас Улан» ташкилоти юзасидан иш қўзғатди. Область Давлат хавфсизлик қўмитаси бўлими 1969 йил декабрь ойида Марказий универмаг, 10-сонли қозоқ ўрта мактаби ва Павлодар педагогика институти ётоқхонаси эшигида «миллатчилик характери»даги варақалар жойлаштирилганини аниқлади. Аҳолининг қозоқ қисмини мустамлакачилик сиёсатига қарши, миллий ўзликни сақлаб қолиш учун курашишга чақирувчи матнлар ёпиштирилгани аниқланади. Варақалар «Жас Улан» номли ноқонуний ёшлар ташкилотига аъзо бўлган Павлодар шаҳридаги 3-сонли мактаб-

интернат ўқувчилари томонидан тайёрланиб тарқатилган. Ташкилотга 10-мактаб мусиқа фани ўқитувчиси Нурбассаров Рахметхон ва 3-сонли мактаб-интернатнинг 9-синф ўқувчиси Арман Каниевлар асос солган. «Жас Улан» 24 кишидан иборат бўлиб, асосан, 9 – 10-синф ўқувчиларидан иборат эди.

13/197-77-сонли назорат процессида материаллар «ўта махфий» деб тавсифланган. Унда Хасен Карибжанович Қожахметовга нисбатан Олма-ота области прокурори ўринбосарининг махсус хабари ўрин олган бўлиб хатда Қозоғистон ССР Жиноят кодексининг 170-1 жиноят иши ҳужжатлари келтирилган. СССР прокуратураси КГБда терговни назорат қилиш бўлими бошлиғига 1977 йил 29 апрелдан 30 апрелга ўтар кечаси Олма-Ота шаҳрида қозоқ тилида аноним ҳужжатлар тарқатилганлиги ҳақида хабар қилинган. «Совет давлати ва жамият тузумини обрўсизлантирадиган, ёлғон, туҳматдан иборат уйдирмаларни ўз ичига олган» матн қўлга тушгани айтилади.<sup>1</sup> Қожахметов Хасен Карибжанович 1949 йилда туғилган, қозоқ, партиясиз, болалар мусиқа мактабида ўқитувчи бўлиб ишлаган. 1977 йил 3 майда Х.Арт.га нисбатан жиноят иши қўзғатилди. Унга нисбатан Қозоғистон ССР Жиноят кодексининг 170-1 ва қамоққа олиш эҳтиёт чораси белгиланган. Бу ҳақда шу кунни Москва Бош прокуратурасига хабар берилган. Ўз навбатида, СССР прокуратураси Х.К.Қожахметовнинг ҳибсда ушлаб туриш пайтида олинган асосий ҳужжатларнинг нусхаларини юборишни сўраган. Бунга жавобан 19 та ҳужжатнинг қозоқ тилидан рус тилига таржимаси ва 50 варақдаги аризалар юборилган.

Хуллас, китоб совет даврида Қозоғистонда халқнинг норозилик ҳаракатига оид эълон қилинмаган, махфийлик тамғаси остида сақланиб келаётган ҳужжат ва материалларни излаб топиб, уларни синчиклаб ўрганиб, норозилик ҳаракатининг сабаб ва моҳиятини очиб беришда катта аҳамиятга эга. Ана шундай тадқиқот ишлари Ўрта Осиё республикаларида, жумладан, Ўзбекистонда ҳам амалга оширилиши керак деб биламиз.

<sup>1</sup> ГА РФ. Ф. 8131. Оп. 36. Д. 8944.